

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛЛАЖОН БЕГМАТОВ

**МАЪНАВИЯТ ФАЛСАФАСИ ЁХУД
ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА
ЯНГИ ФАЛСАФИЙ ТИЗИМНИНГ
ЯРАТИЛИШИ**

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2000

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан нашрга тавсия қилинган.

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори *Қ. НАЗАРОВ*,
социология фанлари доктори *М. БЕКМУРОДОВ*

Рисолада И. КАРИМОВ асарларида янги фалсафий тизимнинг асослангани далилланади. Бу тизимда маънавиятнинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, унинг демократия, ижтимоий адолат, урф-одат ва маросимлар, иқтисод, мафкура сингари ҳодисалар билан ўзаро таъсири очиб берилади. Китобча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, фалсафа билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© «Академия» нашриёти

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни Бош таҳририяти,
2000.

Истиқлолга эришилгандан кейин мамлакатимизда ижтимоий фанлардан тарих, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, иқтисодий назария каби фанлар чуқур буҳрондан чиқиб тараққиёт палласига кирган бўлса, фалсафада танглик чўзилиброқ кетди. Санаб ўтилган фанларда мутахассислар совет тузуми шароитида якка ҳукмрон бўлган марксистик қолиплардан қутилиб, истиқлолимиз, халқимиз руҳига мос тараққиёт йўлига ўтдилар. Фалсафада эса марксизмдан расман воз кечилгани эълон қилинган бўлса ҳам, амалда марксистик ёндошув, қолиплардан тўла қутилиб бўлмапти.

Бундай ачинарли ҳолнинг мавжудлигига асосий сабаблардан бири, совет даврида тайёрланган мутахассисларнинг марксизм-ленинизм фалсафасидан бошқа фалсафий тизимлардан яхши хабардор эмаслигидир. Ўша даврдаги фалсафа факултетлари ўқув режаларида, марксизмдан ташқари, бирорта фалсафий оқимни чуқур ўрганиш кўзда тутилмаган эди. Ўрганилган тақдирда ҳам бу оқимларга фақат танқидий нуқтаи назардан ёндошилди. Фалсафадан маъруза ва амалий машғулотларда экзистенциализм, позитивизм, психоанализ, прагматизм, эмпириокритицизм каби оқимлар санаб ўтилса ҳам, уларнинг моҳияти чуқур ўрганилмас ва камчиликларини мумкин қадар бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилинарди. Уларнинг қўпчилиги марксизм классиклари томонидан кескин, аммо баъзан ўринли, баъзан ноўрин танқид қилинган, айримлари эса ҳатто «миясиз файласуф»лар деб аталган эди. Унчалик илмий бўлмаган бу тавсиф ва танқид ғайри марксистик фалсафий оқимларни баҳолашда асосий йўналиш эди. Шунинг учун университетларда файласуфлик дипломини олган талабалар марксизмдан ташқари биронта ҳам фалсафий оқимни чуқур билмасди. Марксизмнинг миси чиқиб қолгандан кейин эса, файласуфларимиз зулматга чўмгандай бўлиб қолдилар. Чунки улар ёруғликка олиб чиқадиган йўл тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмасдилар.

Аслида, марксизмдан воз кечилиши нурдан эмас, саробдан воз кечиш эди. Лекин саробга кўникиб қолган мутахассислар ҳаётий ҳақиқатга кўникиб олишлари қийин бўляпти. Халқимизда, девор минганга от ёқмайди, деган нақл бор. Девор миниб «чавандозлик» қилаётганлар лўкиллашани қара, деб от миниб кетаётганлар устидан кулишаркан! Биз — файласуфлар ҳам девордан тушмоқчимиз, лекин отни қаердан топамиз, топсак, қандай минамиз, деб ҳануз ҳадиксираб ўтирибмиз.

Марксизмдан ўзга фалсафий тизимларнинг камчилигини ахтаравериб, ижобий тизимларни шу даражада сезмайдиган бўлиб қолдикки, ўз юртимизда истиқлол даврида вужудга келаётган фалсафий тизим асосларини ҳам кўрмаяпмиз.

Фалсафий тафаккуримиз чуқур танглик ҳолида эканини тушунадиган файласуф дўстларимиздан бири шундай деб қолди: «Президентимиз тарихчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшуносларга бу фанларнинг тараққиёт йўлини кўрсатиб берди. Энди бу фанлар илдам ривожланиб бормоқда. Агар у киши фалсафа бўйича ҳам бирор асар ёзганларида, эҳтимол биз ҳам тангликдан тезроқ чиқиб олармидик?»

Дўстимнинг бу гапи мени ўйлантириб қўйди. У фалсафадаги танглик ҳолатини тушунса ҳам, бу гапидан унинг тасаввурларида жиддий бир нуқсон борлиги билиниб турибди. Бу нуқсон шундан иборатки, бир томондан, И. Каримовнинг фалсафа бўйича махсус китоб, дарслик ёки қўлланма ёзмагани тўғри, чунки давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги муҳим ишлар, иқтисодиётни ривожлантириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, истиқлол ва демократияни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялаш сингари долзарб вазифалар бунга имкон бермайди. Ўтиш даври қийинчиликлари бўлмаганда, эҳтимол юртбошимиз фалсафа бўйича ҳам махсус асарлар ёзган бўларди. Лекин файласуф дўстимнинг мулоҳазаси ва тафаккуридаги жиддий нуқсон шундаки, Президент И. Каримов фалсафа бўйича махсус дарслик ёки қўлланма ёзмаган, аммо, айни пайтда, у кишининг фалсафий бўлмаган бирорта асари йўқ. Унинг барча асарларида, нутқ ва мақолаларида фалсафий умумлашмалар, фалсафий ёндошув ва таҳлиллар тўлиб ётибди. Гап — уларни кўра билишда. Назаримда, фалсафий тафаккур карахтлиги уларни кўриш ва ўрганишга ҳалақит беряпти. Мамлакатимиз тарихчилари, иқтисодчи-

лари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослари И. Каримовнинг асарларидаги қоидалар, хулосалар ва методологик кўрсатмаларга асосланиб ўз соҳаларини ривожлантира бошладилар. Улар Президент асарларида фаннинг ўзла-рига тегишли соҳалари бўйича кўтарилган масалаларга оид кўплаб мақолалар ёздилар, матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишлар қилмоқдалар. Методология масалалари билан бевосита шуғулланишлари лозим бўлган файласуфларимиз эса Президентимиз асарлари-да кўтарилган ва ҳал қилинган фалсафий муаммолар тўғрисида бирорта жиддийроқ асар ёзганларини бил-майман.

И. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатга, иқтисо-диётга, тарихга, ҳатто, қишлоқ хўжалиги ва саноатга, молия ёки суғурта тизими-га ва бошқа соҳаларга оид бирорта мақоласи йўқки, унда теран фалсафий мушо-ҳада ёки хулосалар бўлмасин. Булар фалсафий тафак-курнинг турли жабҳаларига оид мулоҳаза ва хулосалар-дир. Лекин ҳар қандай фанда бўлгани каби фалсафада ҳам шундай масала ва муаммолар борки, улар фаннинг негизини ташкил қилади. Ушбу мўъжаз рисолада И. Каримовнинг фалсафий тафаккур негизига оид фикр-ларини таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Турли фалсафий тизимлар ижтимоий тараққиёт асо-сида турли ҳодисалар ётади, деб тушунтирганлар. Шун-дай асосни Афлотун ижтимоий адолатда, Гегел мутлақ заковатда, Маркс иқтисодий омилда, Фрейд ҳаёт ин-стинктида, Штейнтал миллий руҳда, Монтеске эса жуғрофий муҳитда деб билган. Санаб ўтилган омиллар у ёки бу даражада ижтимоий тараққиётга ўз таъсирини ўтказди. Ҳамма гап — ўша даражани тўғри белгилашда. Номлари зикр этилган файласуфлар маълум бир омил-нинг ролини бошқаларга нисбатан чуқурроқ таҳлил қилганлар, лекин уларнинг камчилиги шу омил роли-ни мутлақлаштиришда эди.

Иккинчи камчилик шунда эдики, улар маълум омил-нинг ролини фақат умумлаштириб таҳлил қилган эди-лар. Холбуки, бир даврда ҳал қилувчи рол ўйнаган омил бошқа шароитда ижтимоий тараққиётга зиғирчалик ҳам таъсир қилмаслиги мумкин. Масалан, иқтисодий омил, Маркс фалсафий тизимида ижтимоий тараққиёт асоси, деб кўрсатилади. Бу тизимдаги ижтимоий борлиқ тушун-часи негизини ҳам иқтисодий омил ташкил қилади. Маркс ва унинг издошлари борлиқ ва онг муносабатини фалсафанинг бош масаласи мавқеи даражасига кўтарар

эканлар, уни борлиқ фойдасига ҳал қиладилар. Шу масалани ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилиш эса улар талқинида ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг мутаносиблиги тарзида қўйилади. Бу икки ҳодиса муносабатлари ҳам ижтимоий борлиқ фойдасига ҳал қилинади.

Маркс ва унинг издошлари талқинида борлиқ, шу жумладан, ижтимоий борлиқ онгни ва ижтимоий онгни белгилайди. Борлиқ онга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшаши мумкин. Бу «ҳақиқатлар» Маркс фалсафаси бўйича барча дарслик ва қўлланмаларга киритилган эди. Лекин ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгнинг муносабатларида улардан қайси бири бирламчи эканини аниқлашга уринишнинг бемаънилигини шундан ҳам билиш мумкинки, ижтимоий борлиқсиз ижтимоий онг бўлмаганидай, ижтимоий онгсиз ижтимоий борлиқ ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки, шу борлиқнинг ижтимоийлиги унинг таркибида зарурий тарзда онг внсери борлигини кўрсатиб турибди. Ижтимоий онгсиз ҳеч қачон ижтимоий борлиқ ҳам бўлмайди. Чунки ўша ижтимоий борлиқ ҳам ижтимоий онг тараққиётининг ҳам ҳосиласидир. Маркс ишлаб чиқарувчи кучларнинг таркибий қисми деб уқтирган ишлаб чиқариш қуролиларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ҳозирги даврдаги тараққиётини инсон онгсиз қандай тасаввур қилиш мумкин? Масалан, ҳозирги замонавий тракторни меҳнат қуроли сифатида олиб қарайдиган бўлсак, у табиат, борлиқ тараққиётининг маҳсулими ёки онг ва унинг шакли бўлган фан ривожини туфайли майдонга келдимиз? Бу саволга жавобни борлиқдан эмас, онг ривожидан излаш керак.

Маркс фалсафасида ижтимоий тараққиёт талқинига кенгроқ тўхтаганимиз сабаби жамиятимизда бу тизим стереотипларининг таъсири кучли эканидadir. Кўп файлласуфларимиз оғизда Маркс фалсафасидан юз ўтирган бўлсалар ҳам, амалда унинг таъсиридан қутила олмайп-тилар. Фалсафа бўйича талабалар орасида ўтказилаётган дарсларни кузатиш, эълон қилинаётган мақола ва рисоаларни таҳлил этиш шунини кўрсатмоқдаки, файлласуф профессор-ўқитувчиларимиз ва умуман олимларимиз икки-уч ўринда Маркс, Энгелс ва Ленин фикрлари тўғрисида юзаки танқидий мулоҳазалар билдирмоқдалар. Лекин ўтилаётган дарснинг ёки ёзилган мақола ва рисоаланинг давомида баён этилган фикрларни таҳлил қилсангиз, улар марксизм доирасидан четга чиқолмаётганликлари маълум бўлади. Бошида Маркс ундоқ

хато қилган, Энгелс бундоқ хато қилган, деб хитоб қилиняпти-да, кетидан ўшаларнинг фикрлари, энди бу фикрлар муаллифи ким экани айтилмасдан тўғри фикр сифатида тақдим этиляпти. Ачинарлиси шундаки, тавсифланган бир ёқдан кулгили, иккинчи ёқдан хавотирли ва хунук ҳол фақат академик нашрларда эмас, талабалар ва ўқувчилар учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида ҳам кузатиламоқда.

Ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафа бўйича қўлланма ва дарсликларнинг аҳволини назарда тутиб, Президент И. Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоб берар экан, шундай дейди: «...бугун ўрта ва олий ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган гоаявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда.» (И. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // «Фидокор» газетаси. 2000 йил 8 июль).

Диалектик ва тарихий материализмда онг ва тафаккурга иккинчи даражали нарсалар деб қаралган, шунга монанд равишда уларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ҳам пасайтириб кўрсатилган. Бу тизим таълимотига кўра ижтимоий тараққиётни ижтимоий борлиқ, қолаверса, синфий кураш ҳал қилади. Ижтимоий борлиқ онгнинг фаоллик даражасини чегаралаб турса, синфий кураш жамиятни бир-бирига душман бўлган гуруҳларга бўлиб ташлаган, 30-, 40-йиллардаги қатагонлар мана шу таълимотнинг мевалари эди.

Президент асарларида ижтимоий борлиқ иқтисодиёт ва маънавият ўртасидаги муносабат жуда содда ва лўнда қилиб тушунтирилади. «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, — деган эди И. Каримов ўзининг 1994 йил 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида, — маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир». Мана шу қисқа, образли ва чиройли қиёсда И. Каримов Маркс ва унинг издошлари томонидан йўл қўйилган жиддий фалсафий хатога барҳам берди. Маркс ва марксчилар ижтимоий борлиқнинг бирламчилигини таъкидлабгина қолмай, унинг ижтимоий онг ва, умуман, маънавий ҳодисалардан мустақил мавжудлигини фалсафий байроқ қилиб олган бўлсалар ҳам И. Каримов иқтисо-

диётни танага ва маънавиятни жонга ўхшатади. Ижтимоий борлиқ марксчилар таъкидлаганларидай ижтимоий онг ва маънавиятдан мустақил тарзда мавжуд бўла олмайди. Ижтимоий онг, яъни маънавиятсиз ижтимоий борлиқ ўлик танадир. Яъни у — тирик эмас, демак, у — йўқ. И. Каримов нутқидан келтирилган шу қисқа иқтибос улкан методологик аҳамиятга эга. Шунинг учун ижтимоий ҳаётдаги кўп нарсаларни изоҳлашда бу кўрсатмага кўп марта мурожаат қиламиз.

Президент ўзининг 1993 йил 2 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида, жумладан, шундай деган эди: «Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўсишларимизнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилади.» (4, 13). Бу парчадаги алоҳида эътиборга молик нарса шундаки, иқтисодий тараққиётнинг асоси, пойдевори Маркс айтганидай, ишлаб чиқариш қуролларининг ривожланиши, ижтимоий базисдан эмас, ёки Кейнс айтганидай, ҳуқуқий соҳадаги мурувватлардан эмас, балки халқимизнинг маънавий қадриятларида экани кўрсатилмоқда. Бу жуда ўзига хос, оригинал ва теран ҳулоса бўлиб, унга фақатгина И. Каримов томонидан яратилган янги ижтимоий фалсафий тизим доирасида эришиш мумкин бўлди.

И. Каримовнинг асарларида, Маркс ва Ленин таълимотларига қарши ўлароқ, жамият тараққиётини синфий кураш эмас, ижтимоий бирлик, жонсиз, бепарқ борлиқ эмас, нурли, теран маънавият белгилаб бериши баён қилинади. Жамиятни синфларга, гуруҳларга бўлиб эмас, бирлаштириб зафарларга олиб бориш мумкинлиги И. Каримовнинг 90-йилларнинг бошларидаёқ ёзган мақолалари, нутқларида баён қилинган эди. Масалан: И. Каримов ўзининг 1993 йилда босилиб чиққан «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида шундай ёзган эди: «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.» Шу асарда жамиятни ривожлантириш тўртта асосий негизга асосланиши баён қилинади. «Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустақамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— ватанпарварлик» (1, 76).

Ўзбекистоннинг янгилашиш ва ривожланишини белгилаб берадиган бу тўрт омилнинг барчаси ҳам маънавият билан бевосита боғлиқдир.

И. Каримов томонидан маънавият жамиятни ривожлантирувчи кучли омил эканининг асослаб берилиши Шарқдаги фалсафий аъёналарни жодий ривожлантириш натижасидир. Ўз вақтида Жалолиддин Румий хаёл тўғрисида шундай ёзган эди:

Аслида йўқдек бу жон ичра хаёл
Бошқарар лек бу жаҳонни безавол.

Ҳақиқатан ҳам, хаёл йўқ нарсадек туюлса-да, инсонлар фаолиятини ва умуман, жамиятни бошқаришда муҳим рол ўйнайди. И. Каримов асарларида жамиятни ривожлантиришда мавҳум хаёлнинг эмас, сермазмун маънавиятнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Зеро, маънавият таркиби хаёлни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу ҳақдаги батафсил фикрлар кейинроқ баён қилинади.

Президентнинг кейинги асарлари, нутқ ва мақоаларида бу гоё янада ривожлантирилди ва мукаммал концепция даражасига кўтарилди. И. Каримов асарлари учун хос бўлган яна бир муҳим жиҳат шундаки, уларда маънавиятни ривожлантириш бўйича режалар тузиш, одамларнинг олдига вазифалар қўйиш, концепция яратиш билан чекланмай, бу мураккаб ҳодисанинг жамият ҳаётидаги ўрнини унинг ўзи тадқиқ қилади. Бу билан ҳам чекланмай, И. Каримов «Президент фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилдир», — деб ҳисоблайди. (Қаранг: И. Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. 26-бет)

Жамият тараққиётини синфий кураш орқали изоҳлаш, аслида, қадимги Рим ҳукмдорларининг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилининг фалсафадаги ифодаси эди. Марксистлар жамият ўз тараққиётида юқорига кўтарилиб борган сари синфий кураш кучайиб боради, деб тушунтирар эдилар. Улар таъбирича, капитализм даврида синфий кураш энг юқори чўққига кўтарилади. Бунинг натижасида социалистик инқилоб амалга ошиб социалистик жамият қурилади. Социалистик тузум эса, уларнинг даъвосича ижтимоий тараққиёт учун чексиз имкониятлар очиб беради. Ижтимоий амалиёт бу таълимот мутлақо нотўғри эканини, ҳаёт эса марксистлар «чириб бораётган капиализм», деб атаган жамият «яшнаёт-

ган» социализмдан анча бақувват ва ҳаётбахш эканини кўрсатди. Буни фақатгина собиқ Совет Иттифоқининг иқтисодий кўрсаткичларини ривожланган капиталистик мамлакатлар билан солиштириб кўриб эмас, тарих тақозоси билан икки тизимга ва икки тузумга ажраган мамлакатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Совет Иттифоқи дунёда энг катта экин майдонига эга бўлган давлат эди. Бу мамлакатда экинзорларга ишлов бериш учун дунёда энг кўп трактор ва энг кўп минерал ўғитлар жамланган эди. Лекин, шунга қарамай, Совет Иттифоқи ўз аҳолисини боқа олмас эди. 60-йиллардан бошлаб у ҳар йили миллионлаб тонна ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини АҚШ, Канада сингари «чириб бораётган» мамлакатлардан сотиб олишга мажбур эди. Мана сизга марксизм осмонга кўтариб мақтаган социалистик тузумнинг афзаллиги!

Тарих тақозоси билан Германия, Корея сингари мамлакатлар иккига бўлиниб қолган эди. Германия социалистик йўлдан борган ГДР ва «капиталистик чириш» йўлидан борган ГФРга ажралиб қолди. Улар 40 йилдан ортиқроқ вақт давомида бир-биридан мутлақо ажралиб ривожландилар.

80-йиллар охирида шу нарса маълум бўлдики, бу икки мустақил давлатнинг тараққиёт даражаси бир-биридан 40 йилча фарқ қиларди. Бу фарқ «ижтимоий тараққиётга улкан имкониятлар очадиган социализм» фойдасига эмас эди. Бу икки давлат яна бир давлатга бирлашгандан кейин ҳам ГФРлик немислар ГДРлик қариндошларини ўз тараққиёт даражаларига етказиш учун чакана меҳнат ва маблағ сарф қилишмади.

Корея ҳам тақдир тақозоси билан иккига: Шимолий ва Жанубий Кореяга ажралиб қолди. Шимолдагилар Ким Ир Сен бошчилигида социализм қуришни бошладилар. Улар ҳозир ҳам шу йўлда ҳаракатни давом эттирмоқдалар. Лекин шимолликлар социализмни тезроқ қуриш учун қанча кўп ҳаракат қилсалар, социализм улардан шунчалик узоқлашмоқда. Жанубий Кореяликлар эса ҳеч қандай — изм қуришга ҳаракат қилмадилар. Улар инсонлардай яшаш учун астойдил меҳнат қилдилар. Бу мисол ҳам социализм сари интилиш олдинга эмас, орқага юриш эканини кўрсатди. Шимолий ва Жанубий Кореянинг иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут ер билан осмонча. Социализм қураётган корейлар оч-наҳор ўтиришган бўлса, жанубдагилар четга фақат озиқ-овқат маҳсулотларини эмас, жуда кўп

миқдорда замонавий асбоб-ускуналар, саноат маҳсулотлари сотмоқдалар. Шу мисоллар ҳам синфий кураш тўғрисидаги таълимот назарий жиҳатдан нотўғри эканидан ташқари, амалда қанчалик йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

И. Каримов асарларида жамиятда мавжуд гуруҳлар ўртасидаги тафовутларни бўрттиришга эмас, улар ўртасидаги умумийлик, бирликка урғу берилади, шу хусусиятларни, бирликни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи жиҳатларни очиш ва қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жамиятдаги гуруҳ ва қатламларни бирлаштирувчи куч маънавият экани И. Каримов фалсафасида алоҳида ўрин эгаллайди. Маънавият тўғрисида бунгача ҳам турли қарашлар мавжуд эди. Лекин ҳеч қайси бир фалсафий тизимда бу масалага И. Каримов асарларидагидек эътибор қаратилмаган. Президентимиз асарларида, айтиш мумкинки, маънавият ижтимоий тараққиётни белгиловчи энг муҳим омиллардан бири экани қашф қилинди. Унинг қатор нутқ ва мақолалари, рисоаларида ана шу янги фалсафий назария кенг ва атрофлича баён қилиб берилган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, И. Каримов асарларидаги фалсафий фикр ва мушоҳадалар турли масала, мавзу, муаммолар муносабати билан айтилган алоҳида-алоҳида фикрлар, мустақил хулосалар бўлиши билан бирга улар ягона тизимнинг бўлаклари, қисмлари ҳамдир. И. Каримовнинг фалсафий фикрлари таҳлил қилинганда масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратиш муҳимдир. Бу фикр ва мулоҳазаларни ягона фалсафий тизим сифатида бирлаштириб турган нарса маънавият масаласидир. Президент асарларида маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий тараққиётнинг турли жабҳаларида ўйнаган ролининг чуқур талқин қилиниши янги фалсафий тизим шаклланишини таъминлади.

И. Каримов асарларидаги фалсафий фикр ва мушоҳадаларни янги мукамал фалсафий тизим сифатида баҳолаш учун қуйидагилар асос бўлади.

1. Ҳозиргача маълум бўлган фалсафий тизимларнинг бирортасида маънавият масаласи И. Каримов асарларидагидай атрофлича ва чуқур таҳлил қилинмаган.

2. На ўтмишдаги, на ҳозирги фалсафий тизимларнинг бирортасида маънавият И. Каримов асарларидагидай ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида олиб қаралган. И. Каримов маънавиятни ижтимоий тараққиёт пойдевори, деб аташ билан чекланмасдан,

бу улкан яратувчи кучнинг турли ижтимоий ҳодисалар шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги ролини мукамал таҳлил қилган.

3. И. Каримов асарларида маънавиятнинг ижтимоий жараёнлардаги ўрни ва роли очиб берилишидан ташқари, унинг вужудга келиши ва ривожланишидаги ўзига хослик ва қонуниятлар ҳам фалсафий-мантиқий таҳлил қилиб берилган.

Маънавиятнинг ижтимоий ҳаётда тутган муҳим ўрни унинг ижтимоий адолат, демократия, манфаатлар, иқтисод, ижтимоий тараққиёт, маросимлар, ижтимоий мувозанат, миллий гоё ва миллий мафкура сингари жамият арконлари шаклланишида, ривожланишида тутган ўрни билан изоҳланади. Ушбу рисолада И. Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақолаларида маънавиятнинг шу ва бошқа ижтимоий ҳодисалар пайдо бўлиши ва ривожланишига ўрнининг фалсафий асосланишини таҳлил қилишга уриниб кўрилган. Бу мўъжаз рисола И. Каримов асарларида кўтарилган ва асосланган фалсафий масалаларни ёритиш йўлидаги дастлабки қадамлардан биридир.

МАЪНАВИЯТ: МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Маънавият ўзбек тили ва бошқа тилларда кўп ишлатиладиган, шу билан бирга, энг кам ўрганилган тушунчалардан биридир. Кузатишларимиз кўрсатишича, ўзбек тилидаги «маънавият» сўзи ва унинг қатор тиллардаги муқобиллари мазмун доираси ва моҳияти деярли ўрганилмаган. Худди шундай фикрни бошқа олимлар ҳам баён қилади: «Маънавият» атамаси расмий ҳужжатларда, илмий адабиётларда, матбуотда кўп қўлланилишига қарамасдан, илмий тушунча сифатида алоҳида таҳлил этилмаган ва таърифланмаган» (12, 12). Кундалик турмушда кўп қўлланиладиган бу тушунчанинг илмий жиҳатдан, деярли, ўрганилмагани жумбоқдай туюлади. Лекин бундай ҳолатнинг илдизлари турли фалсафий тизимларда бу тушунчага бўлган муносабатда ётади. Бу муносабат эса, асосан, айтиш мумкинки, уни инкор қилиш ва унга учинчи, тўртинчи, ўнинчи даражали ҳодиса деб қарашда эди.

Фанда, хусусан, фалсафада бу тушунчанинг кам ўрганилгани, аввало, шунда намоён бўладики, жуда кўп фалсафий тизимларда унга мутлақо эътибор берилма-

ган, уларнинг асосий тушунчалари — категориялар сил-силасида унга ўрин ажратилмаган. Бундай ҳолнинг сабаби эса ижтимоий тараққиётда маънавиятнинг ўрнини илғай билмаслик ёки уни инкор қилишда эди. Марксизм фалсафаси бу тушунчани мутлақо менсимас ва ижтимоий тараққиётдаги унинг ўрнига эътибор бермас эди. Шунинг учун Маркс фалсафасидаги категориялар тизимида унга ўрин ажратилмаган эди. Шу сабабли Шўролар даврида фалсафа бўйича босилиб чиққан рисола ва мақолаларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида, ҳаттоки, фалсафий атамалар луғатларида ҳам бу тушунча ёритилиш у ёқда турсин, у, ҳатто, тилга ҳам олинмаганди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач мамлакатнинг тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат иқтисодий жиҳатларига эмас, маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу эътибор фақат назария соҳасида эмас, амалиётда ҳам намоён бўлди. «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, — деб ёзади Президент И. Каримов, — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир» (1, 80). Маънавият масалалари бўйича ўқув режалари ва дастурлар тузилди, ўрта ва олий ўқув юрталарида маънавият фани киритилди. Тошкентда маънавият ва маърифат маркази тузилиб барча вилоят, шаҳар ва туманларда унинг бўлимлари очилди. 1999 йилда маънавият ва маърифат маркази маънавият ва маърифат кенгашига айлантирилди. Гап бу ерда фақат ташкилот номини ўзгартиришда эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони чиқарилиб, унда маънавият ва маърифат кенгашининг фаолият йўналишлари кўрсатилиши билан бирга, унинг ваколатлари ҳам кенгайтирилди.

Маънавиятни ривожлантириш бўйича мамлакатда қатор тadbирлар амалга оширилгани ва оширилаётганини қайд этиш билан бирга, бу тушунчани фалсафий-мантиқий таҳлил этиш бўйича ҳаракатлар жуда секинлик билан бораётганини таъкидлаш жоиз. Бу мавзу бўйича эълон қилинган бир неча мақола, брошюра ва уч-тўртта китобчалар ҳисобга олинмаса, тadқиқотлар, деярли, олиб борилмаяпти. Бир сўз билан айтганда, Президент бошлаган, тамал тошини қўйиб, муҳим жиҳатларини асослаб берган фалсафий тизимни лоақал илмий ўрганишга файласуфлар ва умуман, жамиятшунос олимлар ҳали-ҳозир астойдил киришганларича йўқ. Бундай вазиятнинг сабабларини эса, бизнинг назари-

мизда, тоталитар тузум ва тоталитар фалсафа қолипларидан, асоратларидан ҳанузгача халос бўла олмаётганимиздан излаш керак. Шўролар давлати ва марксистик фалсафа маънавиятга менсимай қарар эди. Биз ҳам ўзимизда шаклланиб қолган ўша муносабатни кескин ўзгартира олмаепмиз. Маркс фалсафасида «маънавият» деган категория умуман йўқ эди. Президент И. Каримов маънавият қудратли куч экани, жамиятни нури келажакка усиз етаклаб бўлмаслигини атрофлича асослаб беришдан ташқари, амалиёт соҳасида маънавият бўйича улкан ишларни бошлаб юборганига қарамасдан, фалсафа фанимизда уни илмий-мантиқий таҳлил этиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилганича йўқ.

Бошқа фанларда бўлгани каби, фалсафада ҳам ҳодисаларни ўрганиш, кўпинча, уларни ифодалайдиган сўзларнинг келиб чиқишини аниқлашдан бошланади. «Маънавият» сўзининг негизида арабча «маъни» сўзи ётади. «Маънавий» сўзи маънига алоқадорликни билдирса, «маънавият» — «маънавий» сўзининг кўпликдаги шаклидир.

«Маънавият» атамасининг негизиде маъно сўзи ётар экан, унинг мазмуни, кўлами, таркибини аниқлаб олиш маънавият атамасини тўлароқ англашга ёрдам беради. Маъно моҳиятнинг ифодаланиш шаклидир. Шу билан бирга, маънонинг ҳам ўз ифодаланиш шакли бор. Бу шакл сўз ва ибора, тилдир. Маъно, бир томондан, моҳиятнинг шакли бўлса, иккинчи томондан, унинг ўзи сўз ва жумла учун мазмундир.

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,

деб ёзганда А. Навоий худди шуни назарда тутган эди. Маънонинг моҳият учун шакл эканини шундан ҳам билса бўладики, айти бир моҳиятга турли кишилар томонидан турлича маъно берилиши мумкин. Бунга табиат ва жамиятдаги у ёки бу ҳодисанинг турли олимлар ва файласуфлар томонидан турлича изоҳланишини мисол қилиб олиш мумкин. Фаннинг турли соҳаларида юз бераётган мунозаралар, тортишувлар, айти бир нарса ни турлича изоҳлаш ва талқин қилишлар ҳам худди ўша моҳиятга турлича маъно бериш натижасидир. Масалан, тиббиётда муайян касалликнинг келиб чиқиши тўғрисида турлича назариялар мавжуд. Бу назарияларда бир нарса турлича тушунтирилади, яъни бир моҳиятнинг ўзига турлича маъно берилади. Бундай мисолларни бошқа

табий ва ижтимоий фанлардан кўплаб келтириш мумкин. Мана шундай ҳолат фан ривожланиши учун табиий ҳолдир. Агар мунозара ва тортишувлар бўлмаса фан ривожланишдан тўхтаб қолган бўларди. Моҳиятни турли талқин қилиш, унга турлича маъно бериш орқали фан моҳиятга яқинлашиб боради.

Айни бир моҳиятга турлича маъно берилиши фақат фан эмас, адабиёт ва санъат учун ҳам хосдир. Кўпгина адабиёт ва санъат асарлари китобхонлар, танқидчилар, мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, Шекспирнинг машҳур «Қийиқ қизнинг қуйилиши» драмасининг финал қисмида бош қаҳрамоннинг аёлларга мурожаат қилиб эркакларга қулоқ тутиш ҳақида қилган хитоби баъзи режиссёр ва актёрлар томонидан киноя сифатида талқин қилинса, бошқалар уни жиддий оҳангда ижро этадилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин бу мутаносибликнинг адабиёт ва санъатда фандан фарқланувчи жиҳатлари ҳам бор. Агар фанда мутахассислар моҳиятнинг кўп маънолилигидан бир маъноликка қараб ҳаракат қилсалар, санъатда бир шакл ёрдамида кўпгина маъноларни бериш санъаткорнинг маҳоратидан далолат беради.

Моҳият, маъно ва шакл мутаносиблигини Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий»сидан келтирилган бир ривоят мисолида кўриш мумкин. Унда айтилишича, Мусо пайгамбар яйловда бир чўпонни учратади. Чўпон худога нола қилар эди: «Эй худо! Сен қаердасан, кел, сочларингни тарайин, чорингни тикайин, неки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандларим ҳам сенга фидо бўлсин, қаердасан, бориб дастёринг бўлсам, сутқаймоғим билан қорингни тўйдирайин, бошинг оғри-са, бошингни силайин, юз-қўлингдан ўпайин, оёқларингни уқалайин...»

Буни эшитган Мусо чўпонни қойийди: «Эй аҳмоқ, кофир бўлдинг, Худонинг чориги ҳам, тўни ҳам йўқ, у емайди, ичмайди. Уни ўзинга ўхшатма. У гўё бир қуёш, сен бир чивин...» Шунда Парвардигори оламдан Мусога ваҳий келади: «Эй Мусо, нима қилдинг, бандамизни биздан айирдинг, қўй, айтсин, сен бандаларнинг дилини Парвардигорга улаш учун юборилгансан, ажратиб ташлаш учун эмас». Асқар Маҳкам таржимасида келтирилган бу ривоятдан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан бири шуки, моҳият, маъно ва шакл мутаносиблигини аниқлашда, уларни бир-биридан фарқлашда, оддий инсонлар у ёқда турсин, пайгамбарлар ҳам ада-

шиши мумкин. Ислом ақоидларига кўра Худо бир шаклга, суратга қирмайди. У бирор алоҳида маконда ҳам турмайди. У умуман, тамадди қилмайди, унинг боши ҳам оғримайди. Чўпоннинг сўзларини Мусо пайғамбар куфрга йўяди. Холбуки, шаклан ва маънан чўпон Парвардигорга сут-қаймоқ бериб қорнини тўйдирмоқчи, боши оғриси силаб кўймоқчи бўлиб шаккоклик қилган бўлса ҳам, моҳиятан у Парвардигорга ўзининг чексиз муҳаббатини изҳор қилган эди. Чўпоннинг сўзлари шакл бўлса, уларнинг дастлабки маъноси — яратганинг хизматини бажариш. Сут-қаймоқ беришга, чоригини ямашга тайёрликни ифодалаш эса чўпон ҳис-туйғулари, Парвардигорга муҳаббатининг шакли эди. Буни тўла англаб етмаган Мусо пайғамбар эса чўпонни куфрдан айблайтиди. Пайғамбарнинг бу хатоси Парвардигордан келган ваҳий орқали тузатилади.

«Маънавият» атамасининг келиб чиқишига, унинг моҳияти тушунчаси билан муносабатларига биров аниқлик киритиб олдик, деб ҳисобласак, навбатдаги вазифа унга яқин бўлган яна бир қатор тушунча ва ҳодисалар билан умумий хусусиятлари ва тафовутларини аниқлашдир.

«Маънавият» сўзи қанчалик пурмаъно экани, унинг кўп қирралилиги тўғрисида И. Каримов шундай ёзади: «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, халқ, виждон, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик — маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг» (1, 72).

Фалсафий тизимлар ва адабиётларда кенг қўлланиладиган тушунчалар ичида «маънавият»га энг яқин турадиган «онг» тушунчасидир. Улар ўртасидаги муносабатлар шундай яқинки, маънавиятсиз онг ёки онгсиз маънавият бўлиши тўғрисида гап ҳам юритиб бўлмайди. Лекин, бундан «маънавият» ва «онг» айнан бир тушунча, деган хулоса чиқмайди.

Маънавият ва онг ўртасидаги муносабатларни ўрганиш онг таркибига кирувчи бир қатор ҳодисалар билан маънавият муносабатини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга зарурат қолдирмайди. Шунинг учун онг тушунчасининг кўламини ва мазмунини аниқлаб олиш зарур.

Маркс фалсафасида онг деб, биринчи навбатда, модданинг зидди тушунилан эди. Бу талқинда барча рухий ҳодисалар, интеллектуал, ахлоқий, диний, ҳуқуқий, фалсафий ҳодисаларнинг барчаси онг тарки-

бига киритилган. Онгнинг муқобили бўлган онгсизлик (рус тилида — бессознательное) ҳам онг таркибига киритилган. Бу ўринда биз онг масаласига марксистик ёндошувни батафсил таҳлил қилиб ўтириш зарурати йўқ, деб ҳисоблаймиз. Фақатгина марксизм онг билан модда ўртасидаги зиддиятни мутлақлаштиргани, бундай мутлақлаштириш эса онг ва модда муносабатини фалсафанинг бош масаласи деб эълон қилиш учун зарур бўлганини айтиб ўтмоқчимиз.

Иккинчидан, Маркс фалсафасида тараққиёт, ривожланиш тўғрисида гап кетганда, аввало ва асосан, моддий дунё назарда тутиларди. Онгнинг ривожланиши тўғрисида гапирилганда эса, фақат алоҳида шахс, индивид онги назарда тутиларди. Ижтимоий онг дейилганда эса ундаги турли қарашлар, оқимлар, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап борар, лекин ривожланиши тўғрисида, деярли, ҳеч нарса дейилмасди. Бунинг боиси эса марксизмнинг ашаддий моддиончилиги ва руҳий ҳодисаларни менсимаслигида эди. Бундан ташқари, марксистлар онг тўғрисида фикр юритганда уни шакл сифатида олиб қарар, шакл ичидаги мазмун эса эътибордан четда қоларди. Бу ҳол, айниқса, ижтимоий онг таҳлил қилинганда кўзга яққол ташланарди. Биз бу билан марксистлар ижтимоий онг мазмунини мутлақо ўрганмаган, демоқчи эмасмиз. Фақатгина бу нарса уларнинг диққат марказида бўлмаганини таъкидламоқчимиз.

Ижтимоий онгнинг турли шакллари, номидан ҳам кўриниб турганидек, шакл вазифасини бажарса, уларнинг мазмуни маънавиятни ташкил қилади. Бизнингча, баъзи изоҳлар билан, онгни шакл ва маънавиятни унинг мазмуни, деб қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга, маънавият ҳам ўз таркибидаги ҳодисаларга нисбатан шакл вазифасини бажариши мумкин.

Онг билан маънавият ўртасидаги муносабатларни шакл ва мазмунга қиёсан аниқлаш маънавият моҳиятини ўрганишдаги дастлабки қадам холос. Навбатдаги вазифа эса мазмунга қиёсланаётган маънавиятнинг таркибини аниқлашдир. Бу масаланинг муҳимлиги шундаки, маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли кўп жиҳатдан унинг таркибига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, маънавият таркиби, шу таркибдаги ҳодисалар салмоғи турли халқлар, турли миллатлар маънавиятида турлича бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам турли

миллий маънавиятига эга экани айтилади. Миллий хусусиятларни ўрганишни миллий маънавиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан бошлашнинг сабаблари ҳам, бизнингча, худди шундадир.

«Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» деб номланган, Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузасида И. Каримов маънавият тўғрисида шундай деган эди: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан» (11, 381). Келтирилган жумлада маънавиятнинг функцияларидан ташқари таркибига кирувчи унсурларнинг асосийлари ҳам санаб ўтилган. Улар иймон-ирода ва виждон кабилардир. Иймон тўғрисида шунини айтиш лозимки, у мусулмон шарқи фалсафасига хос тушунишга бўлиб, унинг бошқа тиллардаги муқобиллини топиш анча мушкул. Бу сўз кенг маъноли бўлиб, ўз ичига эътиқод, ишонч, поклик сингари ахлоқий жиҳатлардан ташқари, ирода ва садоқат сингари руҳий сифатларни ҳам қамраб олади.

Маънавият таркибидаги муҳим бир қатлам билимлардир. Маънавият билимлар негизида шаклланади. Маъно сўзнинг мағзи бўлгани каби илмнинг мағзи билимдир. Инсонда ёки жамиятда билим қанча кўп бўлса, маънавий юксалиш учун шунчалик мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади. Аммо пойдевор ўрнатиш уйнинг битганини билдирмагандай, билимлар миқдори ҳам ўз-ўзидан юксак маънавиятни билдирмайди. Билим — маънавиятнинг асоси холос. Бу асосда маънавият иморатини битказиш учун яна қадрият, ахлоқ, дунёқараш, иймон, виждон сингари устунлар ва тўсинлар, бошқа ашёлар керак. Ўрнатилган пойдевор гўзал ва ҳашаматли бино қуриш учун асос бўлиши мумкин. Уша пойдевор устига келишмаган, бесўнақай хунук бино ўрнатиш ҳам мумкин.

Билимларнинг маънавиятга таъсири шундаки, улар маънавиятни юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, маънавиятга қарши қаратилиши, маънавиятга путур етказиши ҳам мумкин. Масалан, инсониятга жуда катта офат келтирган фашистлар орасида ҳам жуда билимли, фанларни яхши эгаллаганлари талайгина эди. Лекин улар ўз билимларидан инсонлар ва уларнинг маънавиятини, ҳаётини юксакликка кўтариш учун эмас, уларни

ерга уриб чилпарчин қилиш йўлида фойдаландилар. Уларни билимдон одам, дейиш мумкин, лекин маънавиятли инсонлар дейиш мумкин эмас. Айтиш мумкинки, илм ва билим инсоний қадриятлар ва инсоний ахлоқ билан уйғунлашгандагина юксак маънавиятга асос бўлади. Шунинг учун айтиш мумкинки,

Ақл билан тафаккур
Учқур, асов отлардир.
Ахлоқ билан тахайюл —
Унга қўш қанотлардир.

Асов отлар осмонга
Учишга талпинишар.
Гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга
Тиним билмай чопишар.

Тиним билмай чопса ҳам
Қай манзилга боришар.
Ахлоқ юган бўлмаса
Тезда ҳолдан тойишар.

Ёшларга билим берганда таълим жараёнини тарбия билан уйғун олиб бориш юксак маънавиятни шакллантиришдаги бош йўналишдир. Шунинг учун ҳам И. Каримов ёшларга билим бериш тўғрисида қаерда гапирмасин ёки ёзмасин, албатта, уларни тарбиялаш тўғрисида ҳам гапиради ҳаттоки, ёшларнинг диний билим олишлари ҳам маънавий қадриятлар ва дунёвий билимлар билан уйғунлаштирилиши лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган биринчи сессиясида диний уламоларга мурожаат қилиб шундай деган эди: «Муҳтарам уламоларимиз, айниқса, ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизимизни илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим» (8, 41).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси очилиши маросимида сўзлаган нутқида билим ва маънавий бойликнинг бақамти юриши ҳақида гапириб шундай деган эди. «Бизнинг ўрнимизни босадиган янги авлод етишиб чиқмоқда. Масаланинг моҳияти улар ҳаётга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир» (9, 51).

Маънавият таркибидаги муҳим таркибий қисмлардан бири ахлоқдир. У том маънода инсон билимларини, ақл-заковатини, куч-қувватини, бутун фаолиятини йўналтирувчи кучдир. Шунинг учун ҳам уни юқоридаги шеърда юганга қиёс қилинди.

Маркс фалсафасида ахлоқ инсон хулқини тартибга солувчи ижтимоий онг шакли сифатида талқин этиларди. Бу таърифда ахлоқ бажарадиган вазифанинг фақат бир қисми, яъни унинг хулқни тартибга солиши баён қилинган. Аслида эса, ахлоқ фақат хулқни эмас, тафаккурни, ақлни ва фаолиятни тартибга солибгина қолмай, муайян томонга, мақсадга йўналтириб ҳам туради. Кишининг хулқи, фаолияти маълум ахлоқий меъёрлардан четга чиқса ёки улардан қуйроқ бўлса, бундай шахс маънавиятсиз шахс ҳисобланади.

Ахлоқни инсон хулқини тартибга солувчи ижтимоий онг шакли, деб марксистик таърифлашнинг яна бир камчилиги шуки, киши хулқининг фақат ахлоқ эмас, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар каби ҳодисалар ҳам бошқаради. Улар эса ахлоқ таркибига кирмайдилар ёки фақат қисман кирадилар. Бу ҳодисалар ахлоқ таркибига кирмаса ҳам, маънавият таркибида сезиларли ўрин тутади. Урф-одат, расм-русум, анъана ва маросимларнинг маънавият билан ўзаро таъсироти шундаки, оқилона, жамиятнинг тараққиёт даражасига мос келадиган анъана ва маросимлар маънавиятнинг бойитишга, ривожлантиришга кўмаклашади. Масалан, илм-фанга, ҳунар ўрганишга интилиш, катталарга ҳурмат сингари кўплаб анъаналар маънавият ривожига хизмат қилади. Айни пайтда, ортиқча иерофгарчиликлар, асъаса ва дабдаба билан ўтказиладиган маросимлар миллат маънавиятига путур етказиш билан бирга иқтисодга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бир пайтлар халқнинг иқтисодий ва маънавий даражасига мос бўлган маросимларнинг баъзилари вақт ўтиши, иқтисодий ва маънавий тараққиёт туфайли шу халқ ривожига тўсиқ бўлиб қолиши мумкин.

Маънавият таркибидаги муҳим ҳодисалардан яна бири эътиқоддир. Эътиқод муайян гоёга, таълимотга бўлган қатъий ишончни англатади. Демак, эътиқод бўлиши учун аввало ўша гоё, таълимотнинг ўзи бўлиши лозим. Гоё ва таълимотларда одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари акс этади. Лекин гоё ва таълимотларнинг вужудга келиши учун манфаатларнинг мавжудлиги кифоя эмас. Миллий ёки ижтимоий гоё

вужудга келиши учун одамлар ўша мавжуд манфаатларни англашлари ҳам керак. Манфаатларни англаш даражаси эса турлича бўлиши мумкин. Одамлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини чуқур англаб етгач, бу манфаатларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида ҳам пухта тасаввур ҳосил қилганларидан кейингина миллий ёки ижтимоий гоёни яратиш имкони туғилади. Ижтимоий гуруҳлар мавжуд манфаатларни тўла англамаганлари ва уларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида етарли билимга эга бўлмаганлари тақдирда ижтимоий гоё яратилса, у кўпчилик онгига чуқур кириб бормайди. Манфаатларни англаш, уларни рўёбга чиқариш йўллари ва усуллари ҳақида етарли билимлар асосида вужудга келган ижтимоий гоё шу ижтимоий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси онгига қанчалик чуқур сингиб борса, шунчалик мустаҳкам эътиқод пайдо бўлади. Эътиқодга таянмаган ва эътиқодга айланмаган гоё қуруқ сафсата бўлиб қолади.

Эътиқодга айланмаган гоёни гоё, миллий мафкура ни эса мафкура деб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам миллий мафкуранинг муҳим жиҳатлари тўғрисида гапирар экан, И. Каримов «...миллий мафкура — бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир», деган эди (И. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь).

Эътиқод алоҳида бир фикр ёки хулосага эмас, одатда, фикрлар ва хулосалар тизими негизида пайдо бўлган гоё ёки таълимотга нисбатан шаклланади. Сиёсий, диний, ахлоқий эътиқодлар худди шу йўсинда майдонга келади. Эътиқод маънавият устунларидан биридир. Эътиқодсиз маънавият юксакликка кўтарила олмайди. Уни юксакликка қатъий ишонч, мустаҳкам эътиқодгина элтиши мумкин.

Ишонч ва эътиқоднинг узвийлиги, уларнинг халқ ҳаётидаги ўрни тўғрисида И. Каримов шундай ёзади: «Халқнинг шуурида ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам буюк орзулар, эзгу ниятлар келажакка, ёруғ кунларга ишонч яшаб келади. Ана шу ишонч бўлмаса, мазлум халқларнинг озодлик ва мустақиллик сари интилиши ва охир-оқибатда юксак тараққиётга эришиши мутлақо имконсиз бўларди.

Бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам ана шундай буюк ишонч бор. Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган,

қўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган бугунги кунда халқимиз, миллатимиз қалбидаги ана шу ишонч ва эътиқод янада мустақкамланмоқда» (Ўша жойда).

Маънавият таркиби ранг-баранг ва жуда бой. Бу таркибий қисмларнинг барчасини таҳлил қилиш учун жуда кўп вақт куч талаб этилади. Бундан ташқари, маънавият таркибига кирувчи онг, тафаккур, санъат, ахлоқ, адабиёт, дин, эътиқод каби кўплаб тушунчалар фалсафа, руҳшунослик, этика, санъатшунослик, эстетика, адабиётшунослик каби фанларда таҳлил қилинган. Шу билан бирга маънавиятнинг таркибий қисмларини алоҳида-алоҳида таҳлил этиш бу мураккаб ҳодиса тўғрисида тўла тасаввур бера олмайди. Чунки ҳар қандай бутунлик алоҳида-алоҳида қисмларнинг механик жамланмасидан эмас, уларнинг ўзаро таъсирга кириши натижасида вужудга келади. Маънавият ҳам ўз таркибига кирувчи кўплаб унсурларнинг ўзаро таъсиротга кириши оқибатида шаклланади.

Эътиқод гоё ва мафкурага оддий, жўн ишониш эмас, қатъий, кучли ишонч натижасида шаклланади. Кучли ишонч кучли ҳис-туйғулар таъсирида шаклланади. Инсондаги энг кучли ва юксак туйғулардан бири эса муҳаббатдир. Ёрга, диёрга, халққа муҳаббат шунинг учун ҳам эътиқод таркибидаги энг муҳим унсурлардан ҳисобланади.

.Бутунлик сифатида эса маънавиятнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг очиқ тизим эканидадир. Маънавият асрлар ва минг йилликлар давомида узлуксиз ривожланиб боришининг сабаби ҳам худди мана шу очиқликда. Маънавиятни ташкил қилувчи унсурларнинг ҳар бири бойиб ва бошқа унсурлар билан мутаносибликда ривожланиб боргани сари маънавият ҳам бойиб, ривожланиб боради. Бу ривожланиш шунингдек, эскирган унсурларнинг чиқиб кетиши ва янги унсурларнинг кириб келиши эвазига ҳам рўй беради. Агар жаҳондаги бирор халқ ўз маънавиятини бошқа халқлар маънавиятига қарши қўйса, ёки улардан ихоталаб олса, у таназзулга юз тутади. Ҳар бир халқ маънавияти бошқа халқлар маънавиятидан озиқланиб, уларга озиқ бериб бойийди. Шунинг учун ҳам И. Каримов «Маънавият шундай қимматбаҳо нарсаки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодлик-

ни севиш туйғуси билан биргаликда етилган» (1, 77). Агар маънавият ёпиқ тизим бўлганда эди, у бошқа ёпиқ тизимлар каби инқирозга маҳкум бўларди. Хайриятки, бундай эмас.

Маънавиятда миллий ва умуминсоний жиҳатлар ўзаро уйғун тарзда мавжуддир. Бу уйғунлик маънавият таркибига кирган унсурларда миллий ва умуминсоний жиҳатлар узвий боғлиқлиги билан изоҳланади. Жумладан, ахлоқ, санъат, дин сингари ижтимоий ҳодисаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларнинг мутаносиблиги маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик мутаносиблигини белгилайди. Шунинг учун ҳам маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик нисбати унинг таркибидаги ахлоқ, санъат, мафкура сингари ҳодисаларда шу жиҳатлар қай мутаносибликда эканига боғлиқ.

Ўзбеклар ахлоқидаги орият, диёнат, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби сифатлар, ўзбеклар руҳиятидаги самимийлик, инсоф, багрикенглик, шарм-ҳаёлилик жиҳатлари, уларнинг ўзбек миллий адабиёти ва санъатида акс этиши биргаликда кўшилиб ўзбек маънавиятининг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради.

Шўролар даврида ўзбек миллий маънавиятини ҳаётбахш сарчашмалар, халқ тарихидан узиб қўйишга, сунъий ва зўраки байналмилаллаштиришга ҳаракат бўлди. Лекин бу ҳаракатлар тоталитар тузум кутган натижани бермаганидек, исзиз ўтиб ҳам кетмади. Марказнинг миллат ва халқларни бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш сиёсати амалга оширилиши натижасида миллатнинг муайян қисми руҳиятида ҳасадгўйлик, ичиқоралик, иввогарлик, ташимачилик, боқимандалик сингари иллатлар томир ота бошлади. Миллий истиқлол қўлга киритилгандан кейин бу салбий сифатлардан қутилиш ва миллий маънавиятнинг ўзаги бўлган миллий ғоя, миллий мафкура атрофида халқни жипслаштириш имкони туғилди.

Маънавият фалсафаси унинг таркиби, мазмуни ва моҳиятини текширишдан ташқари унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил этишни тақозо қилади. Жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни нақадар муҳимлигини шундан ҳам билиб олса бўладики, бу тараққиёт икки узвий боғлиқ жараён: моддий ишлаб чиқариш ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг бирлигидан иборат. Турли фалсафий тизимларда бу жараёнларнинг

мутаносиблиги турлича талқин қилинган. Хусусан, Маркс фалсафасида уларнинг ўзаро таъсири, айниқса маънавий ва иқтисод муносабатларига бирёқлама қараш мавжуд.

Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва маънавий юксалиш ўртасидаги боғланиш турли олимлар ва файласуфлар томонидан турлича изоҳланиб келган. Бу изоҳлар, кўпинча, бир-бирини мутлақо инкор қилувчи характерда бўлган. Маънавий ва иқтисодий ўртасидаги муносабатлар баъзан ялпи миқёсда таҳлил қилинса, баъзан маънавийнинг у ёки бу таркибий қисмлари, хусусан, ахлоқ, мафкура, дин, руҳият кабиларнинг иқтисодий ўтказадиган таъсири тўғрисида гап юритилган. Масалан, XX асрнинг йирик файласуфларидан бири Макс Вебернинг энг катта хизматларидан бири унинг христиан динидаги протестантлик мазҳаби иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсқинлик қилганлар. Бойликни худонинг неъматидан, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қилдиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири эди.

Уз асарларидан бирида Президент И. Каримов иқтисодий муносабатларни жамиятнинг танасига, маънавийни эса жамиятнинг жонига ўхшатган эди. Бу қиёс бадиий шаклда баён этилган бўлса ҳам, унда илмий теранлик ва реаллик мавжуд (7, 261). Мана шу қиёсда маънавийнинг энг муҳим функцияларидан бири — иқтисодни ҳаракатга келтириш, унинг ривожланишига ёрдам бериш функцияси кўрсатиб берилган. Маънавийнинг иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий тараққиётга ўтказадиган таъсири қуйироқда махсус таҳлил қилинади. Бу ўринда маънавий иқтисодий тараққиёт жараёнида муайян рол ўйнашини қайд этиш билан чекланамиз. Бундан ташқари, маънавий улкан тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу функция И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида берилган қуйидаги таърифида ўзининг тўла ифодасини топган: «Маънавий ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эъти-

қодини мустақкамлайдиган, виждонини уйготадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан».

Маънавият очиқ тизим бўлгани учун унинг таркиби жуда бой. Мазкур бобда шу мураккаб таркибнинг асосий унсурлари хусусида фикр юритилди холос.

МАЪНАВИЯТ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ

Жамият тараққиётининг бурилиш нуқталарида, бир босқич ёки тузумдан иккинчисига ўтишда ижтимоий адолат масаласи муҳим аҳамият касб этади. Чунки одамлар ўша қурилаётган янги тузум эскисидан, аввало, адолат масаласида қандай фарқ қилишини билмоқ истайдилар. Қурилажак жамият одил эканига одамларда ишонч қанча бўлса, улар ўша жамиятни қуришга шунча кўп куч билан ҳаракат қиладилар.

Адолат фақат ахлоқий ва ҳуқуқий сифатларгагина эмас, сиёсий ва маънавий жиҳатларга ҳам эга. Бундан ташқари, алоҳида инсонлар ёки ижтимоий гуруҳ ва халқларда адолат тўғрисидаги тасаввурлар улардаги тадбиркорлик, мураса каби хусусиятлар билан ўзаро таъсирда шаклланади, яъни у халқнинг тарихий тақдири, руҳияти билан узвий боғлиқдир. Бу ҳақда И. Каримов шундай деб ёзади: «...қолаверса, тадбиркорлик, эркин савдо, ижтимоий адолат, ўзаро мураса-ю мадора ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш, деган тушунчалар бизнинг заминимизда тарихий илдишларга эга.» (10, 133)

Кўпчилик одамлар дунёқарашидаги тасаввурларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий жиҳатлари яхлит тушунча доирасида уйғунлашади. Аммо бу ҳол ўша кўпчилик адолат тўғрисида айнан бир хил тасаввурга эга эканини англабмайди. Одамлар тасаввурда бу сифат ва жиҳатлар турли мутаносибликда мужассамлашади. Ҳамма гап ўша мутаносиблик қандай эканида. Бу мутаносибликнинг эса шакли, тамойиллари, кўринишлари жуда хилма-хил. Уларнинг барчасини бир-икки мақола доирасида тавсифлаш мумкин эмас. Бу ўринда ҳуқуқ ва масъулият, меҳнат ва роҳат, жиноят ва жазо, хизмат ва ҳурмат ўртасидаги мутаносиблик адолат тушунчасининг негизида ётишини таъкидламоқчимиз. Бу мутаносиблик бузилса, адолат адолатсизликка айланади. Ҳар қандай халқ, миллат ва жамиятда ҳам одамлар муайян сабрқаноат, тоқат сингари хислатларга эга бўладилар, шу

туфайли адолат тарозисидаги мувозанатнинг бузилиши, тарози шайинининг бир томонга озроқ оғиши дарҳол норозилик келтириб чиқармайди. Норозилик вужудга келган тақдирда ҳам, у пинҳона бўлади. Тарозининг бир томонга оғиши давом этаверса, норозилик сиртга чиқиб, зоҳир бўлади. Жамиятда юз берадиган мана шундай жараёнларда адолат ва адолатсизликнинг ўрни ва ролини жуда чуқур таҳлил қилган И. Каримов шунинг учун ҳам «адолат бўлмаган жойда норозилик, адоват, зиддият, қарама-қаршилиқ пайдо бўлиши муқаррар», деб ёзади.

Турли одамларда, халқ, элат ва миллатларда норозиликнинг зоҳир бўлиш чегараси турлича бўлади. Биз — ўзбеклар сабр-бардошли, чидамли халқмиз. Шунинг учун, жойларда турли миқёс ва даражадаги раҳбарларнинг инжиқликлари-ю, қинғирликлари, кибруҳавоси-ю, алломалик даъвосига одамларимиз тишларини тишларига қуийб чидайдилар. Ўскин бир кун келиб одамларнинг сабр косаси тўлади. Энди унга бир томчи қинғирлик ҳам сиғмай қолади. Шуни назарда тутиб Президентимиз И. Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқида депутатлар ва раҳбар ходимларнинг эътиборини шу масалага қаратди.

Қадимги римликлар адолат худоси деб Фемидага сизинишган. Уларнинг тасавурида Фемида икки кўзи боғлиқ, қўлида тарози билан гавдаланарди. Бу тарозида эса моддий ашёлар тортилмас, фақат адолатга алоқадор нарсаларгина ўлчанарди. Қадимги Рим ҳайкалтарошлари Фемидани худди шу ҳолатда тасвирлашарди. Унинг кўзларини боғлиқ тасаввур қилишларига сабаб эса, у тарози паллаларидан қай бири оғир ва қай бери енгил эканини кўрмаслиги шарт эди. Римликлар назарида, агар Фемиданинг кўзлари боғлиқ бўлмаса у қайсидир томонга ён босиши, ноҳолис бўлиши мумкин.

Адолат тўғрисидаги римликлар тасавури ибтидоийроқ кўринса ҳам, аслида у адолат тўғрисидаги антик дунё тушунчаларини ўзида мужассам қилган эди. Бу тасаввурлар пайдо бўлгандан икки минг йил кейин ҳам олимлар, сиёсатдонлар ва оддий фуқаролар ҳам уни адолат рамзи сифатида қабул қилдилар. АҚШда ҳам адолат олий қадриятлардан бири сифатида тан олин-гач, Вашингтондаги Капитолий биноси томига Фемида ҳайкали ўрнатилди. Иш шу даражага бориб етдики, XX

аср сўнгида яшаётган одамлар Фемида тасвирини кўришса, улар кўз ўнгида қадимги Юнонистон ва юнонлар эмас, ҳозирги АҚШ ва америкаликлар гавдаланадиган бўлди.

Адолат ҳақида қадимга римликлар тасаввури қанчалик тўғри бўлмасин, барибир у тўла эмас.

Адолат, Тенглик, Озодлик каби олий қадриятларга ҳар бир давр янгича ёндошувларни амалга ошириб, уларнинг янги хусусият ва жиҳатларини кашф қилгани каби, улкан олим ва файласуфлар ҳам бу тасаввурларнинг тиниқлашуви ва чуқурлашувига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Адолат тушунчаси ҳам асрдан-асрга мамлакатдан-мамлакатга ўтиб сайқал топиб борди. Ҳар бир давр ва мамлакат унга янги жило берди. Ўзбекистон эса бу олий қадриятга икки марта ажойиб сайқал берди. Соҳибқирон Амир Темур «Куч — адолатдадир», деганда ва бу иборани ўзининг асосий шиори қилиб олганда, адолат фақат жиноят ва жазо, меҳнат ва роҳат, ҳуқуқ ва масъулият ўртасидаги мутаносиблик бўлибгина қолмай, одамларга, давлатга, жамиятга улкан куч бағишлашини кашф этган эди. Бу шиорнинг улкан ижтимоий аҳамиятга эга экани шунда ҳам кўринадики, атрофдаги кўпчилик мамлакатларда бу масала ҳақидаги тасаввурлар адолат кучдадир, шаклида ифодаланарди. Амир Темур ҳам катта салтанат эгаси, улкан куч-қудрат соҳиби сифатида ўша тасаввурнинг сақланишидан манфаатдор эди. Лекин у адолат кучда эмас, куч адолатда эканини баралла айтиш учун кучли ирода ва қатъиятдан ташқари улкан заковат ва донолик соҳиби эканини намоён қила билди.

Соҳибқирон фалсафадан рисолалар ёзмаган бўлса ҳам, шу икки сўздан иборат шиори билан у ўздан олдин яшаган барча файласуфлар ўнлаб, юзлаб китобларда баён қила олмаган фикрни ифодалади. Соҳибқиронгача яшаган файласуфлар адолат нима экани, таркиби қандайлиги, даражаси, моҳияти кабилар тўғрисида бош қотирган бўлса, буюк Амир Темур икки сўз ёрдамида адолат инсонга ва давлатга нима беришини кўрсатиб берди.

XX аср сўнгида яна Ўзбекистонда адолат тасвирига яна бир муҳим чизги қўйилди. Бу чизги улкан заковат ва илмий жасорат маҳсулидир. XX аср охиригача бўлган фалсафий таълимотларда адолат муаммоси маънавият билан боғланмаган эди. Баъзи фалсафий тизимларда адолат масаласини ёритишда йўл-йўлакай маданият,

маърифат тўғрисида гапирилган бўлса ҳам, унинг моҳиятини ёритишда ҳеч ким маънавиятни асос қилиб олмаган эди. И. Каримов яратган янги ижтимоий-фалсафий тизимда худди шу мураккаб ҳодиса, яъни маънавият адолат муаммосини ечиш учун асос қилиб олинди. Бундай ёндошув фалсафада мутлақо янги ҳодиса эканини англаб етиш учун адолат ҳақидаги қарашларга қисқароқ бўлса ҳам тўхталиш керак.

Адолатни талқин қилишда И. Каримовнинг маънавиятга таяниши бир жиҳатдан табиийдир. Чунки у яратган янги фалсафий тизим маънавиятга асосланади. «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, — деган эди И. Каримов ўзининг 1994 йил 7 июл куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йигилишида сўзлаган нутқида, — маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонлири» (7. 261).

Жамиятнинг аҳкомларидан бири адолатдир. Шунинг учун ҳам у маънавият бойиши, ривожланиши билан бир қаторда ривожланиб боради. Маънавият топталган жойда адолат ҳам топталади. Маънавият бўлмаган жойда адолат ҳам бўлмайди.

Адолатнинг маънавият билан нақадар чамбарчас боғлиқлигини англаб етиш учун бу икки тушунча тарихига бир назар ташлаш керак. Адолат фақат маънавият тараққиётининг муайян босқичидагина вужудга келади. Чунки, адолат тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши учун, аввало, тасаввурларнинг ўзи бўлиши керак эди. Одамларда атроф-муҳит тўғрисида тасаввурлар аввалроқ пайдо бўлди. Кейинроқ улар жамият ҳаёти, унинг тамойиллари, ривожланиш сабаблари тўғрисида бош қотира бошладилар. Худди шу даврда адолат тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар шакллана бошлади. Шунинг учун, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, адолат тўғрисидаги тасаввурларнинг юзага келиши маънавиятнинг шаклланиши билан боғлиқ.

Ибтидоий одамнинг маънавияти ҳам ибтидоий эди. Унинг адолат тўғрисидаги тасаввури ҳам маънавиятига мос равишда ибтидоий бўлган. Ибтидоий одамлар галаси овда узоқ вақт ўлжа топа олмаса, ўз шерикларидан бирини ёки қўшни гала аъзоларидан бирини асир олиб тутиб ейиши адолатли ҳисобланарди. Агар шундай қилмаса гала очликдан қирилиб кетарди.

Ибтидоий галадаги тартиблар ҳам ибтидоий бўлиб, уни бузганлик учун одамлар қаттиқ жазоланар, кўпчи-

лик ўлдириллар, ўликни эса кўпинча еб юборилар эди. Бу тартиблар ўша давр учун адолатли ҳисобланарди.

Кулчилик даврида бир кишининг юзлаб ва ҳатто, минглаб кишиларга ҳўжайин бўлиши ҳам адолатли ҳисобланган. Қизиғи шундаки, бундай ҳолни фақат кул эгалари эмас, кулларнинг ўзлари ҳам адолатли деб тан олишган. Чунки уларнинг маънавияти ўша даврдаги ижтимоий муносабатлар, мавжуд тартиб-қоидаларга монанд бўлиб, бу тартиблар табиий ҳол ҳисобланарди. Одамларнинг ақлига, меҳнатига эмас, бойлигига қараб ижтимоий мавқега эга бўлиши ўша давр маънавияти даражасига мос бўлиб, адолат меъёридаги ҳодиса ҳисобланарди.

Кулчилик даврида ҳам, Ўрта асрларда ҳам адолат тўғрисидаги тасаввурлар ҳаммада айнан бир хил бўлган эмас, албатта. Улар ўртасида тафовутлар, зиддиятлар ҳам бўлган. Лекин жамиятдаги асосий кўпчилик ўша даврдаги тартибларни адолатли ҳисоблаган. Тасаввурлардаги тафовутларнинг барчасини тавсифлаш кўп вақт талаб қилади. Бу ўринда биз адолатни коммунистлар қандай тушунганликлари тўғрисида қисқа тўхталмоқчимиз. Бунга сабаб шундаки, мустақил Ўзбекистон 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида коммунистик мафкура ҳукм сурган маконда вужудга келди. Шунинг учун бу мафкура ва Маркс-Ленин фалсафаси сарқитлари ҳудудимизда муайян даражада сақланиб қолмоқда.

Адолат тўғрисидаги тасаввурларга ҳам турли даврларда турли хил қўшимчалар киритилади, унинг янги жиҳатлари очилади. Масалан, XX аср ўрталаригача олиб борилган урушларни икки турга, яъни адолатли ва адолатсиз урушларга бўлинган. Адолатли, деб ўз мамлакатини, ҳудудини ҳимоя қилиш учун олиб борилган; адолатсиз, деб эса ўзга ҳудудларни, элларни босиб олиш учун олиб борилган урушларга айтилган. XX аср ўрталарида вужудга келган ядро уруши хавфига нисбатан бундай мезонларни қўллаш мумкин эмас. Ядро уруши қандай мақсадларда ва ким томонидан олиб борилишидан қатъий назар, у адолатсиз урушдир. Чунки унинг оқибатида, биринчидан, ҳарбий объектлар йўқотилиши ва аскарлар ҳалок бўлишидан ташқари, тинч аҳоли уй-жойлари, мактаблар, касалхоналар вайрон бўлади, юз минглаб ва миллионлаб бегуноҳ одамлар қирилиб кетади. Ядро уруши урушни бошлаган мамлакатнинг ўзига ҳам катта талофатлар етказиши мумкин ва у миллионлаб одамларнинг ҳаётини хавф остига қўяди.

XX аср сўнгида фақат урушларнинггина эмас, бошқа ижтимоий ҳодисаларнинг ҳам адолат билан нисбатини ёритишда янгича ёндошув имконияти туғилди. Авваллари у ёки бу ҳодисанинг, у ёки бу шахснинг одил ёки адолатсиз экани тўғрисида фикр юритилган бўлса, энди адолат кўлами, даражаси тўғрисида фикр юритиш имкони пайдо бўлди.

Шўролар даврида ёзилган ва ҳимоя қилинган адолат тўғрисидаги бир қанча докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳам кўздан кечирдим. Уларда адолат тушунчасининг тарихи, тадрижи бирмунча таҳлил қилинса ҳам, асосий мазмун мавжуд тузум ва КПСС шаънига мадҳиябозликдан иборат эди. Мени қизиқтирган масала эса ўша диссертация ва рисолаларда адолат тушунчаси маънавият билан боғлиқлигининг қай даражада очилиши эди. Лекин ўша диссертацияларда бу ҳақда лом-лим дейилмаган. Адолатнинг туб моҳиятини очиб бериш учун хизмат қиладиган шу нисбат ҳақида ҳеч қандай фикр айтилмаслиги, бир томондан, мени ҳайратга солса, иккинчи томондан бу тузум адолат тушунчасини чуқур таҳлил қилишдан манфаатдор бўлмаганини яна бир бор кўрсатди. Чунки бу масалани кенг, чуқур ва холис таҳлил қилиш шўролар тузумининг мисини чиқариб кўярди.

Адолат муаммосини таҳлил қилишда, айтиш мумкинки, Фарбда Арасту, Шарқда Беруний, Форобий ва Навоийлар билдирган фикрларга нисбатан жиддий силжиш бўлгани йўқ. Марксистлар ижтимоий фанларда инқилоб қилганликлари тўғрисида кўп гапирган бўлсалар ҳам, аслида бу инқилоб инсоният бошига кўп кулфатлар келтирди. Адолат масаласида коммунистлар қилган инқилоб шундан иборат бўлдики, улар коммунизмга хизмат қиладиган барча нарса адолатлидир, деб эълон қилдилар. Уларнинг назарида 30-, 40-, 50-йиллар қатангонлар-ю, 60-йилларда эркин фикрловчи кишиларни диссидент, деб эълон қилишлар, миллий республикаларнинг иқтисод масаласида ҳам, маънавият масаласида ҳам камситилиши, уларнинг тили, тарихи, эътиқодлари таҳқирланиши ҳам «адолатли» эди. Бу аслида адолат эмас, адолатни масхаралаш эди.

Адолат ва маънавият ўртасидаги узвийлик масаласига илк бор маънавият фалсафаси ёки И. Каримов асарларида яратилган ижтимоий-фалсафий тизимда жиддий эътибор берилди.

Маркс назариясига кўра, коммунизмгача бўлган ту-

зумларда одамларнинг ўзаро жанг ҳолатида бўлиши табиий ҳол эди. Чунки бу фалсафа жамият тараққиёти негизида синфлар ўртасидаги кураш ётади, деб тушунтирарди. Бу жамиятни турли гуруҳлар, синфларга бўлинган одамлар ўртасидаги уруш ривожлантиради, деб тан олиш эди. Бу эса синфий кураш, деб ҳисобланган уруш воситаларини оқлашга ва ҳатто мадҳ этишга олиб келарди. Шунинг оқибатида озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлиги ўрнига кўпчиликнинг озчилик устидан ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу зўрликни коммунистлар пролетариат диктатураси, деб атадилар.

Кўпчиликнинг озчилик устидан ҳукмронлиги узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Ўша кўпчилик орасидан устомон ва тadbиркорлари ажраб чиқиб, ҳокимиятнинг ҳақиқий эгалари бўлиб олдилар. Кўпчиликни эса барча завод-фабрикалар, ер-сув сизларники, деб алдаб келдилар. Аслида эса бу чўпчак эди. Амалда ўша завод-фабрикалар, ер-сувдан олинадиган даромаднинг катта қисми тоталитар маъмурий тизимни ўрнатган партия ва давлат амалдорлари қўлида эди.

Кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши «тугатилган» бу жамиятда меҳнатни ўн миллионлаб киши қилгани ҳолда, роҳатини фақат амалдорлар кўрарди. Ўн миллионлаб бегуноҳ кишиларни қатагон қилган бу тузум ўзини энг адолатли жамият деб эълон қилганди. Бу эса энгилоёқ аёлнинг ўзини тақводор қилиб кўрсатишга уринишини эслатарди.

И. Каримов яратган фалсафий тизимда ижтимоий тараққиёт негизида маънавият ётиши кўрсатилади. Маънавият эса фалсафий тушунча сифатида турдош тушунчалар билан боғлаб ёритилади. Ана шундай муҳим тушунчалардан бири ижтимоий адолат тушунчасидир.

И. Каримов асарларида, нутқ ва мақолаларида ижтимоий тараққиёт, маънавият ва ижтимоий адолат ҳодисалари ўзаро боғлиқликда таҳлил қилинганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Масаланинг шундай тартибда қўйилиши муаллифнинг асарлари чуқур мантиққа асослангани, тизимли характердалиги, фалсафий мушоҳаданинг кенг ва теранлигидан далолат беради.

Ижтимоий адолатнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва маънавият билан узвийлигини тўлароқ англаш учун мозийга ва узоқ ўтмишга, шунингдек, фалсафийликка даъво қилаётган баъзи оқимларга назар ташлаш керак.

Ижтимоий адолат одамлар, халқ ва жамият ҳаётида нечоғлиқ муҳим ўрин тутишини бир-икки белгиданоқ

билиб олса бўлади. Мен МДХга аъзо бўлган ва бўлмаган мамлакатлардаги сиёсий партиялар дастурларини таҳлил қилар эканман, қизиқ бир ҳодисани кузатдим. Масалан, Россияда мавжуд бўлган ўнлаб партияларнинг барчаси ижтимоий адолат учун курашни ўзларининг асосий вазифалари, деб эълон қилишган. Хўш, унда ўз олдига бир хил, яъни ижтимоий адолат учун курашни вазифа қилиб қўйган ўша ўнлаб партиялар бирлашиб ягона кучли партия тузишса бўлмайдими? Бу саволга салбий жавоб берилади. Чунки ўша партияларнинг баъзи бирлари ўзаро бирикиши мумкин, лекин асосий кўпчилиги бошқалари билан қўшилиш у ёқда турсин, уларни ўзларига мухолиф, ҳатто, душман деб билади. Чунки улар ижтимоий адолат тўғрисидаги ўзларининг тушунчаларини мутлақ ҳақиқат, бошқа партияларнинг бу тўғридаги тасаввурларини эса, янглиш тасаввур, баъзан адашиш, калтафаҳмлиқ, ҳатто тентаклик, деб баҳолайдилар. Масалан, коммунистлар социализм қуриш учун курашни ижтимоий адолатга интилишнинг олий намунаси, деб билишса, либерал-демократлар бундай ҳаракатни ўтакетган тентаклик деб ёки ундан ҳам кўполроқ сўзлар билан тавсифлайдилар. Ушбу ўринда Россиядаги ёки бошқа мамлакатлардаги сиёсий партияларнинг дастур ва низомларини таҳлил қилиб ўтиришга зарурат ҳам, имконият ҳам йўқ. Бу ўринда биз фақат шуни таъкидлашни истардикки, улар ижтимоий адолатни бошқа ижтимоий ҳодисалардан ажратиб оладилар ва адолат мезони тўғрисида бош қотирмайдилар.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар дастурлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳам барчаси ижтимоий адолат учун курашни шиор қилиб олганлар. Бироқ, ўша адолатнинг лоақал асосий хусусиятлари ва мезонлари тўғрисида бу дастурларда ҳеч нарса дейилмаган. Бу эса ўша сиёсий партияларнинг ҳар бирида аъзоларнинг ижтимоий адолатни ўзи билганча, кўпинча, ўз партиядошларига мутлақо зид тасаввур қилишига олиб келади. Сиёсий партиялар ривожланиб камолга етган сари, уларнинг ижтимоий адолат ва унга эришиш йўллари ҳақидаги тасаввурлари тиниқлашиб, бойиб боради, деб умид қиламиз.

Адолат муаммосининг тарихда қандай ёритилганини билмоқчи бўлсак, унга жуда хилма-хил ёндошувлар бўлганини кўрамиз. Лекин ўша ёндошувларнинг барчасини, аввало, уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар ахлоқий, ҳуқуқий ва фалсафий ёндошувлар. Бу ёндошувлардан

хар бири ўнлаб, юзлаб кўринишларга эга. Уларнинг барчасини таҳлил қилиб ўтириш жуда кўп вақт талаб қилади. Агар ахлоқий ёндошувларда ижтимоий адолат шахс хизмати ва ҳурмати, меҳнати ва даромади, бурч ва масъулият мутаносиблиги шаклида қўйилган бўлса, ҳуқуқшуносликда бу муаммо жиноят ва жазо, ҳуқуқ ва бурч, шахе, гуруҳнинг ижтимоий роли ва мавқеи мутаносибликларни тарзида қўйилган. Бундай мутаносибликнинг бузилиши эса адолатсизлик деб талқин қилинган.

Марксизм ҳам бошқа сиёсий, фалсафий оқимлар каби адолат учун курашни ўзининг бош мақсади деб эълон қилган бўлса ҳам, амалда бунинг акси бўлган йўлни тутди. Юз минглаб одамларнинг ўз туғилиб ўсган юртларидан сургун, бадарга қилиниши, миллионлаб, ўн миллионлаб одамларнинг қатағон этилиши ижтимоий адолатни марксча тушунишнинг амалий ҳаётдаги мевалари эди.

Бундан ташқари, ижтимоий адолат масаласи Маркс фалсафий тизимида унчалик муҳим ўрин тутмаган. Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик деб аталган мамлакатлардаги ўқув юртларининг фалсафа, сиёсатшунослик бўйича дарсликлариде ижтимоий адолат мавзусига, умуман ўрин ажратилмаган эди. Бу мавзуни махсус ўрганмаган ҳуқуқшунос, файласуф, сиёсатшунос талабалар ҳам олий маълумот тўғрисида диплом олардилар, лекин улар адолат ҳақида аниқ тушунчага эга эмасдилар. Бу масала жамиятга раҳбарлик қилаётган партия амалдорларини ҳам унча қизиқтирмасди. Улар ўзларича, биз ҳокимият тепасидамиз, бу эса энг адолатли ҳол, деб ўйлардилар.

Марксистик фалсафага оид адабиётларда ижтимоий адолат ижтимоий тенглик сифатида талқин қилинади. Тенгликни эса марксчи-ленинчилар узунни қисқартиш ва калтани чўзиш, деб тушунардилар. Буни собиқ Иттифоқ ва ўзини социалистик деб атаган мамлакатлар тарихи кўрсатиб турибди.

Узунни қисқартиш шўролар даврида пастки, яъни оёқ томондан эмас, тепадан, бошни кесиш ҳисобига амалга оширилди. Калтани чўзиш жараёнида бу калталар ингичкалашиб, кўплари узилиб ҳам кетди. Бу ҳам адолатни болшевикона тушуниш ва ҳаётга тадбиқ қилиш намунаси эди.

Шўролар даврида қайси республика, қайси вилоят ва туман қай махсулотни қай миқдорда истеъмол қилиши юқоридан белгилаб қўйилар эди. Марказдан туриб

ҳар бир туман ва қишлоқ эҳтиёжлари қай даражада қондирилишининг қатъий белгилаб қўйилиши энг адолатли қарор деб ҳисобланган. Ўз ҳудудига кўпроқ маҳсулот ажратишни истаган туман, шаҳар, вилоят ёки республика раҳбари Марказдаги Госплан сингари тақсимловчи идораларга бош эгиб бориши лозим эди. Бош эгидан ташқари, унинг қўли ҳам қуруқ бўлмаслиги керак эди. Сафарнинг муваффақиятли якунланиши унинг қанчалик эгилишигагина эмас, кўпроқ қўлининг қуруқ эмаслигига боғлиқ бўларди. Бу ҳақда И. А. Каримовнинг бир қатор нутқ ва мақолаларида эслатиб ўтилади.

Адолат муаммосига иқтисодий ёндошувга кўра, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш адолат негизидир. Бу тўғри хулоса. Лекин у шундай хулосаки, адолатни талқин ва таҳлил қилишни фақат унинг ўзи билан чеклаб бўлмайди. Жамиятда иқтисодий муносабатлар қанчалик муҳим рол ўйнамасин, улардан бошқа муносабатлар ҳам мавжуд ва бу муносабатлар жамият ҳаётининг кўп соҳаларида иқтисодий муносабатлардан кам рол ўйнамайди. Ҳозиргина айтилганидай, одамларнинг меҳнатга яраша ҳақ олишлари иқтисодий жиҳатдан адолат мезони бўлса, маънавият нуқтаи назаридан ёндошув бу мезонни бойитиш ва тўлғизиш зарурлигини кўрсатади. Маънавият кишиларга меҳнатларига яраша ҳақ тўлашдан ташқари, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, маънавиятларини бойитишни тақозо қилади. Одамларни огир меҳнатга, уларни руҳан қашшоқлантирадиган, маънавий ривожга халақит берадиган меҳнатга гирифтор қилиш ва шу меҳнатга «яраша» ҳақ тўлаш мумкин. Шуниси ҳам борки, мана шундай малака ва билим талаб қилмайдиган меҳнатга одатда кам ҳақ тўланади.

Ана шу меҳнатга яраша ҳақ тўланишини адолатли деб бўлади? Иқтисодий нуқтаи назардан бу саволга «ҳа» деб жавоб берилиши лозим. Чунки одам меҳнатига яраша ҳақ олди. Маънавият нуқтаи назаридан эса бу саволга салбий жавоб бериш керак. Чунки, меҳнатига яраша ҳақ тўлангани билан, одамлар ўзларининг имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён қила олмадилар. Одамларнинг маънавий ва руҳий жиҳатдан камол топишлари учун шароит яратилмас экан, бундай жамиятдаги тартибларни тўла адолатли деб бўлмайди.

Ижтимоий тараққиётни иқтисодий омил билан изоҳлаган марксизм фалсафаси бошқа омилларга учинчи, тўртинчи, ўнинчи даражали нарсалар деб қарарди. Шунга

монанд равишда адолатни талқин қилишда ҳам марксизм фақат иқтисодий мезонга таянар эди. Адолатни таҳлил қилиш, бу фалсафий тизимда фақат иқтисодиётнинг вазифаси, деб тушунтирилди. Ижтимоий адолатни ўрганиш фақат сиёсий иқтисод фанининг вазифаси деб, марксизм асосчиларидан бири Ф. Энгельс очиқ ёзган эди. «Адолат ижтимоий жиҳатдан ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг моддий омили билан иш кўрадиган фақат бир фан — сиёсий иқтисод томонидан аниқланади». (Қаранг. К. Маркс. Ф. Энгельс. Соч. 2-е изд. Т. 19. С. 255. Таржима мақола муаллифиники).

Марксизм томонидан, деярли, тўла инкор қилинган маънавиятда И. Каримов адолатнинг нафақат муҳим мезонини, балки унинг муҳим таркибий қисми ва асосини кўра билди. Адолатга маънавият нуқтаи назаридан ёндошув фақат марксизм эмас, бошқа ижтимоий-иқтисодий таълимотларда ҳам адолатни таҳлил қилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш имкони-ни берди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида юзага чиқади-ган қийинчиликлар барчанинг ҳам камолотга эришиши учун имкон бермайди. Бу ҳолатни социализм хомхаёлидан воз кечиб бозор муносабатларига юз тутган қатор мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилигида иқтисодий танглик маънавий таназзул билан қўшилиб кетган. Баъзиларда эса иқтисодий силжишлар бошланган бўлса ҳам, маънавият соҳасида бундай силжишлардан дарак йўқ.

И. Каримов асарлари учун хос бўлган нарса маънавият ва адолат тўғрисида фақат назарий, мавхум фикр юритиш эмас, балки ҳаётий ҳодисаларга асосланиб тиниқ ва теран фикр юритиш, бу билан чекланмай, шу фикр ва хулосаларни амалиётга тадбиқ қилишдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида барчани, аввало, меҳнат билан таъминлаш, қолаверса, маънавий бой ва ижодий меҳнат билан таъминлаш мумкин бўлмагани сабабли, жамиятда руҳий ва маънавий таназзул юз беришига йўл қўймаслик учун Ўзбекистонда маънавият масаласига алоҳида эътибор берилди. Республика марказида ва барча вилоятларда маънавият ва маърифат марказларининг очилиши, кейинроқ маънавият ва маърифат кенгашларининг тузилиши, маданият ва таълим тизимида маънавиятга жиддий эътибор берилиши фақат тарғибий тадбир бўлмасдан, ижтимоий адолатни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган муҳим ҳара-

катдир. И. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган бу ҳаракат, бир томондан, унинг асарларидаги фалсафий теранликни кўрсатса, иккинчи томондан, ижтимоий адолатни кенг ва чуқур англаш ҳамда уни ҳаётга тадбиқ қилишда зукколик ва тадбиркорлик билан иш олиб бораётганини англатади.

Ижтимоий адолат, юқорида айтилганидай, фақат одамлар меҳнатига яраша ҳақ тўлаш билан чекланмайди. Гарчи бу ҳол адолатнинг муҳим таркибий қисми бўлса ҳам, уни тўлалигича ифодалай олмайди. Жамиятда кўпинча шундай ҳолат юзага келадики, баъзилар ўз қобилият ва имкониятларини тўла намоён қиладилар ва шунга яраша рағбатлантириладилар. Лекин бу имкониятга ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Шунинг учун ижтимоий адолатнинг муҳим таркибий қисми ва, айни пайтда, функцияси имкон қадар кўпроқ кишиларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имконини яратишдир. Ўзбекистонда қабул қилинган ва амалга оширилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мамлакатда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг қобилиятларини ривожлантириш мақсадини кўзда тутди. Бу эса, юқорида таъкидланганидай, одамларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш сингари адолатли ҳодисадан ҳам адолатлироқдир.

Ижтимоий адолат муаммосини чуқурроқ англашга ёрдам берадиган тушунчалардан бири ижтимоий масъулият тушунчасидир. Ижтимоий адолат ва ижтимоий масъулият эгиз ҳодисалардир. Улар ўртасидаги узвий боглиқликни эътироф этиш билан бирга шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу боглиқлик турли жамият ва тузумларда турлича намоён бўлади.

Тарих гувоҳлик беришича, ижтимоий адолат ва ижтимоий масъулият ўртасидаги мутаносиблик тараққиётнинг муайян bosқичига мос равишда белгиланган ва ҳаётга тадбиқ қилинган бўлса, бу жамият гуркираб ривожланади. Агар шу мутаносиблик бузилса, эртамикечми бу тузум ёки давлат агдарилиб кетади. Шу мутаносиблик бузилишига сабаб бўлган ёки йўл қўйган подшолар, қироллар, амирлар ва бошқа давлат бошлиқлари тарих саҳнасидан тушиб, уларнинг номи унут бўлиб кетади ёки бўлмаса келажак авлодлар бу шахсни фақат ҳақоратлаб, мазах қилиб эсга оладилар.

Ислолдаги олий қадриятлардан бири ижтимоий адолатдир. Раҳбарларнинг жамоани ва жамиятни адолат билан бошқаришлари пайгамбар ҳадисларида ибодат-

дан ҳам устун қўйилади. Улардан бирида: «Бир соатлик адолат олтмиш кунлик ибодатдан афзалдир», дейилган. Шунинг учун, айтиш мумкинки, жамоагами, худудгами, жамиятгами одилона раҳбарлик қилган шахс икки дунё саодатига эришади. Аммо бу саодатга эришиш жуда мушкул иш. Қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, таниш-билишчилик, худбинлик, шахсий манфаат сингари нарсалар адолат йўлига тўсиқ бўлади. Уларни енгиб, улардан баландроқ кўтарила билган шахсгина «одил» деган оддийгина, айни пайтда, жуда юксак сифатлашга лойиқ бўлади. Бу эса ҳар қандай фуқародан, айниқса, раҳбар шахсдан маънавий, руҳий покликдан ташқари мустаҳкам иймон ва кучли ирода соҳиби бўлишни талаб қилади.

Адолатсизликнинг муҳим белгиларидан бири шундаки, у ўзини адолат қиёфасида кўрсатишга ҳаракат қилади, яъни у фуқароларни алдаб умр кечиради. Лекин бу алдов узоқ давом этиши мумкин эмас. Одамлар алдовнинг моҳиятини тушуна бошласа, адолатсизлик зўрлик ва куч ёрдамида ўз умрини узайтирмоқчи бўлади. Лекин инсоният тарихи адолатсизлик куч ва зўрлик ёрдамида ҳам узоқ яшай олмаслигидан гувоҳлик беради. Шунинг назарда тутиб, И. Каримов 1992 йил ноябр ойида сўзлаган нутқида, «Лекин бир нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат албатта қарор топади», деб таъкидлаган эди (2, 90).

Президент И. Каримовнинг адолатга муносабатидаги яна бир ўзига хослик шундан иборатки, бу муҳим фалсафий муаммо фақатгина унинг асарлари, нутқ ва мақолаларидагина катта ўрин олиб қолмасдан, бутун фаолияти, ташкилотчилик ишларидаги энг муҳим тамойиллардан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзлаган нутқида, жумладан, шундай деган эди. «Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўяйлик, такрор айтаман: адолатсизликка чидамайди. Буни унутиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб қолган бинога ўхшатиб қўяди» (4, 215).

Халқ орасида, ўнг юзингга урганга чап юзингни тутиб бер, деган мақол бор. Шўролар даврида бу мақолга ҳам синфий мазмун берилиб, у эксплуататор синфлар манфаатига хизмат қилиб, зулмга қаршилик кўрсатмасликка чақиради, деб талқин қилинди. Бу талқиндан келиб чиқадиган хулоса сенинг юзингга мушт тушир-

ганнинг юзига сен ҳам мушт тушир, эди. Шўролар фикрича, шундай қилинса адолатли бўларди. Мақолда тарғиб қилинаётган фаолиятсизлик, пассивликка кўшилмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, зўрликка зўрлик билан жавоб бериш ҳар доим ҳам адолатли бўлавермайди. Президент И. Каримовнинг фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашга киришиш тўғрисидаги таълимоти зўрликка қарши зўрлик билан жавоб бериш ҳар доим ҳам адолатли бўлавермаслигини кўрсатади. Чунки зўрлик кўпинча маърифатнинг эмас, жаҳолатнинг намоён бўлишидир. Шунинг учун жаҳолатга қарши жаҳолат билан жавоб қайтариш оқиллик белгиси эмас. Баъзан ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш адолатли бўлади. Чунки, бир томондан ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш яна бир ёмонликни келтириб чиқарса, иккинчи томондан ёмонлик билан жавоб қайтариш ўша ёмонлик қилган одамни ўйлантириши ва ёмонлик йўлдан қайтариши ҳам мумкин. Жаҳолатга қарши маърифатли иш қилиш шунчаки бир чақирқ бўлиб қолмасдан, улкан заковат ва чуқур маънавият белгисидир. И. Каримов ҳаёти ва фаолияти учун хос бўлган жиҳатлардан бири сўз билан иш бирлигидир. Жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш масаласида ҳам Президент шахсиятининг шу қирраси яна бир марта намоён бўлди. 16 феврал воқеаларининг ташкилотчилари йўлига, ақлдапарастлик деб аталган жаҳолат йўлига билиб-билмай ўтиб қолган ёшларга нисбатан қонуннинг бутун кучини ишлатиб жазо чоралари кўриш мумкин эди. Лекин шу ўринда ҳам И. Каримов бағрикенглик кўрсатиб, ўз хатоларини тан олганлар авф этилишини эълон қилди. Президентга суиқасд қилганларнинг тарафдорларига нисбатан Президентнинг ўзи томонидан бундай олийжаноблик қилиниши бир томондан И. Каримовнинг инсонпарварлигини кўрсатади, иккинчи томондан унинг қанчалик адолатпарварлигига ёрқин мисол эди. Шу ўринда зўрликка, ёмонликка нисбатан бағрикенглик қилиб яхшилик билан жавоб қайтариш адолатнинг олий намунаси бўлди.

Адолатнинг асосий жиҳатлари, унинг маънавият ва халқ манфаатлари билан уйғунлигини ҳисобга олиб И. Каримов жамиятнинг асосий мақсади адолатли жамият қуриш эканини қуйидагича баён қилган эди: «Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — халқимиз манфаатларини ўйлайдиган, унга

фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпо этишдир» (7, 250—251).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муҳим назарий аҳамиятга молик бўлган адолат тушунчаси И. Каримов асарларида фақат фалсафий жиҳатдан асосланмасдан, унинг амалиётдаги ўрни, аҳамияти, уни ҳаётга тадбиқ қилиш йўллари ҳам кўрсатиб берилди. Президент олиб бораётган сиёсатнинг кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланиши, 2000 йилда ўтказилган Президентлик сайловларида сайловчиларнинг асосий кўпчилиги унга овоз беришининг сабаби, кўп жиҳатдан, ҳам назарияда, ҳам амалиётда ижтимоий адолат тамойилларини бойитиш ва уларга огишмай амал қилганидандир.

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

И. А. Каримов асарларида янги ижтимоий-фалсафий тизим асослари яратилиши жамият ҳаётига, унинг тузилиши ва ривожланишига янгича қараш имконини берди. Бошқа фалсафий оқимлар етарли эътибор бермаган улкан куч — маънавий жамиятнинг тадрижий тараққиётини таъминловчи қудратли омил экани кашф қилиниши жамият онгида катта асорат қолдирган Маркс ва Ленин фалсафаси қолипларидан қутилиш йўлини кўрсатди.

Жамиятимизда бу таълимотларга танқидий муносабат билдириб келинаётган бўлса ҳам, унинг стереотипларидан қутилиш имконияти бўлмаётган эди. Чунки ҳар қандай тизимни танқид ёки инкор қилиш бошқа бир тизим нуқтаи назаридан амалга оширилади. Марксизмни танқид қилаётган файласуф, сиёсатшунос ва умуман, жамиятшуносларнинг ҳаракати ботқоққа бўғзиғича ботиб қолган одам ўзини-ўзи сочидан тортиб тепага чиқаришга уринишини эслатарди. Ботқоқдан чиқиш учун таянч нуқтаси керак. Жамиятшунослар учун ўшандай таянч нуқтаси йўқ эди. Тўғрироғи, бундай таянч яратилаётган эди, лекин марксизм асоратлари уни англаб олишга ҳалақит бераётган эди. И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Маънавий юксалиш йўлида», «Баркамол авлод орзуси», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобларида ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳодисаларидан бўлган демок-

ратияни талқин қилишга янгича ёндошув амалга оширилди ва унинг шу кунгача олимлар эътиборидан четда қолиб келаётган хусусиятлари очиб берилди.

Демократия муаммосини ёритишда И. Каримов ёндошувидаги янги жиҳат шундаки, унинг нутқ ва мақола-ларида, номлари юқорида санаб ўтилган асарларида шу кунгача ҳақон сиёсатшунослари ва сиёсатдонлари ил-гай олмаган янги жиҳат кўрсатиб берилди.

Сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик илмларида демократия «тенглик ва эркинликка асосланган, халқни ҳокимиятнинг ягона манбаи деб тан олувчи давлат ва жамият сиёсий тузилишининг шакли», деб қараб келинади. Бу таърифнинг нотўғри жойи йўқ, лекин унинг камчилиги шундаки, у тўла эмас, чала.

И. Каримов асарларида демократиянинг юқоридаги таърифда келтирилгандан ташқари яна бир муҳим жиҳати — унинг маънавият билан боғлиқ экани, унинг ривожини маънавият ривожига мутаносиб равишда бўлиши кўрсатиб берилади. «Ҳақиқатан ҳам демократия, — деб ёзади И. Каримов, — назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир» (10, 160).

Собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин унинг ўрнида пайдо бўлган давлатлар ривожининг дастлабки даврига назар ташласак, демократия тўғрисида жуда кўп гапирилгани кўзга ташланади. Лекин уни ҳаётга тадбиқ қилиш учун зарур шартлар тўғрисида, деярли, ҳеч нарса дейилмайди. Бу эса демократия тўғрисида оғиз кўпиртириб гапираётган давлат арбоблари дейсизми, сиёсий гуруҳ ва партияларнинг етакчилари дейсизми, демократияни ҳақиқатан ҳаётга киритиш тўғрисида эмас, кўпроқ фуқаролар, сайловчилар олдида ўзини демократ қилиб кўрсатиш, сохта обрў орттириш учун қайғурганларини кўрсатади. Шу ҳолатни таҳлил қилар экан, И. Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида шундай дейди: «...кўпчилик эски тузумни рад этиб, эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишнинг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлади» (11, 372).

И. Каримовнинг назарий ва амалий фаолияти учун эса демократия тўғрисида ҳар жойларда гапиравериш мутлақо ёт. Чунки у тоталитар тузум ўрнида вужудга

келган давлатлар ҳаётини демократлаштириш бир неча ҳафта ёки ой эмас, узоқ муддат талаб қиладиган мураккаб жараён эканини яхши англайди. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида 1996 йил 29 август куни сўзлаган нутқида «демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак», — деган эди (7, 260).

Шўролар даврида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига диалектик ва тарихий материализм ўқитилар экан, бу фанлар дастурида демократия тушунчасига ўриқ ажратилмаган эди.

Ўша даврда барча талабаларга ўқитилган илмий коммунизм назарияси деб аталган фанда демократия эмас, пролетариат диктатураси тўғрисида ваъз айтилар эди. Бунга кўра, пролетариат диктатураси демократиянинг энг олий шакли, гултожи эди. Бу фан ўқитувчилари шу даражада устаси фаранг бўлиб кетган эдиларки, улар нафақат талаба ёшларни, балки партия ўқуви деб аталган тизимда шуғулланувчи катта ёшлиларни ҳам, демократиядан диктатура афзал эканига ишонтира олган эдилар. Бу диктатуранинг нақадар зўр «демократия» экани 30—40-йилларда ва 50-йиллар бошида яққол намоён бўлди. Ўшанда шу «демократиянинг» зўрлиги туфайли ўн миллионлаб одамнинг ёстиги қуриган эди. Ўшандай мудҳиш ҳодисани демократиянинг олий шакли дейишга файласуф ва жамиятшуносларнинг тили борган эди.

Демократия буржуазияга хос бёманилик эканига одамлар ишонтирилгач, у ҳақда дарслик ва рисолаларда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Шунинг учун шўролар даврида бу тушунча фалсафа курсидан қувиб чиқарилди. Мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш қадам-бақадам амалга оширилар экан, демократия масаласи биринчи даражали аҳамият касб этди. Шунинг учун бу тушунчани назарий-фалсафий талқин қилиш зарурияти туғилди. Ижтимоий тараққиёт кун тартибига қўйган бу улкан фалсафий муаммо И. Каримов томонидан батафсил ва чуқур ишлаб чиқилди.

И. Каримов асарларида жамият тараққиёти негизда маънавият ётиши асослаб берилар экан, демократия масаласига худди шу нуқтаи назардан ёндошилади. Яъни демократиянинг фалсафа ва сиёсатшуносликда мутлақо ишланмаган янги қирраси очилади ва у қирранинг де-

мократия моҳияти билан нақадар узвийлиги таҳлил қилинади.

Демократия ва маънавият тушунчалари боғлиқлиги тўғрисида гап борар экан, улар ўртасидаги муносабат жуда мураккаб эканини назарда тутиш керак. Бу мураккаблик, жумладан, шунда кўринадики, маънавият демократия йўқ жойда ҳам ривожланиши мумкин. Тарих бундан кўп марта гувоҳлик берган. Зулм авж олган, эркинлик бўғилган пайтларда ҳам маънавият ривожланган. Масалан, демократиянинг бешикларидан бири ҳисобланадиган Қадимги Римда ҳам Нерон, Калигула сингари тиранлар даврида демократия бўғилди, бошқарувдаги демократик тамойилларга барҳам берилди. Лекин ўша зolim хукмдорлар даврида ҳам демократия тугатилгани билан маънавият тугатилмади. Демократия мутлақо тугатилиб, тирания ҳар қанча авж олган даврда ҳам маънавият тугамайди. Чунки маънавиятни мутлақо тугатиш учун жамиятнинг ўзини тугатиш керак. Лекин келтирилган мисоллардан маънавият ривожланиши учун демократия мутлақо керак эмас, деган хулоса ҳам чиқмаслиги лозим. Чунки демократиянинг ривожланиши ва демократик тузум маънавиятнинг барқ уриб ривожланиши учун катта имконият яратади.

Бу муносабатнинг иккинчи томони шундаки, маънавият демократиясиз ҳам яшаши, маълум даражада ривожланиши ҳам мумкин бўлса, демократия маънавиятсиз ривожланиш у ёқда турсин, яшай олмайди ҳам.

Ҳозирги давр сиёсатшунослигида демократиянинг бир неча назарий моделлари яратилган. Булар сирасига плюралистик моделни, утилитар моделни, Шумпетер ва Даунснинг иқтисодий субмоделлини, Арон ва Беллинг технократик моделлини, Алмонд-Вербнинг консенсусли демократия моделлини ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг аксариятида демократия тўла ва кенг қамровли бўлиши учун у маънавиятга асосланиши лозимлиги, умуман, тилга олинмаса, баъзиларида йўл-йўлакай демократик тузум ўрнатиш учун муайян маданият бўлиши лозимлиги эсга олинади. Лекин бу назарияларнинг муаллифлари маданият деганда, асосан, сиёсий маданиятни тушунадилар ва маънавият демократиянинг муҳим шарти экани ҳақида махсус тўхталмайдилар.

Сиёсий амалиёт таҳлили эса, сиёсатдонлар маънавиятга сиёсатшунослардан ҳам камроқ эътибор берганларини кўрсатади.

Айтилгандай, демократия муайян ва маданий кенгликда намоён бўлади. Яъни унга, аввало, иқтисодий замин керак. Иқтисодиёт ва демократия муносабатларининг муҳим жиҳатларидан бири улардан қайси бири иккинчисига асос эканини аниқлаш, яъни «Демократия иқтисодиёт ривожини учун асос яратадими ёки иқтисодиёт ривожини демократия галабасини учун замин тайёрлайдими?» — деган саволларга жавоб топишдир. Бу саволга «Иқтисодий ўсиш демократия учун пойдевор тайёрлайди», деб жавоб бериш ҳақиқатга яқин бўлади. Буни фақат назарий мулоҳазалар эмас, амалий тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда. 90-йилларнинг ўрталарида бир қатор халқаро ноҳукумат ташкилотлари жаҳондаги энг бой мамлакатлардан 30 тасини ўрганганларида, улардан 28 тасида демократик бошқарув ва тартиботлар мавжудлиги маълум бўлди. Шу мамлакатлар тарихига мурожаат эса, иқтисодий ўсиш демократик тамойиллар тадбиқ қилинишидан илгарироқ юрганини кўрсатди. Шу мисол ҳам иқтисодий ўсиш ва барқарорлик демократия учун замин тайёрлашини кўрсатади. Демократия ўз-ўзидан ва ҳар қандай шароитда ҳам қарор топавермайди. Унинг рўёбга чиқиши учун тегишли иқтисодий, ахлоқий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитлар зарур.

Демократик тамойиллар жорий қилиниши учун шу мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлиши зарурлиги ҳозирги кунда сиёсатчи ва сиёсатшунослардан ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Лекин бундан иқтисодиётнинг ўсиши ёки пасайиши ўз-ўзидан демократиянинг ҳам ўсиши ёки пасайишига олиб келади, деган хулоса чиқмаслиги лозим.

Демократия ва иқтисод ўртасидаги алоқадорлик, аввало, шунга боғлиқки, демократик жамиятда фуқаролар моддий бойликлар ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлаш устидан назорат ўрнатадилар. Бу ҳолат иқтисодий ривожланиш учун қулай шароит яратади. Иқтисодий ривожланиш эса, ўз навбатида, демократия қарор топишига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин, барибир, аҳолининг турмуш даражаси ёки иқтисоднинг гуркираб ўсиши демократик тартиботнинг бош ёки ягона шarti, дейиш нотўғри бўлади.

МДҲга аъзо баъзи мамлакатлар демократия муайян даражада ривожланган иқтисодий макондагина тадбиқ қилиниши мумкинлигини унутиб қўйганликлари туфайли демократия шахс эркинлигини намойиши эмас,

ур-йиқит ва шаллақилик тимсолига айланиб қолди. Чунки ўша мамлакатларда иқтисодий таназзул ботқоғига ботиб кетилаётгани унутилиб, сиёсий ислохотларга зўр берилди, демократия жараёнини сунъий тезлатишга уринилди. Ботқоққа ботиб кетаётган одамга эса энг олий навли демократия ҳам керак эмас. Унга демократияни рўпара қилиш биринчи галдаги вазифа эмас, аввало, унинг қўлидан тортиб ботқоқдан чиқариш керак.

Иккинчи томондан, зикр этилган мамлакатларда иқтисодий асос унутилгани туфайли на ҳақиқий демократия ўрнатилди, на иқтисодиёт ўнгланди.

Масаланинг яна бир томони ҳақида юқорида гапирилди. Демократия, агар у ҳақиқий демократия бўлса, иқтисодий асосдан ташқари чуқур маънавий илдиизга ҳам эга бўлиши керак. Агар маънавий илдиизга эга бўлма-са, у том маънодаги демократия бўла олмайди ҳам.

Тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш мураккаб жараён бўлиб, муайян даврни ва саъй-ҳаракат қилишни талаб этади. Демократик жамиятга ўтиш даври иқтисодий, маънавий ва сиёсий ислохотларнинг суръати, миқёси ва даражасига мутаносиб равишда турли мамлакатларда турлича кечиши мумкин. Ўтиш даврining муқаррарлиги бирорта ҳам жиддий сиёсатшунос ёки сиёсатчи томонидан инкор қилинмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, МДХга аъзо мамлакатларнинг баъзилари ўзларини ўзлари ёки дўстлари томонидан «тоталитаризм ва авторитаризм денгизидаги демократия ороли» деб аташлари унча жиддий гап эмас. Чунки тоталитар Иттифоқ қулагандан кейин ўтган 7—8 йил ичида ўша «демократия ороллари»да иқтисодиёт ё ўрнида депсиниб турибди, ёки орқага қараб кетди. Маънавият соҳасида эса ўша «ороллар»нинг бирортасида жиддий иш қилингани йўқ. Сиёсат соҳасида ҳам кўпинча мақтанчоқликдан нарига ўтилмаяпти. Ушандай «демократия ороллари»нинг энг зўрларидан бирида 90-йилларнинг охирида иқтисодий кўрсаткичлар 80-йилларнинг охиридагидан анча паст экани кўпчилик иқтисодчилар томонидан таъкидланмоқда. Маънавиятнинг чуқур инқироз ҳолатида экани барча газета ва журналларда, радио ва телевидениеда қайта-қайта такрорланиб турибди. Сиёсий эркинлаштириш соҳасидаги тadbирларни эса таниқли рус сиёсатшуносларининг ўзлари ҳам тоталитаризмдан демократияга ўтиш жараёни эмас, тоталитаризмнинг чириш жараёни, деб баҳолашмоқда (13, 307). Демак, уларнинг фикрича, демократия оролининг

барпо этилиши у ёқда турсин, ҳали демократик жамиятга ўтишнинг ўзи ҳам бошлангани йўқ.

Демократик тузум ўрнатишнинг муҳим шартларидан бири аҳоли орасида муайян сиёсий анъаналарнинг мавжудлиги, мабодо, бундай анъаналар бўлмаса, уларни шакллантириш зарурлигидир. Собиқ Иттифоқ аҳолиси бундай анъаналарга эга эмасди. Мавжуд анъаналар эса сиёсий тузум ва раҳбарлар шаънига мадҳия айтиш, хушомад қилишдан нарига ўтмасди. Бундай шароитда демократик тамойилларни ҳаётга зудлик билан тадбиқ қилишга уриниш сиёсий гўллик белгиси, ёки сиёсий майнавозчиликдан бошқа нарса эмасди.

МДХ худудида, жумладан, Ўзбекистонда етарли сиёсий анъаналарнинг мавжуд эмаслиги, бунинг устига Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг улғайиши жуда секин юз бераётгани демократлаштириш жараёнини яна ҳам мураккаблаштиради. Бундай шароитда Президент И. Каримов ягона тўғри сиёсий ечим топа билди ва у давлатни бош ислоҳотчи, деб эълон қилди. Бу ечимнинг нақадар тўғри эканини давр кўрсатди. Ўзбекистонда давлат ислоҳотларни ўтказишга бошчилик қилар экан, демократик жамиятга ўтиш учун зарур бўлган ҳар учала энг муҳим шартни амалга ошира борди: ўтган давр ичида иқтисодий инқироз тўхтатилиб, бу соҳада ўсиш бошланди, маънавиятни ривожлантиришга улкан аҳамият берилди ва берилмоқда; аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида турибди. Бу омилларни янада ривожлантириш эса демократик ислоҳотларни муттасил чуқурлаштириб бориш имконини беради.

Сиёсатшуносликка оид адабиётларда маънавиятнинг демократлаштириш жараёнидаги роли кўпчилик томонидан эътироф этилмаса-да, инкор ҳам қилинмайди. Лекин сиёсий амалиёт бу жараёнда маънавиятнинг ўрни катта эканини кўрсатади. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Германияда ўтказилган ислоҳотларни демократлаштириш қанчалик тез ўтказилиши мумкинлигига мисол қилиб келтиришади. Ҳақиқатан ҳам, бу ерда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар нисбатан қисқа муддатларда ўтказилди. Бунинг сабаблари шундаки, иқтисодий жиҳатдан Германияни четдан қўллаб-қувватлашган бўлса, яъни Маршалл плани амалга оширилган бўлса, сиёсий жиҳатдан немис халқи бой анъаналарга ва юқори фаолликка эга эди. Маънавий жиҳатдан эса немислар энг юксак маънавиятга эга бўлган

халқлардан бири экани ҳеч ким томонидан инкор қилинмайди. Шу ўринда Германияда ўтказилган демократлаштириш жараёнини Ўзбекистондаги ислоҳотлар билан қиёсланса, қуйидаги ҳолат кўзга ташланади. Иқтисодий соҳадаги ислоҳот Германияда, асосан, чет эл ёрдамида ўтказилган бўлса, Ўзбекистон эса, асосан, ўз имкониятларига таяниб иқтисодий таназзулдан чиқа бошлади. Маънавият соҳасида эса ўзбекларнинг маънавий мероси немисларникидан ҳеч кам эмас. Лекин, гап шундаки, рус чоризми, кейинчалик шўро тоталитаризми даврида ўзбек халқи ўзининг бой маънавий меросидан узиб қўйилган эди. Гапнинг очигини айтганда, оддий фуқаролар у ёқда турсин, ижодкор зиёлилар, адабиёт ва фалсафа бўйича мутахассислар орасида ҳам мумтоз адабиёт намуналарини, масалан, Навоий ғазалларини ўқиб бемалол магзини чақиб бера оладиганлари жуда кам қолган эди. Шунинг учун, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, бир томондан, халқни ўз маънавий меросига яқинлаштирса, иккинчи томондан, демократик ислоҳотларни кенгайтириш учун мустаҳкам асос тайёрлади.

Халқимизнинг ниҳоятда бой маънавий меросга эга эканини ҳеч ким инкор қила олмайди. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Алишер Навоий ва яна ўнлаб, юзлаб алломаларимиз ўтганки, уларнинг ҳар бири бошқа ҳар қандай халқ учун ғурур тимсоли бўлиши мумкин. Лекин, ҳамма гап шундаки, ўша аждодларимиз яратган улкан меросни биз қай даражада эгаллаганмиз? Бу бойлик бизнинг онгимизга қай даражада сингган? Шу саволларга бериладиган жавоб қанчалик ижобий бўлса, демократия ривожини учун шунчалик қулай шароит мавжуд бўлади.

Қорни оч одамга демократия кам фойда келтирса, маънавияти паст одамларга демократия бериш ур-йиқит ва ижтимоий силкинишларга сабаб бўлиши мумкин. Буни яқин ва узоқроқдаги кўшнилар мисолида кўриш мумкин.

Демократиянинг маънавият билан боғлиқлиги яна шунда кўринадикки, уни ҳар бир шахс ва гуруҳ ўз ақлий қобилиятлари, манфаатлари ва маънавиятига мос равишда тушунади. Демократияни оғизга келганни айтиш эркинлигидан тортиб то ур-йиқит эркинлигигача деб

тушунадиганларнинг тасаввури ортида уларнинг тор манфаати ва саъз маънавияти бор. Демократиянинг маънавиятга таяниши, агар шу таянч бўш ва қинғир бўлса фақат демократияга эмас, бутун жамиятга катта зарар келтириши мумкинлигини бир қатор мамлакатлар тажрибаси ҳам кўрсатди. Диний ақидапарастлик аҳоли орасида кенг тарқалган мамлакатларда демократик сайловлар ўтказилиши ҳокимият тепасига ақидапарастларни олиб келди. Кейинчалик уларни жиловлашга уриниш эса ўн минглаб бегуноҳ одамларнинг қатл қилиниши, қони тўкилишига сабаб бўлди. Масалан, 90-йилларнинг ўрталарида Жазоирда худди шундай ҳодиса юз берди.

Демократия моҳиятини тушунишда юз берадиган қизиқ бир ҳол яна шундаки, маънавияти тубан шахс ёки гуруҳ демократияга эришганда, кўпинча, фақат жамият эмас, ҳатто ўз манфаатларига ҳам зид иш қила бошлайди. Чунки у жамият манфаати у ёқда турсин, ўз манфаатини ҳам тўла англаб ололмайди.

80-йилларнинг охирларида қайта қуриш бошланиши билан демократик ислохотлар ўтказишга киришилди. Ана ўша ислохотлар йўналиши ва моҳияти фуқаролар ва ўша давр раҳбарлари маънавияти доирасида тушунилди. Демократик ўзгаришларни сиёсий ҳаётга эмас, аввало, хўжалик ҳаётига тадбиқ қила бошланди. Завод-фабрика директорлари, цех ва бригада бошлиқлари, магазин мудири, университет ва техникумларнинг ректор ва директорлари сайлаб қўйила бошланди. Холбуки, демократия энг ривожланган деб ҳисобланувчи Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Олмония сингари мамлакатларнинг бирортасида на завод директорлари, на фабрика директорлари, на цех, на бригада бошлиғи сайлаб қўйилади, улар тайинланади.

Собиқ Иттифоқдаги завод-фабрикаларда, ўқув yurtларида гуруҳбозликлар бошланди. Жамият ва ундаги ташкилотлар бир-бирига зид томонларга бўлиниб кета бошлади. Бундан ташқари, кўп корхоналарда бўшашган ва лапашанг одамларни директорлик лавозимига сайлаб олишди. Чунки Андропов давридаги «гайка бураш»лардан безган ишчилар интизомни талаб қиладиган қаттиққўл, аммо ишбилармон раҳбардан кўра интизом билан иши йўқ, планни бажарган-бажармаганини суриштирмайдиган раҳбарни, гарчи у унчалик тадбиркор бўлмаса ҳам, афзал кўради. Мана шу ҳол ҳам демократиянинг инсонлар маънавиятига қай даражада боғлиқлигини кўрсатади.

Қайд этилган ҳолатлар сабабли қайта қуриш даври демократияси қутилган натижаларни бермади. У зўрға нафас олаётган иқтисодий механизмни бутунлай издан чиқариб юборди.

Мактаблар ва ўқув юртларида онасининг бағридан эндигина чиққан йигитча ва қизчалар педагоглардан қайси бири ёки профессор ва академиклардан қайсиниси ректорликка ёки директорликка мақбул эканини ўзларича аниқлаб, уларни сайлаб ола бошлашди. Сайловлар бу ерда ҳам албатта билимдон, аммо қаттиққўл, талабчан ўқитувчилар ва олимлар фойдасига бўлмади. Кўпинча, билим даражаси паст, аммо талабчан бўлмаган кишилар раҳбарлик лавозимига сайланди. Натижада жаҳон андозалари уёқда турсин, маҳаллий завод-фабрикаларнинг талабига ҳам жавоб бера олмайдиган битирувчиларнинг билим савияси аввалгидан ҳам пасайиб кетди.

Демократиянинг маънавият билан боғлиқлиги яна шундаки, унинг ўзи ҳам тарихан маънавият маҳсулидир. Чунки у ҳақдаги тасаввурлар маънавият тараққиётининг маълум босқичида вужудга келади. Давлат тузилишининг дастлабки демократик шакллари Қадимги Юнонистонда вужудга келгани тасодифий эмас. Чунки айнан шу мамлакатда маънавият ўзининг юқори чўққиларига кўтарилди. Худди шу давр, яъни маънавият юксакликка кўтарилган пайтда давлат тузилишида демократик тамойиллар курта ёза бошлади. Қадимги Юнонистонда маънавиятнинг инқирозга юз тутиши эса демократиянинг ҳам инқирозини бошлаб берди.

Демократия ва маънавиятни бир-бири билан боғлиқ равишда таҳлил қилиш И. Каримовнинг фақат нутқ ва мақолалари, асарлари учунгина хос бўлмай, амалий фаолиятининг ҳам муҳим жиҳатидир. 1996 йилда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини янада ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган қарорда жумладан, шундай дейилади: «Маънавий-маърифий ишларга эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир». (И. Каримов, Маънавий юксалиш йўлида, 328-бет).

Демократиянинг яна бир муҳим белгиси шундаки, у маънавиятнинг маҳсулигина эмас, таркибий қисми ҳамдир. Чунки унинг ўзи ҳам шахс ва жамият тасаввури сифатида шу жамият маънавиятини ифодалайди. Шу

ҳолатдан муҳим бир қоида келиб чиқади. Маънавияти юксак мамлакатда демократия ривожланишига замин мавжуд. Маънавий тушкун мамлакатда эса демократия кенг қулоч ёза олмайди. Мабодо зўрма-зўраки тадбиқ этилган тақдирда ҳам, у шахс ва жамият тараққиётига эмас, таназуулига хизмат қилади. Буни ён-веримиздаги мамлакатлар мисолида кўrsa бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, И. Каримов асарларида маънавият демократлаштириш жараёнининг ягона шarti, деб қаралмайди, балки демократия чуқур маънавиятга асослангандагина ҳақиқий демократия бўла олиши мумкинлиги кўрсатилади. Шунинг учун ҳам И. Қаримов ислоҳотларга бошчилик қилаётган мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши, жамиятни демократиялаштириш маънавий тараққиёт билан боғлиқ ва мутаносиб тарзда олиб борилмоқда. Мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш бўйича кенг миқёсда олиб борилаётган тадбирлар аynи пайтда демократияни янада кенгайтириш сари ҳам қўйилган қадамдир.

ИНСОН ВА МАЪНАВИЯТ

Жаҳондаги машҳур ва унчалик машҳур бўлмаган фалсафий тизимларнинг деярли барчаси марказида инсон муаммоси туради. Фақатгина марксизм бу муаммони бир четга суриб, фалсафанинг бош масаласи руҳнинг борлиққа, онгнинг моддага бўлган муносабати, деб эълон қилганди. Назарияда инсонга иккинчи даражали нарса деб қараш амалиётда ўзининг меваларини берди. Маркс ва Ленин таълимотлари асосида дунёга келган собиқ Совет Иттифоқида инсон қадрлари сариқ чақалик ҳам бўлмади. Айниқса, 30-, 40- йилларда минглаб, миллионлаб инсонлар қурт-қумурсқалардай қириб ташланди. 50-йиллар ва ундан кейинги даврларда одамлар бунчалик кунпаякун қилинмаган бўлсалар ҳам, аслида уларга ҳурмат кўзи билан қаралмади. Социалистик тузум ҳеч қачон инсонларга хизмат қилмади, инсонлар социалистик тузумга хизмат қилдилар.

Инсон муаммосига нафақат дунёвий, балки диний фалсафада ҳам катта ўрин ажратилган. Жумладан, ислом фалсафасида инсоннинг моҳиятини билиш марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Қуръони Каримнинг

ал-Исро сурасида инсоннинг барча мавжудотлар ўрта-сида тутган ўрни тўғрисида шундай дейилади: «Дарҳақиқат, Биз одам болаларини азиз-мукаррам қилдик... ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик». Пайғамбар ҳадисларидан бирида эса «Раббингни танимоқчи бўлсанг, ўзингни тани», дейилган. Демак, инсон ўзини ўзи яхшироқ таниши, ўз моҳияти ва оламдаги ўрни, мавқеини англаши, билиши Тангрини билишнинг зарур таркибий қисмидир. Бу ақида ислом фалсафасидаги инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги таълимотга тўла мос келади. Унда айтилишича, азалий мавжуд бўлган Ақли аввал (Тангри) ақли мавҳум (инсон)ни яратган. Ақли мавҳумда эса Ақли аввалнинг сифатлари инъикос этган. Демак, Ақли мавҳум (одам)ни билиш Ақли аввални билишнинг муҳим шартидир.

Форобий томонидан асосланган қараш. яъни оламни оламнинг гавҳари, деб билиш тасаввуф фалсафасига ҳам катта таъсир ўтказди. Тасаввуфни тадқиқ қилган мутахассис олимлар, жумладан, Е. Э. Бертельс, тасаввуф юнон фалсафаси таъсирида шаклланди, деб ёзган эди. Аслида эса тасаввуфга ва умуман ислом фалсафасига юнонларнинг эмас, Форобийнинг таъсири кучли бўлган. Чунки юнон файласуфларининг қатор асарларига Форобий шарҳлар ёзган ва бу шарҳларни араб тилида chop этган эди. Шунинг учун, айтиш мумкинки, ислом маънавиятига юнонлар ўтказган таъсир Форобий асарлари орқали амалга ошган. Форобийга «муалими соний» унвони ҳам ислом файласуфлари томонидан берилган эди. Ислом фалсафасидаги марказий муаммо — инсон муаммосини талқин қилиш ҳам Форобий таклиф қилган йўсинда давом эттирилди. Масалан, тасаввуфнинг йирик намояндаларидан бири Азизиддин Насафий шундай ёзади: «Билгилки, (ҳар икки оламда Аллоҳ сени хайру баракоти билан сарбаланд этсин), инсоннинг боши бир жавоҳирдир, инсонда мавжуд жами нарсалар, шу бир жавҳарда мавжуд бўлган эди ва ҳар бири ўз вақтида зуҳур этди» (14, 141). Бошқа бир ўринда Насафий шундай ёзади: «Тангри-таоло инсонни ўз тимсолидан андоза олиб яратди» (15, 50). Форобий фалсафасининг таъсири бошқа йирик мутасаввуфлар асарларида ҳам аниқ сезилиб туради.

Одамнинг моҳиятини билиш қадим замонлардан бошлаб фалсафанинг асосий мақсадлари сирасига кирган. Мазкур масаланинг қадимийлиги мутлақо унинг

эскириб қолганини англатмайди. Ҳар бир давр, ҳар бир фалсафий оқим бу доимий муаммонинг янги-янги қир-раларини кашф қилишга интилади.

Одамнинг жисмоний тузилиши барча тирик мавжудотлардаги сингари жуда мураккаб. Шунинг учун уни анатомия, физиология, биология, генетика сингари қатор фанлар ўрганади. Лекин одам, бошқа тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ, фақат табиий эмас, балки тарихий, ижтимоий мавжудот ҳамдир. Унинг ижтимоий сифатлари билан фалсафа, тарих, эстетика, ахлоқ, психология, иқтисод, герменевтика, эвристика каби фанлар шуғулланади.

Санаб ўтилган ва бошқа бир қатор фанлар одамни турли томондан ўрганади ва унинг турли сифатларини аниқлайди, лекин одамни бир бутунлик сифатида ўрганадиган алоҳида фан йўқ. Одам тўғрисида табиий ва ижтимоий фанларда мавжуд маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш, яхлит назария яратиш вазифасини фалсафа фани бажаради.

Илмий муаммоларни ўрганиш, даставвал, шу борада қўлланиладиган атамаларнинг маъноси ва қўламини аниқ белгилаб олишни тақозо қилади. Ўзбек тилида «одам» тушунчасига маънодош бўлган «шахс», «инсон» тушунчалари ҳам мавжуддир. «Шахс» тушунчаси фақатгина ижтимоийликни англаиб, фалсафада мустақил категория сифатида қўлланилади. «Инсон» тушунчаси эса «одам» тушунчасига жуда яқин бўлиб, ижобий ахлоқий сифатларни жамлаган одамларга нисбатан кўпроқ қўлланилади ва шунинг учун ахлоқийликка мойилдир.

Одамнинг моҳиятини ўрганиш, аввало, унинг бошқа турдаги жонзодлардан фарқланувчи белгиларини аниқлашни тақозо қилади. Одамни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган белгилар жуда кўп. Булар ички ва ташқи, жисмоний, ҳулқий ва бошқа тафовутлар бўлиб, уларнинг барчасини санаб чиқишнинг ўзи анча вақт талаб қилади. Лекин ана шу тафовутлар силсиласида шундайлари ҳам борки, улар тирик мавжудотлар ва одамнинг моҳиятини белгилаб беради.

Кўп файласуфлар одам билан ҳайвонларни ажратиб турадиган фарқ бу — одамда онгнинг мавжудлиги, деб тушунтирадилар. Бундай ёндошишда, шубҳасиз, одам билан ҳайвонлар ўртасидаги энг асосий фарқлардан бири акс эттирилган. Лекин фақатгина шу тафовутни тан олиб, бошқаларини инкор қилиш масалани тўла-роқ англаб олишга халақит беради.

Одамни ҳайвондан ажратиб турадиган энг асосий тафовутлардан бири хулқдир. Бу фарқ юқорида кўрса-тиб ўтилган тафовут — онгнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ. Одам хулқи онг ёрдамида бошқарилади, лекин унинг шаклланишида табиий омиллар, инстинктлар, биологик эҳтиёжлар ролини мутлақо инкор қилиш ҳақиқатдан кўз юмиш бўлур эди.

Ҳайвонлар хулқини уларнинг қайси турга мансублиги белгилайди. Бир турга мансуб индивидлар хулқида фарқлар, одатда, жуда кам бўлади. Ҳайвонлар хулқи, асосан, ирсият ёрдамида белгиланади.

Одамлар хулқи эса турга мансублик билан белгиланмайди. Ер юзиде бир неча миллиард одам яшайди. Уларнинг барчаси бир турга мансуб бўлса ҳам, хулқи бири-биридан кескин фарқ қилади. Ҳайвонлар хулқи турга бўлса, одамлар хулқи жамиятда шаклланидиган хулқдир. Ҳайвонлар хулқи ирсий коллар ёрдамида авлоддан-авлодга ўтса, одамлар хулқи жамиятда тил, тарбия, ибрат ва маънавият ёрдамида шаклланади.

Жамиятда ҳам хулқ нормалари авлоддан-авлодга ўтади. Хулқ нормаларининг бундай ворисийлиги маънавият таркибига киради. Маънавият фақатгина жамиятга хос бўлиб, хулқнинг шаклланишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Маънавият ҳар бир одам хулқи ва фаолиятида намоён бўлиш билан бирга, турли типдаги жамиятларда турли хусусиятларга эга бўлади. Жамият эса муайян қонунларга бўйсунадиган мураккаб организмдир. У одамларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Индивидларнинг оддий йиғиндисини жамият, деб аташ мумкин бўлганда, арилар, асаларилар, чумолилар ва бошқа бир қатор ҳайвонларнинг ҳам ўз жамиятлари борлигини тан олиш керак бўларди, чунки улар ҳам йиғилиб, жамланиб яшашади. Ҳайвонлар йиғиндиси пода, тўда, гала бўлиши мумкин, лекин жамият бўла олмайди. Бундай пода ва галаларда инстинктлар, жуда нари борса, «ижтимоий» инстинктлар ҳукмронлик қилади. Бундай пода ва галаларда маънавият тўғрисида, умуман, сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Кишилик жамияти махлуқлар тўдаси ва галасидан яна шуниси билан ҳам фарқ қиладики, у биологик бутунлик эмас. Ҳайвонлар галаси эса биологик бутунлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам галасидан ажраб қолган чумоли ёки оиласидан ажраган асаларига ҳар қанча шароит яратиб, озик-овқат билан таъминлаб ту-

рилса ҳам улар қисқа вақт ичида ҳалок бўладилар. Чу-моли ва асалари мансуб бўлган турлар уларнинг гала ва оилага бирикиб яшадини тақозо қилади. Биологик тур-нинг талабидан четга чиқиш эса ўша жонзоднинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Кишилик жамияти биологик тур ва унинг талаби натижасида эмас, умумий маданият ва маънавият асо-сида турмуш кечиради. Маънавият кишилик жамияти-ни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турадиган энг муҳим белгилардан биридир. Лекин маънавият ўзида жамият-нинг энг муҳим белгиларидан бирини акс эттирса ҳам, жамият қандай вужудга келди, деган саволга жавоб бермайди. Бу саволга жавоб бериш учун икки муҳим нарсага аниқлик киритиш керак: биринчидан, одамлар орасидаги биологик бўлмаган муносабатлар қачон ва қандай пайдо бўлган? Иккинчидан, қачондан бошлаб ва қай йўсинда одамлар ўзларини бошқа мавжудотлар-дан фарқлай бошладилар?

Бу саволларга турли фалсафий тизим вакиллари турлича жавоб берадилар. Марксизм асосчилари бу са-волларга «инсон — ижтимоий мавжудот», деб жавоб берган эдилар. Бу таъриф марксчи-ленинчилар томо-нидан инсонга фалсафа тарихидан берилган таъриф-ларнинг гултожи деб, кўкларга кўтарилиб мақталган эди. Аслида Марксгача ҳам инсонга берилган таъриф-лар, хусусан, «одам — ақлли мавжудот», «одам — ўз-ўзини англай оладиган мавжудот», «одам — эркин ва ахлоқли мавжудот» кабиларда ҳам инсоннинг ижти-моий мавжудот экани назарда тутилган. Лекин Маркс таърифининг камчилиги шундаки, оламда инсондан ташқари ҳам жамоа бўлиб яшайдиган мавжудотлар борлиги, уларга нисбатан ҳам «ижтимоий» сифатини қўллаш мумкинлиги ҳисобга олинмаган эди. «Ижти-моий» сўзи жамоа бўлиб яшовчи жонзодларга нисба-тан қўлланади. Борлиқда эса инсонлардан ташқари чумоли, асалари каби махлуқотларнинг кўплаб турла-ри борки, улар ҳам жамоа-жамоа бўлиб яшайдилар. Демак, уларга нисбатан ҳам ижтимоий мавжудот ата-масини қўллаш мумкин.

Маркс таърифидаги «ижтимоий» атамаси фақат ки-шилик жамиятига нисбатан қўлланган деб фараз қил-сак ҳам, барибир бу таърифнинг жуда мавҳумлигини эътироф этишга тўғри келади. Чунки бу сифат ҳар қанча муҳим бўлса ҳам, фақат бир белгини, яъни ин-сон жамиятга мансуб эканини билдиради холос. Шу

нуқтаи назардан бу таърифни «балиқ сувда яшайдиган махлуқ» деган таърифга қиёслаш мумкин. Бу таърифда ҳам балиқнинг муҳим бўлса ҳам фақат бир белгиси — унинг яшаш макони ифодаланган холос. Бу белги ҳар қанча муҳим бўлса ҳам балиқнинг моҳиятини тўла оча олмайди. Чунки сувда фақат балиқлар эмас, тошбақалар, бақалар, илонлар, турли куртлар, қисқичбақалар, ҳатто, ўсимликлар ҳам яшайди. «Одам — ижтимоий мавжудот», «Балиқ — сувда яшайдиган махлуқ» деган таърифларнинг ҳар иккисиди ҳам одам ва балиқнинг ички муҳим белгиси эмас; улар яшайдиган ташқи муҳитга алоқадор белги ифодаланган. Шунинг учун бу белгиларнинг ҳар иккисиди ҳам ўрганилаётган объектнинг энг муҳим жиҳати очиб берилган, деб бўлмайди.

Ижтимоийлик жуда умумий ва мавҳум сифат бўлгани сабабли инсон моҳияти тўғрисида аниқ тасаввур бера олмайди. И. Каримов асарларида эса инсон моҳиятининг энг муҳим белгиси очиқ-равшан ва лўнда қилиб кўрсатилади. Ҳали мустақиллик қўлга киритилмай туриб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти қилиб сайланган И. Каримов Олий Кенгашнинг 1990 йил 24 мартда ўтказилган сессиясида... «ёшлар халқ маънавиятининг ҳам маҳсули, ҳам келажаги» — деган эди (И. Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. 28-бет). Маркс фалсафасида инсон ижтимоий тараққиёт маҳсули, деган таърифда йўл қўйилган икки камчилик мавжуд эди. Яъни, биринчидан, мавҳум «ижтимоий тараққиёт» тушунчаси қўлланилиб масала равшанлаштирилиш ўрнига туманлаштирилган бўлса, иккинчидан, инсонни ижтимоий тараққиёт маҳсули, деб ижтимоий тараққиёт ва инсон боғланишлари бир томонлама кўрсатилган эди. Ижтимоий тараққиётнинг инсон фаолиятига нечоғлиқ боғлиқ экани бу таърифда кўрсатилмаган. И. Каримов таърифида эса ёшлар, демак, инсон фақат маънавиятнинг маҳсули сифатида эмас, балки унинг келажаги сифатида ҳам олиб қаралади. Ижтимоий ҳодиса бўлган маънавият инсонларни шакллантирса, иккинчи томондан, инсонлар ўша маънавиятнинг келажагини белгилайдилар. Маънавият жамиятни ҳаракатга келтирадиган, ривожлантирадиган куч-қудрат экани И. Каримовнинг 1992 йилда нашр этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида баён қилинган эди: «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир» (1, 81).

И. Каримовнинг инсон муаммосига ёндошувида Шарқ файласуфларининг, хусусан Абу Наср Форобийнинг инсон моҳиятини талқин қилиши ижодий ривожлантирилган. Форобий инсонни олами суғро, яъни кичик олам, деб, коинотни эса олами кубро, яъни катта олам, деб атаган эди. Форобийнинг инсон муаммосига ёндошувини тўла илғай олмаган баъзи фалсафа тарихчилари, уни Юнон фалсафаси, хусусан, Арасту фалсафасининг таржимони, деган эдилар. Бу баҳодаги ноаниқлик, аввало шундаки, Форобий Арасту асарларининг таржимони эмас, шарҳловчиси бўлган. У шарҳловчи сифатида ҳам шу қадар буюк рол ўйнаганки, бу нарса уйғониш даври Европа фалсафаси, фани, адабиёти ва санъатининг ривожига жуда катта туртки берган. Бу турткининг аҳамияти қанчалик катта бўлганини англаш учун Уйғониш даври тарихига бир назар ташлаш лозим.

Ўрта аср зулматидан қутула бошлаган Европада XV аср бошларида антик давр анъаналарига, антик фалсафа, антик адабиёт ва санъатга қизиқиш кучайди. Шу даврда қизиқ бир ҳол вужудга келди. Антик давр маданиятини қизиқиб ўргана бошлаган европаликлар ўша Европада яратилган фалсафий, илмий ва бадий асарларни унчалик тушунмасликлари аён бўлиб қолди. Чунки орадан X асрдан ортиқроқ вақт ўтган эди. Бу даврда эса антик анъаналар, маънавият илдиэлари унут бўлиб кетган эди. Нима қилишни билмай боши қотган европаликлар ўз аجدодларининг фалсафий ва илмий асарларини ўрганиш учун осиелик алломалар, хусусан, Абу Наср Форобий ижодига, асарларига мурожаат қилдилар. Чунки Форобий Арастунинг жуда кўп асарларига содда, тушунарли шарҳлар ёзган эди. Шарқда антик алломалар асарларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларга шарҳлар ёзиш Фарбдан 5—6 аср аввал, IX—X асрларда бошланган эди. Шарқдаги Уйғониш даврининг бошланиши худди шу пайтга тўғри келади. Шарқ Уйғониш даврининг Фарбдан анча олдин бошланиш сабаблари, ўтишидаги ўзига хосликлар алоҳида суҳбат мавзуи. Бу ўринда биз эътибор қаратмоқчи бўлган нарса шуки, Европадаги Уйғониш даврида юнонистонликлар ўзларининг ватандошлари — Арасту фалсафасини моваруннаҳрлик Форобий асарлари, унинг Арасту асарларига ёзган шарҳларини ўрганиш орқали билдилар. Форобий асарларида, ҳатто унинг Арасту асарларига махсус ёзган шарҳларида ҳам Арастунинг фикрлари айнан келтирил-

маган, балки улар бойитилиб, тўлатилиб кўп ўринларда тузатиб баён қилинган. Унинг шарҳлари, бойитиш ва тузатишлари ҳам алоҳида тадқиқот мавзуи. Бу ўринда биз европаликлар Аристотел фалсафасини унинг ўзи ёзган асарлардан эмас, кўпроқ Форобийнинг асарлари ва Арасту асарларига ёзган шарҳлари орқали ўрганганини таъкидламоқчимиз. Арастунинг Форобий томонидан шарҳланишини эса маълум маънода Форобий фалсафаси, дейиш мумкин. Иккинчидан, Арасту ва Форобий асарларида инсон моҳиятини талқин қилишдаги тафовутларга эътибор қаратмоқчимиз.

Арасту асарларида коинот макрокосм, одам эса микрокосм, деб юритилади. Форобий асарларида эса коинот олами кубро, инсон эса олами суғро, деб аталади. Сиртдан қараганда Форобий ишлатган атамалар Арасту атамаларининг оддий таржимасига ўхшайди. Аслида ундай эмас. Форобий атамалари макрокосм ва микрокосмнинг айнан таржимасидай кўринса ҳам, бу икки ҳодиса ўртасидаги муносабат Форобий томонидан янгича изоҳланади.

Арасту микрокосмда макрокосмнинг инъикос этишини тавсифлаган ва микрокосмнинг моҳияти ўша макрокосмнинг инъикоси эканидалигини баён қилган бўлса, Форобий бу алоқадорликка бошқача ёндошади. Форобий талқинида микрокосм, яъни олами суғро макрокосм, яъни олами кубронинг оддий инъикоси эмас, балки жавҳаридир. Инъикос билан жавҳар ўртасида эса катта тафовут бор. Форобий ёндошувида одам оламнинг магзи, гултожи, мақсади сифатида талқин қилинади. Арасту эса уни оддий инъикос, деб атаган эди. Маркс, кейинроқ эса Ленин инсонни ижтимоий муносабатларнинг инъикоси, йигиндиси, деганларида, ўзлари билибми-билмайми Арастуга тақлид қилган ва унинг инсонга ёндошувдаги хатосини такрорлаган эдилар. Шундай қилиб, Европада Уйғониш даври бошланишига катта туртки берган ҳодиса Форобий асарлари бўлди. Уйғониш даври маданияти ва маънавиятининг магзини ташкил қилган инсонпарварлик ғоялари эса Абу Наср Форобийнинг инсон тўғрисидаги таълимотига асосланган эди.

Инсоннинг Форобий томонидан асосланган талқини, яъни унга оламнинг жавҳари сифатида қараш кейинчалик Шарқнинг энг буюк алломалари томонидан ривожлантирилади. Жумладан, Форобий таълимоти Умар Хайём ижодида қуйидагича акс-садо берди.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Рубоийнинг иккинчи мисрасидаги Ақл сўзи оддий инсон ақлини эмас, ислом фалсафасидаги мутлақ Ақл, (коинот)ни билдиради. Умар Хайём Абу Наср Форобий йўлидан бориб, инсонга оламнинг жавҳари сифатида қарайди.

Алишер Навоий ижодида эса Форобий фалсафасидаги инсонпарварлик ғоялари яна ҳам ривожлантирилади, инсон кўнглини шод этиш — диний қадриятлар орасида энг улуғларидан бири — Каъба вайрон бўлса, уни тузатиш билан тенг қўйилади:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким Каъба вайрон ўлса, обод айлағай.

Шундай қилиб, Шарқ фалсафаси ва санъатида инсон талқини инсонни улуғлаш билан қўшилиб кетган эди.

Ҳар қандай биологик тур сингари одам ҳам муайян белгилар йигиндиси билан бошқа турлардан ажралиб туради. Бу белгилар одамнинг анатомик тузилиши ва физиологик хусусиятлари, яшаш даври, муддати, ирсии ва ирқий белгилари ва бошқалардан иборат. Бундан ташқари, одамда тил, онг, ахлоқ, маънавият сингари ижтимоий белгилар ҳам мавжуд. Мана шу биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг ўзаро муносабати турли фалсафий оқимларда турлича талқин қилиб келинган.

Чақалоқ тугилганда тайёр онг билан тугилмайди. Унинг мияси универсал қобилиятларга эга бўлгани учун ижтимоий муҳит таъсирида онг шакллана боради. Бундан ташқари, она қорнидаги ҳомила биологик қонуниятлар асосида ривожланади. У тугилгач эса, ўзида ижтимоий муҳит ва ундаги қонуниятлар таъсирини сеза бошлайди. Энди ундаги ижтимоий хусусиятлар биологик негизда шакллана боради. Агар биологик ва физиологик ўзига хослик бўлмаса, барча одамлар феъл-атвори, онги, ахлоқи ва бошқа ижтимоий хусусиятлари бўйича деярли, бир хил бўлиб қолардилар, чунки улар, деярли, бир хил ижтимоий муҳит таъсирида шаклландилар.

Ҳар бир одам биологик жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам бетакрордир. Биологик бетакрорлик шун-

дан иборатки, ҳар бир одамдаги ирсий белгиларни та-шувчи генлар сони, турли хромосомалар мутаносибли-ги ва бошқа жуда кўп ички ва зоҳирий белгилар йигин-диси бошқа бирорта одамда ҳам айнан такрорланмайди. Демак, ҳар бир одам биологик ўзига хосликка, бетак-рорликка эга экан, мана шу бетакрор негизга ижтимо-ий муҳитнинг таъсир қилиши ҳам бетакрор натижалар-га олиб келади.

Одам биологик ва ижтимоий хусусиятлар мужасса-ми бўлгани учун ҳам уни яхлит бутунлик сифатида ўрганилганда ҳам, унинг алоҳида сифатларини ўрган-ганда ҳам шу икки хил хусусиятлар бирлигидан келиб чиқиш керак. Акс ҳолда хулосалар бир томонлама ва ғайри илмий бўлиб қолади. Масалан, ирқчилик назария-ларида ирқий белгилар, яъни биологик хусусиятлар-нинг роли бўрттириб кўрсатилади ва ғайри илмий, реакцион хулосалар чиқарилади. Бу назарияга кўра та-насининг ранги, сони, бурни, қулоғи ва бошқа аъзола-рининг шаклига кўра бир-биридан фарқ қилувчи одам-лар ақлий жиҳатдан ҳам турли даражада ривожланган бўлармиш. Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихи бун-дай назариялар мутлақо асоссиз ва ғайри илмий экани-ни кўрсатди.

Ирқчилик назариясининг асоссизлиги биологик та-фовутлар ижтимоий тафовутларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, деган хулосага ҳам олиб келмаслиги ке-рак. Биологик тафовутлар маълум даражада ижтимоий тафовутлар шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ле-кин бу таъсирни мутлақлаштириш — ҳақиқатдан кўз юмишдир.

Биологик тафовутларнинг ижтимоий тафовутлар ке-либ чиқишига ўтказадиган таъсирини қуйидаги мисолда кўриш мумкин: икки жинс вакиллари, аёллар ва эркак-лар бир-бирларидан жинсий белгилар, яъни биологик хусусиятлар билан фарқ қиладилар. Бу тафовут уларнинг руҳиятидаги баъзи фарқларни ҳам келтириб чиқаради. Аёлларнинг руҳий кечинмалари нозикроқ, эстетик хис-латларга бойроқ бўлади. Эркакларда эса бу жараёнлар кучлироқ, лекин юзароқ кечади. Эркаклар ва аёллар ру-ҳиятида бундан бошқа тафовутлар ҳам мавжуд, лекин бу тафовутлар улардан бирини юқори, иккинчисини қуйи-роқ қўйиш учун асос бўла олмайди. Жинслар ўртасидаги фарқлар фақатгина улар ўртасидаги қарама-қаршилик-ни эмас, балки уларнинг бир-бирларини тўлгазишини, улар ўртасидаги бирликни ҳам кўрсатади.

Одамдаги биологик хусусиятлар ролини бўрттириб, ижтимоий жиҳатлар аҳамиятини камситиш қандай гайри илмий хулосаларга олиб келса, ижтимоийлик ролини бўрттириб, биологик сифатларни менсимаслик ҳам шундай оқибатларга олиб келади. Фақат ижтимоий хислатлар муҳим аҳамиятга эга, биологик хусусиятлар эса иккинчи даражалидир, деб қаровчи файласуфлар ижтимоийлаштирувчи (социологизатор)лар, деб аталадилар. Улар биологик хусусиятлар ролини инкор қилиб, уларга ижтимоий моҳиятни яратиш учун бир хомашё, деб қарайдилар. Уларнинг назариясига кўра бу хомашёдан исталган буюмни яшаш мумкин. Мана шундай назариялар асосида XX асрда антиутопиялар вужудга келди.

Антиутопиянинг яққол намуналаридан бири инглиз ёзувчиси О. Хакслининг «Фаройиб янги дунё» романидир. Бу романда тасвирланишича, сунъий йўл билан турли типдаги одамлар, тўғрироғи, одаммижоз мавжудотлар яратилади. Бу одамлар олдиндан меҳнатнинг у ёки бу турига мослаштирилган бўлиб, бошқа жиҳатлардан мутлақо чекланган бўлишади. Бу воқеалар антиутопик романда, бадиий асарда тасвирланади. Лекин ҳаётда ҳам бундай ғояларни амалга оширишга уринишлар бўлди. Масалан, Гитлер бошчилигидаги фашистлар маълум хилдаги «хомашё»ни қириб битириш, бошқа хилдагиларни кўпайтиришга уриниб кўрдилар. Бундай уринишлар нима билан тугаганлиги ҳаммага маълум.

Илмий-техника инқилоби даврида одамдаги биологик ва ижтимоий сифатлар бирлигининг янги қирралари намоён бўла бошлади. Маълумки, минглаб йиллик тарих одамнинг бошқа турдаги мавжудотларга нисбатан мослашувчанлиги кучлироқ эканини кўрсатди. Бошқа турлар фақат тор доирадаги экологик ўзгаришларгагина мослаша олса, одам ана шу ўзгаришларнинг жуда хилма-хиллиги ва кенглигига ҳам мослашиши мумкин. Лекин одам организмнинг бу имкониятлари чексиз эмас. Ҳозирги даврда ана шу имкониятларни ишга солиш ўзининг охири нуктасига етиб бормоқда. Атроф-муҳитни кимёвий моддалар билан ифлослантириш, атмосферадаги ионлаштирувчи нурларнинг миқдори, табиатда техника таъсирида юз бераётган ўзгаришларнинг кўлами шу даражага бориб етдики, мабодо бундан кейин ҳам улар шундай суръатда давом этаверса, одам организмнинг уларга мослашиб олиши мушкуллашади. Бундан ташқари, одамнинг фақат жисмига эмас, руҳиятига таъсир қиладиган ҳодисалар ҳам кўпайиб, кучайиб бор-

моқда. Зўриқиш ҳолатларининг кўпаяётганлиги бунинг далилидир.

Генетика фанининг кузатишлари одам ирсиятида юз бераётган мутациялар — ўзгаришлар тезлашиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу мутациялар ва юқорида айтилган зўриқиш оқибатида тез суръатлар билан кўпайиб бораётган юрак-қон томир касалликлари инсоният мавжудлигига хавф солмоқда. Бу хавфнинг кучлилиги яна шундаки, кўп одамлар унинг кўламини англаб етмаяптилар. Бунинг натижасида эса жамиятнинг кучларини ана шу хавфга қарши сафарбар қилиш йўлида тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Одамдаги биологик сифатларга бундан кейин ҳам ана шундай менсимай қарашга сира йўл қўйиб бўлмайди. Инсон баданидаги биологик имкониятлар жуда хавfli чегарага яқинлашмоқда. Барча кучларни ишга солиб ана шу хавфни бартараф қилиш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Оламдаги барча тирик мавжудотлар ичида фақатгина одам ўз умрининг замонда чекланганлигини, бир кун муқаррар ўлишини англай олади. Ўлимнинг муқаррарлиги ёшлик даврларида мавҳум бир тушунча сифатида қабул қилинса ҳам, ҳаётда шундай давр келадикки, одам ўлим тўғрисида жиддий ўйлай бошлайди, ўлимни четлаб ўтиш мумкин эмаслиги унда кучли ҳис-туйғулар уйғотади.

Ўлимнинг муқаррарлигини англаш одамнинг фақатгина фикрига, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиб қолмасдан, унинг дунёқараши ва ахлоқига ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир барча одамларда бир йўналишда ва бир хил даражада бўлмасдан, шу муқаррарликни англаш хусусиятларига қараб турли-туман бўлади. Ўлимнинг муқаррарлиги одамни ҳаётнинг мақсади ва мазмуни тўғрисида ўйлашга, бош қотиришга мажбур қилади. Мана шундай ўйланиш ва изланишлар инсон маънавиятини сезиларли даражада, баъзан эса кескин ўзгартириб юборади.

Бутун тарих давомида одамлар ўлимни орқароққа суриш, умрни узайтириш учун курашиб келганлар. Лекин умрни беҳад узайтириб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин эса ўлимни, ҳеч бўлмаса, маънавий жиҳатдан енгишга, маънавий умрбоқийликка эришишга уринганлар. Тўғри, бунинг аксича, умрни қисқартириш, ўлимни яқинлаштириш мақсадида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ҳам жамиятда учраб туради. Лекин бундай ҳоллар одамнинг табиий ва ижтимоий моҳияти-

дан келиб чиқмайди, кўпинча руҳий носоглик ёки ҳаёт-даги зиддиятларни енгиб ўта олмаслик оқибатида пайдо бўлади.

Турли жамиятларда ва турли даврларда ўлимга муносабат турлича хусусиятларга эга бўлган. Бу хусусиятларнинг характери ўша жамият ва даврдаги ижтимоий, ахлоқий қадриятлар, маънавият, одамларнинг турмуш даражаси, жамиятдаги мавқеи сингари ҳолатлар билан белгиланган. Тарихда шундай ижтимоий, фалсафий оқимлар бўлганки, уларнинг вакиллари ҳаётнинг мақсади — ўлимга тайёрланиш, деб тушунтирганлар. Уларнинг фикрича, бу дунё фоний бўлиб, ундаги бойликка, ноз-неъматларга ружу қилмаслик, лаззат орқасидан қувмаслик керак. Бу файласуфлар тушунтиришича, инсоннинг ҳақиқий ҳаёти у ўлгандан кейин, нариги дунёда бошланади.

Бошқа файласуфлар эса нариги дунё мавжудлигини инкор қилиб, шу дунёдаги барча лаззатлардан баҳраманд бўлишга чақирганлар. Масалан, қадимги Юнонистондаги ахлоқий тафаккурнинг гедонизм йўналиши вакиллари лаззат келтирувчи ҳар қандай нарса яхшиликдир, деган гоёни олга суришган. Уларнинг фикрича, одамлар ҳар қандай ижтимоий, ахлоқий қатағонлардан воз кечиб лаззатга интилишлари керак. Бу таълимотни изчил амалга ошириш ҳаётда фақат инстинктларга асосланиб иш кўриш керак, деган хулосага олиб келади. Гедонизм тарафдорлари жамиятдаги жуда кўп ўзига хосликлар ва ахлоқ нормаларини инкор қилардилар.

Жамият тарихида шундай даврлар ва ижтимоий-фалсафий оқимлар ҳам бўлганки, улар ўлим тўғрисида мутлақо ўйламасликка ҳаракат қилганлар. Масалан, собиқ Совет Иттифоқида ўлимнинг моҳияти, унга муносабат ҳақида илмий рисоалар деярли ёзилмади. Ўзбекистонда эса шу даврда каттароқ илмий рисола у ёқда турсин, ўлим тўғрисида жиддийроқ мақолалар ҳам битилмади. Ўша даврда ҳукм сурган мафқуравий ақидаларга кўра ўлим тўғрисида гапириш тушкунлик белгиси эди. Шунинг учун фақатгина ўша давр фалсафасида эмас, адабиёт ва санъатида ҳам ўлим, фожиа тўғрисида асарлар, деярли яратилмади, яратилганлари ҳам фақат ўтмиш тўғрисида эди. Бу билан ўша давр санъаткорлари совет жамиятида гўё фожиалар бўлмаслигини исботламоқчи бўлардилар. Холбуки, ўлим ва фожиа ҳар қандай жамиятда ҳам юз бериши мумкин. Бундан ташқари, ўлим тўғрисида гапириш,

асар яратиш одамнинг тушкунликка учраганини эмас, ҳаётга реал ёндошишини кўрсатади. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, шўролар тузумининг ўзи шу ҳудудда яшган инсонлар учун катта фожиа эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида фаннинг гуркираб ривожланиши ўлим билан боғлиқ бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Шулардан бири ўлим ҳолатини аниқлашдир. Авваллари нафас олиши тўхтаган киши ўлган ҳисобланарди. Кейинчалик, нафас олиши тўхтаган кишини ҳам сунъий нафас олдириб тирилтириш мумкинлиги исботланди. Нафаснинг тўхташи энди ҳақиқий ўлим эмас, клиник ўлим, деб атала бошлади. Ҳақиқий ўлимни энди бош мия фаолиятининг тўхташи билан боғлай бошладилар. Лекин тиббиёт фанининг кейинги йиллардаги тараққиёти бош мия фаолияти тўхтагандан кейин ҳам организмнинг бир қанча функциялари, жумладан, нафас олиш, модда алмашуви сингариларни давом эттириш мумкинлигини кўрсатди.

Аъзоларни бир организмдан иккинчисига кўчириш (трансплантация қилиш) имкониятлари кенгайган сари тиббиётда ўлим ҳолатини аниқ таърифлашга эҳтиёж кучайди. Чунки, нафас олишдан тўхтаган ёки юраги урмай қўйган кишининг аъзоларини олиб бошқа беморга ўрнатиш ҳуқуқий ва ахлоқий муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Бундай ишни амалга оширган врачларни баъзи бир бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун иккинчи тирик беморни ўлдириб, унинг аъзоларини олишда ҳам айблай бошладилар. Ҳозирги кунда медик олимлар юраги уриб, нафас олаётган бўлса ҳам, бош мия фаолияти тўхтаган беморларни ўлган, деб ҳисоблашга мойиллик билдирмоқдалар.

Умрнинг ниҳояси муқаррарлигини англаган инсон ҳаётга ва ўлимга ўзининг муносабатини аниқ белгилаб олишга ҳаракат қилади. Айтиш мумкинки, бу муносабат инсон ахлоқи ва дунёқарашидаги энг муҳим муносабатлардан биридир. Мана шу муносабатга боғлиқ равишда инсоннинг юриш-туриши, хулқи, фаолияти шаклланади. Шунинг учун ҳам ўлим ва ҳаётга муносабат жаҳон маданияти ва санъатида, маънавиятда энг муҳим мавзу ва муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Умрнинг чекланганлигини англаган инсон ҳаётни сермазмунроқ ўтказишга интилади. Ана шу ўринда ҳаёт мазмунининг ўзи нима экани тўғрисидаги савол кўндаланг бўлади. Достоевский қахрамонларидан бирининг таъбири билан айтганда, инсон мавжудлигининг сири

шу мавжудликнинг ўзида эмас, нима учун мавжудлик-дадир.

Ҳаёт мазмуни таҳлил қилинганда, унинг икки кўри-ниши борлиги назарда тутилиши керак. Улардан бирин-чиси шахе ҳаётининг мазмуни, иккинчиси эса башари-ят ҳаёти мазмуни. Бу ҳар икки кўриниш ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, лекин улар ўртасида тафовут ҳам мавжуд. Бу тафовут баъзи ҳолларда зиддиятга айла-ниб кетиши ҳам мумкин.

Шахс ҳаёти ўзаро узвий боғлиқ бўлган биологик ва ижтимоий жиҳатлардан ташкил топгани каби, унинг ҳаёт мазмуни ҳам биологик ва ижтимоий сифатлар бирлигидан ташкил топади. Инсоннинг биологик тур сифатида мавжудлигининг мазмуни ва мақсади насл қолдиришдир. Янги авлодни вужудга келтириш биоло-гик мавжудлик мақсади бўлса, шу авлодни тарбиялаб вояга етказиш ижтимоий мавжудлик мазмунининг му-ҳим жиҳатини ташкил қилади. Лекин янги авлодни тарбиялаш шахс ижтимоий ҳаётида ҳар қанча муҳим рол ўйнагани билан ҳаёт мазмунини фақат шу мақсад-нинг ўзи ташкил қилмайди. Насл қолдириш учун жис-моний қувват зарур бўлса, янги авлодни тарбиялаш учун маънавий камолотга эришиш зарур.

Алоҳида шахс ва жамият мақсадлари орасидаги му-таносиблик жамият тараққиётининг турли босқичлари-да турлича бўлган. Ижтимоий гуруҳлар, синфлар, мил-латлар, элатлар ўзига хослиги билан ҳисоблашилмаган, инсон қадри ва маънавияти оёқ ости қилинган тотали-тар тузум шароитида бу мақсадлар ўртасидаги муноса-батлар кескин тус олган.

Алоҳида олинган одамни, айниқса, чуқур фикр юри-та оладиган инсонни фақат кун ўтказиш учун яшаш қониқтирмайди. Мана шу қониқмасликни бартараф қилиш учун у қобилиятларини ривожлантиришга, ижод билан шуғулланишга интилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижод фақат фанда, адабиёт ва санъатда эмас, ҳар бир касб-ҳунарда ҳам намоён бўлади. Ҳар бир одам-нинг ўз қобилиятларини ривожлантириши ва шу қоби-лиятларни яратувчи меҳнатга йўналтириши унинг ҳаёт-даги мақсадига эришиш йўлида кўйган қадами, айти пайтда, жамият тараққиётига, жамиятнинг мақсад то-мон интилишига қўшган ҳиссаси бўлади. Ҳар бир ин-соннинг ўз қобилиятларини ривожлантириш, жамият-га хизмат қилиш йўлидаги ҳаракати унинг маънавияти бой ёки камбағаллигига боғлиқ. Унинг мана шу йўлда

қилган ҳаракатлари эса унинг жамият маънавиятини бойитиш, умуман, жамиятни ривожлантириш йўлидаги уринишларидир. Шуни назарда тутиб И. Каримов ўз асарларида умуман инсонни тарбиялаш тўғрисида эмас, маънавияти бой инсонни тарбиялаш тўғрисида фикр юртади, маънавиятли ва маърифатли инсонларсиз буюк келажакка эришиб бўлмаслигини уқтиради: «Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда, ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак» (7, 261).

Маънавият ўз моҳиятига кўра инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар ва миллатлар ижодий фаолиятининг маҳсулидир. Уни тўлароқ эгаллашнинг энг самарали йўли эса унга ижодий ёндошишдир. Шунинг учун одамларнинг кундалик меҳнат фаолиятига, касбига ижодий ёндошиши уларнинг маънавий тараққиётини кўрсатувчи энг муҳим белгилардан биридир.

Жамиятда одам бошқалардан ажралган ҳолда яшамаслиги, аксинча, бошқалар билан доимий мулоқотда бўлиши унинг ўз мақсадлари сари интилишида ҳам юртдошлари билан ҳамкорлик қилишини тақозо этади. Одамларнинг бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари, ҳамкорлик қилишлари ва бир-бирлари тўғрисида гамхўрлик кўрсатишлари ҳаёт ўзи талаб қиладиган мутлақо зарурий ҳолатлардир.

Алишер Навоий бу фикрни қуйидаги сатрларда ифодалаган эди:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Ҳаёт мазмуни тўғрисида бош қотирар экан, Л. Н. Толстой ҳам ҳаёт — тақдирнинг одам устидан қилган ҳазили, фақат ейиш, ичиш, кийиниш ва ҳатто китоблар ёзиш учун яшаш ҳам бемаънилиқ экани, бундай яшаш унинг учун кўнгил айнитар даражада манфур эканини таъкидлаган эди. Л. Толстой таъбири билан айтганда, жамият бахт-саодати тўғрисида бош қотирмай, бошқаларга яхшилик қилишни ўйламай яшаш манфур шахснинг ишидир.

Жамият манфаатлари билан шахс манфаатлари ўртасида уйғунлик мавжуд бўлса, бундай ҳолат шахсни жамият манфаатлари йўлида, демак, шу орқали ўз манфаатлари йўлида ҳам жонбозлик кўрсатишга ундайди.

Манфаатлар ўртасидаги қарама-қаршилик, зиддият эса шахсни жамият манфаати ва мақсадига зид равишда, ўзининг тор шахсий манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга мажбур этади. Мана шундай вазиятда шахснинг бегоналашуви юз беради.

Инсон табиатига мое ва мувофиқ жамиятда меҳнат одамнинг ўз-ўзини ифодалаши, қобилиятларини ривожлантириши учун восита бўлиб хизмат қилади. Шундай шароитда алоҳида шахснинг манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашади ва шахс ўз ҳаётининг мазмунини бошқа одамлар, бутун жамият фаровонлиги билан боғлайди.

Ҳаёт қанчалик мураккаб бўлса, унинг мазмунини белгилаш ҳам шунчалик мураккабдир. Шу мураккабликлар ҳозирги даврда баъзи фалсафий оқим вакиллари, ҳаёт мазмунини, умуман, аниқлаш мумкин эмас, деган хулосаларга олиб келмоқда. Масалага бундай ёндошиш унга аниқлик киритмайди, балки баттароқ чиғаллаштириб юборади.

Одам ўз ҳаётининг мазмунини белгилашда умрнинг чекланганлигини ҳам назарда тутаяди, яъни одамнинг қандай яшаши, маълум даражада унинг қанча яшаши билан ҳам белгиланади. Умрнинг ибтидоси ва интиҳоси бор. Мана шу икки чегара орасида одам ҳаётни ўз қадриятларига мос равишда кечиришга интилади. Инсон ҳаётининг мазмуни унинг қанчалик умр кўргани, қандай бойликларга эришгани, қандай мансаб курсиларига ўтиргани билан эмас, унинг маънавий бойлиги ва теранлиги билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам И. Каримов: «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур», деб ёзади (1, 80). Шу ўринда И. Каримов инсон қудрати унинг маънавияти эканини ҳам алоҳида таъкидлайди: «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир».

Ҳозирги замон тиббиёт илми, айниқса, унинг генетология соҳаси одам умрини кескин узайтириш мумкинлиги тўғрисида гувоҳлик бермоқда. Лекин умрининг охирида у шунчалик қариб-қартайиб кетадики, баданидаги мўйлари ўсиб дарахтга айланади. Ҳаёт унинг учун азоб-уқубатлардан иборат бўлиб қолади. Шунда у Оллоҳга мурожаат қилиб, ундан жонини олишни сўрайди. Оллоҳ унинг илтимосини бажо келтиради. Буюк шоир ва файласуф Фирдавсий шу орқали носоғлом, ўзи учун ҳам, ўзгалар учун ҳам фойда келтирмайдиган ҳаёт одам учун ортиқча эканини кўрсатмоқчи бўлади.

Одам умрини узайтириш билан шуғулланаётган мутахассислар—геронтологлар фикрича, одамнинг биологик тур сифатидаги ўртача умри 80—90 йил бўлиши мумкин. Баъзи мутахассисларнинг фикрича одамнинг ўртача умри 100 йилдан ортиши мумкин. Абу Али ибн Сино эса одам ўртача 100—120 йил умр кўриши мумкинлигини кўрсатиб ўтган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, одамнинг қанча яшаши тўғрисидаги масала унинг қандай яшаши ва нима учун яшаши муаммоси билан биргаликда олиб қаралиши керак. Шоир айтганидек:

Одамлар бор, ўлса ҳамки тирикдир,
Одамлар бор, тиригида ўликдир.

Ҳозирги кунда бир қатор мамлакатларда эвтаназия—оғриқсиз, тинч, осойишта ўлим масаласи кўтарилмоқда. Дастлабки қарашда бундай масаланинг кўтарилиши жумбоқдай туюлади. Чунки инсоният асрлар давомида умрни узайтириш тўғрисида бош қотириб келган. Масаланинг жумбоқлиги яна шундаки, ҳозирги кунда ихтиёрий ўлим масаласининг кўтарилиши яна ўша тиббиёт ютуқлари билан боғлиқ. Маълумки, ҳали ҳозир тиббиёт даволай олмайдиган оғир касалликлар мавжуд. Лекин шундай касалга чалинган беморни врачлар тўла даволаб юбора олмасалар-да, унинг ҳаётини маълум муддатгача сўндирмай ушлаб туришлари мумкин. Беморнинг умри узаяди, лекин шу узайган умр азоб-уқубатлар, қаттиқ оғриқлар билан кечади. Шунинг учун баъзи файласуфлар ва врачлар одамга ихтиёрий ўлим ҳуқуқини бериш керак, деган фикр билан чиқмоқдалар. Шуни ҳам эса тутиш керакки, ҳозирги давргача бўлган барча фалсафий тизимларда, диний таълимотларда ўзини-ўзи ўлдириш кескин қораланган. Баъзи динлар ўзини ўлдирганларни ерга кўмишни ҳам ман қилганлар, ислом динида эса ўз жонига қасд қилганларга жаноза ўқиш тақиқланади.

Ҳозир эвтаназия атрофида файласуфлар, ҳуқуқшунослар, биологлар ва врачлар олиб бораётган мунозараларда ихтиёрий ўлимни ахлоқий жиҳатдан асослаш мумкинми, йўқми, деган масала устида тортишувлар кетмоқда. Бу тортишувлар масалага, асосан, икки хил қараш мавжудлигини кўрсатди. Биринчи қарашнинг қисқача моҳияти шундан иборатки, унинг тарафдорлари ихтиёрий ўлимга қарши қуйидаги далилларни келтирадилар: инсон ҳаёти энг олий қадрият ва шунинг учун у

дахлсиздир, иккинчидан, одамларнинг ихтиёрий ўлим ҳуқуқларини тан олиш врачлар ёки бошқа манфаатдор кишилар томонидан суиистеъмол қилинишига олиб келиши мумкин: учинчидан, эвтаназия «чиқмаган жондан умид» тамойилига зид бўлиб, врачлар йўл қўйган ҳаттолар оқибатида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Иккинчи қараш тарафдорларининг фикрича, ҳозирги замон тиббиёти одамларнинг умрини сезиларли узайтириш билан, уларнинг қариликдаги азоб-уқубатларини ҳам чўзиб юборди. Қартайган одамлар ўз баданлари қандай емирилиб бораётганини ўзлари кузатмоқдалар ва яқинларига қанчалик ноқулайликлар туғдираётганликлари ва малол келаётганликларини сезмоқдалар. Шунинг учун, бу нуқтаи назар тарафдорлари мулоҳазасига кўра, қийналиб, азобланаётган одамга ўлимни ихтиёр қилишга рухсат бермаслик ахлоққа зиддир. Улар таъкидлашича, ҳаттоки, ҳайвон ҳам яраланиб ёки оғир дардга чалиниб азобланаётганда одам уни ўлдириб азоб-уқубатдан халос қилади.

Ихтиёрий ўлимга нисбатан бу икки қараш юзасидан ҳакамлик қилиб аниқ бир нарса дейиш қийин, лекин ҳақиқий гуманизм фақат яшаш эмас, балки ўлиш маданияти тўғрисида ҳам гапиришни талаб этади.

Баъзилар ўлим яқинлашганини сезганда даҳшат ва талвасага тушиб, ўзларига муносиб бўлмаган ишларни қила бошлайдилар. Баъзилар эса, ўлимнинг муқаррарлигини сезиб, уни осойишта қаршилайдилар, ҳаётининг сўнгги дамларида ҳам одамларга яхшилик қилиб ўзларидан яхши ном қолдиришга интиладилар.

Алоҳида одамларнинг ҳаёт мазмуни ва ўлими тўғрисида мулоҳаза юритиш одамзоднинг ҳаёти тўғрисидаги фикрларга олиб келади. Инсон ҳаётининг мазмуни инсоният ҳаётининг маъноси, йўналиши билан бевосита боғлиқдир.

Ибтидоий жамиятда уруғ ва қабилалар алоҳида-алоҳида, бир-бирларидан ажралган ҳолда турмуш кечирган бўлсалар, аста-секин улар ўртасида иқтисодий, маданий алоқалар ривожлана бошлади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, қабилалар ва элатлар ўртасидаги алоқалар қанчалик кучайса, жамият тараққиёти ҳам шунга муносиб равишда жадаллаша бошлаган.

Тарихий жараён ниҳоятда мураккаб бўлиб, объектив ва субъектив, зарурий ва тасодифий омилларнинг ўзаро бирикиб кетишидан ташкил топади. Тарихни бир-биридан фарқланувчи, баъзан бир-бирига мутлақо зид

бўлган кучлар, гуруҳлар, синфлар, одамлар яратади. Мана шундай мураккаб ўзаро таъсир қандай қилиб умумий йўналишга бирикади, деган савол туғилиши табиий.

Бу саволга марксизм синфий кураш назарияси орқали жавоб беради, яъни бу таълимотга кўра синфлар ўртасида коммунизм қурилгунча тўхтамай кураш бораверади. Ана шу кураш натижасида жамият ривожланади. Аслида эса турли гуруҳлар, синфлар, элатлар, халқлар ўртасидаги кураш жамиятни ривожлантирмайди, балки емиради. Жамият ўша гуруҳ, синф, элат ва халқлар бирлашуви натижасида ривожланади. Уларни бирлаштирувчи энг кучли омиллардан бири эса маънавиятдир.

Ана шу турли-туман кучлар, омиллар ва оқимлар орасидан тарихий зарурат йўл очиб боради, жамиятнинг олга ривожланишини таъминлайди. Мана шу аснода кишилиқ жамияти бир босқичдан иккинчисига ўтиб борали, иқтисодий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан камол топади.

Жамият тараққиётининг объектив белгиларидан бири ишлаб чиқаришнинг ўсишида, мумкин қадар кўпроқ одамларнинг эҳтиёжлари тўлароқ қондирилишида намоён бўлади. Жамиятнинг яна бир жуда муҳим белгиси эса ҳам жамият, ҳам алоҳида инсонлар маънавиятининг юксалишидадир. Бу икки белги узвий боғланган бўлиб, одамларнинг эҳтиёжлари тўлароқ қондирилиши, яъни иқтисодий тараққиёт иккинчи белги — маънавиятнинг юксалиши билан бевосита боғлиқдир. Шунинг назарда тутиб И. Каримов: «... сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади», — деган эди (4, 13).

Одамларнинг тинч-осойишта, бадавлат турмуш кечиришлари, ижтимоий адолат ва гуманизмнинг қарор топиши ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, одам эҳтиёжларининг тўлароқ қондирилиши, унинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камол топиши учун шароит яратилиши жамият ривожланганлиги даражасини белгиловчи энг муҳим мезонлардан биридир.

Маънавият масаласининг И. Каримов асарларида фалсафий таҳлил қилинишидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки, таҳлил қилинаётган муаммо бевосита ҳаёт кўйида ўрганилади. Бу асарларда кўндаланг қўйилган масалани ечишда узундан-узоқ мулоҳазалар ва тахайюлотга берилмай, маънавиятнинг оддий халқ, одамлар ҳаётида тутган ўрни ва ўйнаётган роли очиб бериллади.

Файласуф олимларнинг асарларида фалсафий тushунчалар аввал умумий, мавҳум даражада ўрганилиб, кейин унинг амалиётдаги ўрнига қисқароқ тўхталиб ўтилади. Баъзи файласуфлар эса масаланинг амалий жиҳатига тўхтаб ўтишни ўзларига эп кўрмайдилар. Уларнинг фикрича, хусусий масалалар билан шуғулланиб ўтириш файласуфларнинг вазифасига кирмайди.

И. Каримов асарларида эса кундалик ҳаётда кўплаб учрайдиган расм-русум ва маросимлар таҳлил қилиниб, ундан жуда теран фалсафий умумлашмалар чиқарилади. Хусусан, маросимлар тўғрисида гап юритар экан, И. Каримов уларнинг иқтисодий, ахлоқий жиҳатларини таҳлил қилиш билан чекланмайди. Бу маросимлар жамият, халқ ҳаётида қандай ўрин тутишини кўрсатиш билан бирга, улар ижтимоий тараққиётга, шу халқ келажагига қандай таъсир ўтказишини ҳам таҳлил этиб беради. Расм-русум ва маросимларнинг халқ орасида тарқалиши, уларнинг хусусиятлари, кўламини таҳлил қилар экан, И. Каримов раҳбарлик лавозимида ишлаётган шахсларнинг шу маросимларни қандай ўтказаетганликларига алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳол бежиз бўлмай, жуда зийраклик ва донолик билан илғаб олинган ҳодисадир. Чунки, раҳбарлик лавозимидаги одамлар худди кафтдагидай эл-юрт кўз ўнгида бўладилар. Улар ўзларининг кийиниши, юриш-туриши, турли ҳодисаларга, жумладан, маросимларга муносабати билан одамларга ибрат бўладилар.

Ижтимоий психология фанида қизиқ бир ҳодиса аниқланган. Одамлар девордармиён қўшниларининг, ўзларига яқин одамларнинг ҳатто, ўзларининг уйларида бўлаётган воқеаларнинг ҳам барчасидан хабардор бўлавермайдилар. Аммо улар худуд, мамлакат раҳбарлари ҳаёти, ишлари тўғрисида кўп нарса биладилар. Бундай ҳол фақат ҳозирги кунда эмас, қадим замонларда ҳам мавжуд бўлган. Одамлар мамлакатлар подшолари,

қироллари, султон ва хонлар саройидаги воқеалар, уларнинг феъл-атворлари, дўст-у душманлари, ҳатто, кўнгилхушликлари тўғрисида ҳам кўп маълумотга эга бўлганлар. Қизиғи шундаки, ихоталанган, чет кишилар мутлақо киритилмайдиган ҳарамлардаги можаро ва ҳодисалар ҳам қандайдир йўллар билан эл қулогига етиб турган. Телевидение, радио, матбуот, телефон ривожланган бизнинг асримизда эса бундай хабарлар яшин тезлигида тарқалади. Шунинг учун раҳбар ходимлар касбий билимларга эга бўлишдан ташқари, тегишли ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлишлари керак. Чунки уларнинг фақат ишлари эмас, ўзини тутишлари, сўзлари, ҳатто кийинишлари ҳам одамлар кўнглида акс-садо беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, уларнинг турли хил расм-русум, маросимларга муносабати ҳам одамлар учун ибрат вазифасини бажаради.

Маросимларнинг ўтказилиши. кўлами. тури. вақти ва бошқа хусусиятлари уни утказётган одам, халқ, миллат маънавиятининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Буни ҳозирги кундаги ва ўтмишдаги маросимлар тасдиқлайди.

Маросимлар масаласи ҳар қандай халқ, хусусан биз, ўзбеклар учун эса бу масала, айниқса, долзарбдир. Чунки бизнинг халқимиз маросимларга алоҳида эътибор, ўзгача эҳтиром билан қарайди.

Халқимиз характеридаги самимийлик баъзан кутилмаган томондан ўзини намоён қилади. Ориятли одамларимиз маросимларни енг ичида ёки номигагина ўтказиб қўйишга кўнмайди. Уларнинг тасаввурларига кўра, агар маросим ўтказилса, у кенг кўламда ва дабдаба билан ўтказилиши керак ёки мутлақо ўтказилмаслиги лозим. Шунинг учун бўлса керак, халқнинг тафаккури, борлиғи, яшаш тарзини ифодалаш лозим бўлган маросимлар халқнинг ривожига, ижтимоий тараққий этишига аксар ҳолларда тўсқинлик қилади. Шу сабабли халқимизнинг жонкуяр фарзандлари турли даврларда маросимлар тўғрисида куйиниб гапирган.

1915 йилда улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий «Бизни кемиргувчи иллатлар» номли мақоласида шундай ёзган эди: «...биз — туркистонийларни шаҳри ва қишлоғи ёинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизга сорилган ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азо исмидаги икки қаттол душманни дерман» (16, 145). Ўз давридаги тўй-маъракаларни

кўриб даҳшатга тушган Беҳбудий сингари халқпарвар зиёли бизнинг давримиздаги, яъни XX аср охиридаги тўй-маъракаларимизни кўрса, қандай ҳолга тушарди экан? Чунки ҳозир Беҳбудий давридаги тўйларда бўлмаган шундай исрофгарчиликлар пайдо бўлдики, уларга қилинаётган молиявий сарф-харажатлар Беҳбудий давридагидан ўн чандон ортиб кетди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов тўй-маросимларни тартибга солиш тўғрисида махсус фармон чиқаришга мажбур бўлди. Бу фармон одамларнинг шахсий, оилавий масалаларига аралашиб учун эмас, маросимлардаги дабдабозлик борган сари газак олиб ривожланиб боришига тўсиқ қўйилмаса, улар халқ ҳаёти, ижтимоий тараққиётга қанчалик катта хавф солишини англаш натижаси эди. «Кейинги вақтларда, — дейилади Фармонда, — тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшайётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда». Иқтибосдан кўриниб турибдики, ўша исрофгарчиликлар, маросимларни ўтказишдаги шуҳратпарастлик ва дабдабозликлар халқ маънавиятининг асосларидан бўлган одатлар ва анъаналарга зарар етказаётгани шу Фармоннинг қабул қилинишида муҳим сабаблардан бўлди. Фармоннинг давомида бу ҳақда яна шундай дейилади: «Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда».

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, маросимлар тўғрисидаги фармоннинг 1998 йил кузида чиқарилиши И. Каримов шу даврдан бошлаб маросимларга жиддий эътибор бера бошлади, деган фикрни англамайди. Бундан тўрт ярим йил аввал, 1994 йил 18 мартда Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқда Президент шундай деган эди: «Динимиз бизни ҳамиша ҳалол-пок яшашга, камтар-камсуқум турмуш кечиришга ўргатиб келади. Тўй-ҳашамларимизни, маърака-маросимларимизни дабдабасиз, меъёр доирасида ўтказишни буюради». Шу нутқда вилоятдаги

маросимларда учраб турган дабабабозлик ва ортиқча ҳашамлар кескин танқид қилинган эди. Бундай нуқсонларнинг камайиш ўрнига кўпая бошлагани 1998 йил кузида зикр этилган махсус фармонни чиқаришга олиб келди.

XX аср бошларида Беҳбудий ва бошқа маърифатпарварлар маънавий дунёси бой, халқпарвар одамлар топган-тутганини тўй-ҳашамдаги ортиқча исрофгарчиликка эмас, илм-фанга, мактабларга, фарзандларини ўқитиб илмли қилишга сарфлашларини айтган эди. Орандан қарийб бир аср ўтибдики, маърифатчиларимизни таҳликага солган маросимлардаги ортиқча харажатлар камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Бу удумларга пул сарф қилишни ҳар қанча кўпайтириш ҳам баъзи фуқароларимизни қониқтирмаяпти шекилли, улар энди тўйларда хизмат қилаётган отарчиларнинг, раққос ва раққосаларнинг устидан пул сочиш одатини ҳам чиқардилар, бунинг устига узимизнинг сўмимиз камлик қилиб қолдимиз, баъзи бойваччалар эркин конвертация қилинадиган валюталар, доллар сочишга ҳам ўтдилар. Ривожланган Фарб мамлакатларида бўлганимда уларда ҳам тўйларда пул сочиш одати бормикан, деб қизиқдим. Бу ҳақда менга маълумот берган танишларимдан бири, ўтган XIX аср охирида одамлар тезроқ бойий бошлаганда шундай расм пайдо бўла бошлаганини, ўшанда ҳам ҳақиқий бойлар эмас, энди бойий бошлаган фуқаролар шундай қилишганини айтиб берди. Бу фуқаролар ўзларининг пули кўплигини намоиш этиш учун тўй маросимларида пул сочган эканлар. Аслида эса уларнинг пули ҳақиқий бойларнинг пулига нисбатан жуда оз бўлган. Шу ўринда халқимиз орасидаги «кўрмаганнинг кўргани қурсин», деган мақол эсимга тушди. Фарб мамлакатларида бундай бемаъни одатга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари чек қўйган эканлар. Бу ишга ҳуқуқ ҳимоячиларининг аралашувига сабаб эса, отарчилар устидан сочилган пулнинг ерга тушиб оёқости бўлиши экан. Пулни оёқости қилиш давлат тамғасини ҳақоратлаш, деб баҳоланиб, бундай қилганлар жуда қаттиқ жазолана бошлагач, ҳар қанча ҳовлиқма янги бойларнинг ҳам ўпкаси жойига тушган экан. Ҳозир ҳам, ўшанақалар баъзан учраб туради, деди танишим. Лекин энди улар ўзларининг пули кўплигини кўз-кўз қилмоқчи бўлишса пулни сочишмас, балки ипга шода каби тизиб отарчи ёки раққосанинг бўйнига осиб қўйишаркан.

Ўзи бадавлат бўлса-ю, пулни қаерга ва қандай сарф қилишни билмай, уни ортиқча тўй-ҳашамларга сарф қилаётган одамларни кўриб бунинг пули кўп, аммо маънавияти қашшоқ экан, дейиш мумкин. Лекин ўзи унчалик бадавлат бўлмаган замондошларимизнинг ҳам катта дабдаба-ю асъаса билан тўй-томоша ўтказишга интилишларини изоҳлаш қийин.

Танишларимдан бири бизнес билан шуғулланмоқчи бўлиб пул жамгадан бошлади. У маҳалласида чоғроқ озиқ-овқат дўкони очмоқчи эди. Унинг бу режаси тўғрилигини шундан ҳам билса бўлардики, яқинроқ жойда озиқ-овқат дўкони йўқ эди. Агар у ҳақиқатан шундай дўкон очса, иши юришиб кетиши турган гап эди. Аммо фалокат юз бериб унинг онаси тўсатдан вафот этди. Дафн маросими ва ундан кейин ўтказиладиган, уч, етти, йигирма, қирқ, эллик икки деган маросимлар, ҳар ҳафтадаги пайшанбалар, совун, чой, латта-путта тарқатишлар оила бюджетини емириб ташлади. Кейинчалик эшитсам, танишим жамлаган барча пулларини ўша маросимларга сарфлаб, яна қарз ҳам кўтарипти. Хўш, она ҳурматини жойига қўйиш учун ўшанча маросимларни ўтказиш, совун, чой, латта тарқатиш шартмиди?

Назаримда дафн билан боғлиқ маросимлар марҳумларнинг ҳурматини бажо қилиш учун эмас, аксар ҳолларда маросим ўтказгучининг бойлиги, бадавлатлигини намойиш қилиш учун ўтказиляпти. Ўтказилган дабдабали маросимлар оқибатида ҳалиги танишим дўкон очиш у ёқда турсин, ҳануз қарздан қутула олмайди. У дўкон очмоқчи бўлган жойда эса ҳозир бошқа бир кишининг дўкони ишлаб турибди. Афтидан, бу дўконда ишлари юришиб кетди.

Ижтимоий тараққиётнинг турли даврлардаги ўзига хос хусусиятлари таҳлили шуни кўрсатадики, кўпинча унга маънавият турлича таъсир кўрсатар экан. Марксизм фалсафаси ижтимоий тараққиёт даражаси ва сифатини иқтисодий омил белгилайди, деб уқтирарди. Шу билан бирга, маънавий омил ҳам ижтимоий тараққиётга таъсир ўтказиши мумкин, деб эътироф қиларди. Лекин бу таъсир ҳал қилувчи таъсир бўлиши мумкинлигини марксизм мутлақо инкор этади. Иккинчи томондан эса, ижтимоий тараққиётни иқтисодий тараққиёт белгилайди, деб тан олинган тақдирда ҳам, иқтисодий тараққиётни нима белгилайди, деб берилган саволга марксизмда жавоб йўқ. Бир хил иқлимий, жуғрофий, иқтисодий шароитдаги мамлакатларнинг нега

бири жуда илгарилаб кетади-ю, иккинчисининг иқтисоди жуда ночор аҳволда қолади, деб берилган саволга Маркс ҳам, Энгелс ҳам, уларнинг издошлари ҳам жавоб бериша олмаган. Чунки бу сабаб марксизмда инкор қилинадиган, эътироф этилганда эса истамай, иккинчи даражали нарса, деб эътироф қилинадиган ҳодиса — руҳият ва маънавият эди. Марксизм оламда тараққийёт ва умумий алоқадорлик ҳукмронлигини эълон қилган бўлса ҳам, аслида ўзи бу алоқадорликни узиб қўйган эди. У ижтимоий ҳаётдаги барча нарсалар: санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсий мафкура ва бошқа ҳодисаларни иқтисодий муносабатларнинг ҳосиласи, деб тушунтирар экан, ўша иқтисодий муносабатларнинг ўзи ниманинг ҳосиласи, деган саволга жавоб бериш у ёқда турсин, бундай саволни кун тартибига қўйиш учун ҳаракат ҳам қилмади. Бунинг сабаби эса, масаланинг бундай қўйилиши марксизмнинг асосий гоёси — материализмга муқаррар тарзда зид жавобга олиб келишида эди. Чунки иқтисод ўз-ўзидан эмас, бевосита ўша онгнинг ҳал қилувчи таъсирида ривожланиши мумкин эди.

Шу ўринда ҳам Маркс фалсафий тизимида материя ва онг муносабатлари фалсафанинг бош масаласи деб эълон қилиниши сунъий, зўрма-зўраки эканлигидан ташқари, ўзининг оёғига болта уриши ҳам кўзга ташланади. Яъни модда ва руҳнинг қай бири бирламчи эканини ҳар бир масалада, ҳар дақиқада излаш бемаънилик эканини «Бола тугилишида ота роли бирламчими ёки она ролими?» — деган саволга қиёсласа бўлади. Марксизм бу саволни ё ота, ё она фойдасига ҳал қилишни талаб этади. Агар иккаласи ҳам бирламчи рол ўйнайди, десангиз, сизга дуалист, деган ёрлиқ ёпиштирилади. Марксизм атамалари орасида дуалист атамаси ҳақоратомуз хусусият касб этган бўлиб, жинси ноаниқ ёки икки жинсли одам деганга яқин маънони англатади. Шундай қилиб файласуфлар икки унсурдан бирини бирламчи, иккинчисини эса иккиламчи, дейишга мажбур эдилар. Акс ҳолда улар ўша дуалист деган лақабга эга бўлардилар. Ҳаётда эса, кўпинча, ҳар икки унсур ҳам тенг, баб-баравар аҳамиятга молик бўлади. Баъзан улардан бири, баъзан эса иккинчиси биринчи даражали аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар доим материя бирламчими, руҳми, деган саволни кўндаланг қилавериш бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

Маънавият билан маросимларнинг узвийлигини яна шу нарса ҳам кўрсатадики, маънавият танг аҳволга

тушган даврларда маросимлар авжига чиқади, улардаги исрофгарчиликлар, дабабазлик қуюшқондан чиқиб кетади. Маросимлардаги бундай бемазагарчиликлар бир томондан ижтимоий тушқунлик белгиси бўлса, иккинчи томондан шу тушқунликни чуқурлаштирувчи энг кучли омиллардан биридир. Бунга турли мамлакатларнинг турли даврларда тараққий этиш даражаси ва суръатларини таҳлил этиб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Урта Осиё ҳудудида энг чуқур ва узоқ давом этган инқироз XVI аср ибтидосида бошланган эди. Бу ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий ва ҳарбий инқироз тўрт асрдан ортиқроқ давом этди. Шу тўрт юз йилдан ортиқ вақт давомида Ватанимиз ҳудудида Афросиёб, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури, Заҳириддин Бобур сингари саркардалар етишиб чиқмади. Шу давр бошида етишган Заҳириддин Бобур эса Ватанни мажбуран тарк этиб кетди. Шу даврда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Замахшарий, Мирзо Улуғбек сингари оламни лол қолдирган алломалар ҳам етишиб чиқмади. Адабиёт ва санъат соҳасида ҳам дунёни лол қолдирган бу ҳудудда бадиий тафаккур ҳам жимликка чўмган эди. Бу даврда Бобораҳим Машраб ва Оғаҳий сингари оташнафас шоирларнинг етишиб чиқиши эса қонуният эмас, бахтли тасодиф эди.

Марксист тарихчилар бу даврдаги тушқунлик сабабларини таҳлил қилар эканлар, барча айбни ўзаро урушлар ва диннинг кучайишига йўярдилар. Ҳозир ҳам баъзи тарихчиларимиз ўша инқирозни изоҳлашда оғизда марксизмни инкор қилсалар ҳам, ўзлари нақ марксистик позицияда турибдилар. Тушқунликнинг сабабини ўзаро урушлардан қидириш аслида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини оқлашга хизмат қилар эди. Чунки бу нуқтаи назар маҳаллий аҳолига, мана амир ва хонларингиз, шаҳзодаларингиз ўзаро тож-тахт талашиб сизларни қай аҳволга солиб қўйишди, биз, яъни руслар, бундай урушларга чек қўйиб, сизларни озодликка олиб чиқдик, дейиш учун керак эди.

Айбни динга тақашнинг мантиқсизлигини шунда ҳам кўриш мумкинки, деярли, 14 аср давомида бу ҳудудда исломга эътиқод қилиб келинган. Шу ўн беш асрнинг, деярли, ўн асри давомида бу ўлкада иқтисод, санъат, адабиёт, фан гуллаб-яшнаган. Қизиги яна шундаки, бу ўлкадан Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Бурҳониддин Марғилоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Абду-

холик Гиждувоний сингари улкан дин арбобларининг етишиб чиқиши, яъни диннинг ривожланиши, айна пайтда, жамиятдаги тараққиётга тўсқинлик қилмади, аксинча, унинг ривожланишига туртки берди. Шу мисоллар ҳам марксистлар таҳлили тўғри эмаслигини кўрсатади. Айбни ислом динига тўнкаш эса марксизмнинг даҳрийлик таълимоти экани билан боғлиқдир.

Узоқ муддатли инқироз жараёнида маросимлар қандай ўтказилганини таҳлил қилиш гаройиб ҳолатларни кўрсатади. Жамият инқирозга юз тутган ўша пайтда маросимлардаги ҳашам ва исрофгарчиликлар роса авжга минган экан. Фикримизнинг далили сифатида XVI аср бошларидаги тўй-маъракалар тафсилотини баён қилмоқчимиз-у, лекин қўнғлимизда бир ҳадик бор. Ана ўша давр тўй-маъракалари тафсилотларини келтирсак тўй қилувчи баъзи замондошларимиз ҳозирги ортиқчаликларнинг устига-устак ўша замондаги расм-русумларни ҳам қўшиб юбормасмикан?

Мамлакатимиз ҳудудида XVI аср бошларида тарқалган маросим ва расм-русумлар тўғрисида «Бобурнома»да анча маълумот келтирилган. Бобур Мирзо замонида ва ундан кейинроқ олий табақа вакиллари тўй қилишса олтиндан бодомлар, кумушдан писталар ясаб, ичига мағиз солиш ва меҳмонларга қўйиш расм бўлган экан. Асардаги 1494—1495 йил воқеалари ҳақидаги бобни мирзо Бобур шундай бошлайди. «Манга Султон Маҳмуд Мирзодин Абдулқуддусбек отлиқ элчи келди. Улуғ ўғли Султон Масъуд Мирзога оғаси Султон Аҳмад Мирзонинг Оқбегим отлиқ иккинчи қизини тўй ва ойин билан олғон. Сочикни келтурди: олтиндан ва кумушдан бодомлар ва писталар қилиб эдилар» (17,25). Иқтибосдан кўринишича, бундан беш юз йил олдин, ўлка инқирозга юз тутган, четдан хавф кучаяётган даврда ҳам давлатманд одамлар орасида ортиқча ҳашамларга берилиш кучли бўлган экан. Маросимлардаги ўша ортиқчалик ва исрофгарчиликлар, бир томондан, инқироз белгиси бўлса, иккинчи томондан, ўша инқирознинг кучайишига асосий сабаблардан эди.

Маросимлардаги ортиқча исрофгарчиликлар фақат моддий зарар келтирмасдан, маросим ўтказувчиларнинг маънавияти унчалик бой эмаслигини ҳам кўрсатади ва, шу билан бир вақтда, жамиятга маънавий зарар ҳам келтиради. Бу зарар, аввало, ёшлар онгида сиртдан қараганда ялтироқ кўринган дабдабозликка, сохта обрўга интилиш ҳиссини уйғотса, иккинчи

томондан, одамлар онгида маънавий бўшлиқ яратади. Бўшлиқ эса жамият учун зарарли бўлган турли ақида-параст оқимлар кириб келиши учун қулай вазият туғдиради. Асримизнинг 70-, 80-йилларида худди шундай ҳол юз берди.

Шўролар даврида бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига сунъий равишда арзон нарх ушлаб туриларди. Бу билан шўро раҳбарлари социалистик тузум нақадар инсонпарвар эканини, бу жамият мўл-кўлчилик, арзончилик жамияти экани тўғрисида сохта тасаввур уйғотиш учун ўйлаб топилган найранг эди. Аслида эса бу арзон нархлар ерости ва ерусти бойликларини ваҳшийларча эксплуатация қилиш, кўп миқдорда нефт, газ, олтин ва пахтани чет элга сотиш ҳисобига ўрнатилган эди.

Арзон нарсага нисбатан ҳар қандай жамиятда ҳам менсимаслик кайфияти туғилади. Нонни энг олий қадриятлардан бири деб ардоқлаб келган, кўчада ноннинг ушоғини кўрса уни ердан олиб кўзига суртган ўзбеклар орасида ҳам, айниқса, ёшларда нонга беписандлик ва ҳурматсизлик аломатлари сезила бошлади.

Ҳаттоки, ахлатхоналарда буханка ва тандир нонлари кўплаб учрай бошлади. Озиқ-овқатга сунъий равишда ўрнатилган арзон нарх кишилар онгида салбий ҳодиса — исрофгарчиликка оддий ҳол сифатида қараш кайфиятини туғдирди.

Моддий борлиқдаги ҳодисалар баъзан кескин ўзгариши, баъзан ўз аксига айланиши мумкин. Онг ва маънавиятга эса ўзгаришлар аста-секинлик билан кечади. 80-йилларнинг иккинчи ярмида нефт ва газ захираларининг камайиши, борларини қазиб олиш қийинлашгани туфайли, Совет жамиятини аста-секин ўз домига тортаётган иқтисодий буҳрон кучайди. Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархи аввал аста-секин, кейинроқ эса жуда илдам оша бошлади. Нон дўконлари олдида одамлар соатлаб навбат кутадиган бўлдилар. Бу жараёнлар таҳлили алоҳида мавзу. Биз эса ўша буҳроннинг шиддат билан кучая бошлагани, аммо маросимлардаги исрофгарчиликлар жуда секинлик билан камайганига эътибор қаратмоқчимиз. Иқтисодий ва маънавиятдаги бундай номутаносиблик маълум тарангликни келтириб чиқарди. Иқтисодий танглик одамлардаги норозилик кайфиятининг кучайишига олиб келди. Одамлар турмушдаги қийинчиликлар, нарх-навонинг ошиши, истеъмол бозорида маҳсулотларнинг кескин

камая бошлаганидан норози эдилар. Лекин норозиликни нимага қаратишни билмасдилар.

Бундай иқтисодий тангликнинг ҳақиқий сабабчиси бўлган тоталитар тузумни қўпчилик айблай олмас эди. Чунки жамият онгига марксча-ленинча мафкура қўйиб ташланган эди. Мана шундай норозилик ва танглик вазиятидан ақидапарастлар усталик билан фойдаландилар.

Ўша пайтда одамлар суннат тўйи, никоҳ тўйи, аза маросимларини фақат диний маросим, деб тушунардилар. Аслида бу маросимлар дунёвий маросимлар бўлиб, уларнинг диний жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Бу маросимлардаги ортиқча исрофгарчиликларни ҳам одамлар диний маросимдаги ортиқчалик, деб тушунардилар.

Кишилар, жамият онгида маросимларга нисбатан норозиликдан моҳирона фойдаланган ақидапарастлар, бундай маросимлар илк исломда бўлмаган, улар ҳақиқий ислом вакиллари томонидан қораланишини тарғиб қила бошладилар. Умуман, ислом дини ва ҳанафий мазҳаб хусусиятлари тўғрисида етарли билимга эга бўлмаган одамлар кўнглида ақидапарастликка нисбатан ижобий майл пайдо бўлди. Бу кайфиятдан ҳам зудлик билан фойдаланган ақидапарастлар кўплаб одамларни ўз томонига ағдариб олишга муваффақ бўлдилар.

Ақидапарастларга қўл келган яна бир ҳолат шундан иборат эдики, коммунистик фирқа амалдорлари динга қарши, жумладан, ислом динига қарши курашда барча воситаларни ишга солаётган бўлсалар ҳам, аслида уларнинг бу курашда ожизлиги сезилиб қолаётган эди. Бу ожизлик, айниқса, маросимлар билан курашда яққол кўрина бошлаганди. Комфирқа раҳбарлари ҳам маросимларга қарши ва бу маросимлардаги исрофгарчиликка қарши тарғибий ишларни олиб бораётган бўлса ҳам бу тadbирлар гозга сув сепгандай натижа бераётган эди. Бу фирқа раҳбарлари энди нима қилишини билмай турганларида, ақидапарастлар маросимларга қарши фаолият бошлаб қолдилар. Бу эса коммунистларнинг жонига оро кирди. Улар гоҳ очик, гоҳ зимдан ақидапарастларни қўллай бошладилар. Бу эса ақидапарастларнинг янада авжга минишига олиб келди.

Шундай қилиб, совет тузумининг инқирози, бир томондан, маросимлардаги дабдаба, исрофгарчиликларда акс этган бўлса, иккинчи томондан, бу маросим ва ундаги исрофгарчиликлар диний ақидапарастликнинг жамиятда томир отиб қулоч ёйиши учун шароит

яратиб берди. Халқимиз орасида турли ортиқча маросимларнинг «болалаб» кетиши ва ўша кўп сонли маросимларнинг барчасида ҳам ортиқча сарф-харажатларнинг вужудга келиш сабаблари шўролар тузумидаги қилвирликлар ва нотўғри сиёсат қўйнига яширинган эди.

Шўролар тузуми ўзининг нақадар «фуқаропарвар» эканини кўрсатиш учун юқорида таъкидланганидай, озиқ-овқат маҳсулотларига сунъий тарзда арзон нарх ўрнатган эди. Арзон нархда озиқ-овқат маҳсулотларини дўкондан сотиб олган фуқарода социалистик тузумга ва КПССга миннатдорчилик туйғусини уйғотиш мақсад қилиб олинган эди. Лекин аслида у арзон нархлар ўша фуқароларнинг пешона тери эвазига ва ерости бойликларини аёвсиз қазиб олиш ва четга сотиш эвазига ўрнатилган эди. Жамият миқёсида маросимларни дабдаба ва асылса билан ўтказиш, уй ҳайвонларини ва умуван, чорвани дўкондан харид қилинган нон билан боқиш каби ҳолатларда намоён бўлди. Уйда қўй, эчки ёки қорамол боқадиган одамлар бозордан ем олгунча дўкондан нон олиб ҳайвонларни боқиши ҳам қулай, ҳам арзон бўлиб қолди. Шунинг оқибатида одамлар нон сотиб олиш учун дўконга халта ёки тўрва эмас, кўпинча қоп кўтариб борадиган бўлдилар. Колхоз ва совхозларда эса чорвани боқиш учун силос ғамлаш, дағал хашак тўплаш ўрнига магазиндан тонналаб ун сотиб олиш ва чорвага атала қилиб бериш ҳам арзон, ҳам қулай, ҳам иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлиб қолди. Энди нон ва ун маҳсулотлари мамлакат миқёсида эҳтиёжга нисбатан бир неча баравар кўп сарфлана бошлади. 70—80 йилларда собиқ Иттифоқда аҳоли жон бошига 600—800 килограммдан галла етиштирилар эди. Бу рақамларнинг ярмиси қўшиб ёзишлар ҳисобига ёлгон бўлган тақдирда ҳам, қолган ярмиси етиб ортиб қолиши ва омборларга дон сигмай кетиши керак эди. Лекин ундай бўлмади. Совет Иттифоқи бутун 70-, 80-йиллар давомида чет эллардан ҳар йили 20—30 миллион тонна дон сотиб олар эди.

Барча республикаларда чорва ҳайвонларини нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан боққанлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши, жиноят кодексларига шу ҳақда махсус модда киритилиши ҳам ёрдам бермади. Чунки иқтисодиёт соҳасидаги аҳмоқона тартиб келтирган зарарни қонунчиликдаги ҳар қандай қаттиқ жазолар ҳам қоплай олмасди. Шўролар чет эллардан

йилдан йилга кўпроқ дон сотиб олишга мажбур бўларди. 80-йилларнинг ўрталаридан четга сотилаётган катта миқдордаги олтин, нефт, газ ва пахтадан тушаётган пуллар ҳам ўсиб бораётган дон импортига етмай қолди. Энди озиқ-овқатлар нархи ўса бошлади. Аҳолининг реал даромадлари ўсмай туриб озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг муттасил ортиб бориши одамларда норозилик кайфиятларини уйғота бошлади. Бу эса СССРни емириб ташлаган иқтисодий сабаблардан бири эди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ҳаётимизда учраётган маросимларни ортиқча исрофгарчиликлар билан ўтказиш СССР дан қолган сарқитлардан биридир. Бундай зарарли ҳодисага қарши курашни И. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бошлаган эди. Чунки бу сарқит миллий тараққиётга катта ғов эканини жуда яхши тушунар эди. 1994 йил 18 март куни халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида И. Каримов яна шундай деган эди: «Вобкент туманида қандайдир шубҳали пуллар ҳисобидан ҳашаматли масжид қуришга киришган, ҳозирда Москвада яшаётган кимсанинг бошига оилавий мусибат тушибди. Унинг ёш вафот этган хотинининг маъракаси вилоят раҳбарларининг кўмаги ва бевосита иштирокида улкан бир тўйга айланиб кетганини қандай баҳолаш лозим? Тошкент ва бошқа вилоятлардан келган тумонат одам, «Чайка» ва чет эл машиналарининг хизмат қилиши, чинни фабрикасидан тахи бузилмаган чойнак-пиёлаларнинг қути-қути олиб келиб ишлатилгани маъраканинг ўзига миллион-миллион пул сарфлангани — булар наҳотки мусулмончиликка тўғри келса?» (6, 198)

Маросимлардаги ортиқча харажат ва исрофгарчиликларнинг кўпайиши, асосан, икки йўналишда бўлади.

1. Бевосита шу маросимлардаги харажатларнинг ортиши, яъни сохта обрў орттириш учун меъёр ва эҳтиёж даражасида эмас, бошқалардан ўтказиб юбориш ёки бошқалардан ортда қолмаслик учун ортиқча сарфлар қилиш.

2. Ўтказилаётган маросимларнинг «болалаб» кетиши туфайли харажатларнинг ортиши асосий маросимни ўтказиш олдидан ёки маросим ўтказилгандан кейин бевосита унинг давоми сифатида янги маросимлар чиқа бошлайди. Масалан, никоҳ тўйидан олдин турли вилоят, шаҳар ва туманларда ўнлаб маросимлар ўтказилади.

Бу маросимлар асосий маросим — никоҳ тўйига тайёргарлик ёки таъбир жоиз бўлса, «репетиция»дир. Лекин, кўпинча, улар кўлами бўйича асосий маросимдан қолишмайдиган даражада, баъзан эса ундан ҳам ошиб тушадиган ҳолатда ўтказилмоқда.

Ана шундай маросимлар турли вилоятларда турлича аталса ҳам, ўтказилиш мазмуни ва харажатлари бўйича бир-бирдан қолишмайди. Мана улардан бир нечтаси: эшик очди, нон синдирди, фотиҳа тўйи, юк берди, маъзар еди, идиш қайтди, ЗАГС тўйи, кичик маслаҳат, катта маслаҳат ва бошқалар. Буларнинг ҳар бирини ўтказишда қуда бўлғучилар бир-бирларидан ва бошқалардан қолмаслик учун бутун топган-тутганини сарф қиладилар. Топган-тутгани поёнига етгач, қарзга ҳам ботадилар. Агар мана шу сарф қилинган маблағлар турмуш қурмоқчи бўлган қиз ва йигитнинг ҳунар, илм олишлари учун, мабодо илм-у ҳунарлари бўлса, уларни янада чуқурлаштириш учун сарфланса қандай яхши бўларди. Афсуски, қуда-андалар латта-путта, кийим-кечак, қозон-товоқ тўғрисида жуда кўп бош қотирадилар-у, бу тўғрида ҳеч ўйламайдилар.

Энди никоҳ тўйигача ўтказиладиган маросимларнинг маънавий жиҳати ва мазмунига келсак. Шўролар даврида бу маросимлар шундай шаклга келиб қолдики, агар уларнинг яқунланиш пайтида ёшларга бахт тилаб қилинган дуолар ҳисобга олинмаса, асосий кўпчилигида маънавият, умуман, йўқ эди. Уларнинг мазмуни эса қорин ёрилиб кетар даражада овқат ейиш ва маст қилувчи ичимликлар ичишдан иборат бўлганди.

Халқимизнинг ижобий хислатлари жуда кўп. Бирон халқни ҳақиқатан яхши кўрадиган одам унинг фақат яхши жиҳатларини айтиб мақтамай, мавжуд камчиликларини ҳам айтиши, уларни йўқотишга интилиши керак. Лекин назаримда, бизнинг камчиликларимиздан бири фақат овқатхўр эканимизда эмас, қорин бандаларига айланиб қолганимизда. Кўп овқат ейиш, тиббиёт илми гувоҳлик беришича, бир томондан, хасталик белгиси ва иккинчи томондан, кўплаб янги хасталикларни келтириб чиқарувчи ҳодисадир. Шу сабабли топилган бўлса керак, халқимизда, нафси ёмон тўйда ўлади, деган ибора бор.

Маслаҳат, ЗАГС тўйи каби маросимлар, асосан, ичкиликбозликдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ҳам ҳали ҳолва. Аксар ҳолларда маслаҳатга келганлар тонготар қимор ўйнаш ва телевидение у ёқда турсин, видеобар-

дагилар ҳам кўрсатишга хижолат бўладиган видеоёзувлар кўриш билан машғул бўладилар. Бу маросимлар маънавиятга алоқадор бўлиш эмас, балки маънавиятнинг ашаддий кушандасидир.

Тиббиётда аниқланишича, ёмон ўсимта деб аталадиган саратон касаллигидан олдин бир ўсма пайдо бўлади. Кейин унинг атрофида бир қанча майда ўсмалар вужудга келади ва улар танани қуритади. Бундай ўсмалар мажмуини тиббиётда метастаза дейилади. Тиббиётда яна бир нарса аниқланганки, танадаги ҳимоя тизими — иммунитет бўшашгандагина унда ёмон ўсма ва метастазалар пайдо бўлади. Жамиятнинг ҳимоя тизими — унинг маънавияти. Маънавият сусайса, ёмон ўсимта — ортиқча маросимлар пайдо бўлади. Бу метастаза жамият танасини қуритиши мумкин. Тарихда бунга мисоллар кўп. Қуръони Каримда ҳам ортиқча ҳой-ҳавасларга берилган Самуд қабиласи ер юзидан мутлақо йўқ бўлиб кетгани тўғрисида ҳикоят бор.

Жамият танасида ёмон ўсма ва метастазалар пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун фақат бир йўл бор. Бу ҳам бўлса — маънавиятни ривожлантириш. Мабодо, шундай ўсмалар пайдо бўлса, уни даволаш учун ҳам фақат биргина йўл мавжуд. Бу йўл — ўша ўсмани кесиб ташлаш. Бу усул танага оғриқ беради, лекин у шифобахш йўл. Президент И. Каримовнинг маросимлар тўғрисида чиқарган фармони айнан шундай шифобахш воситадир. Саратонни даволайдиган жарроҳ тана тузилишини қанчалик аниқ билиши керак бўлса, ушбу фармон ҳам, И. Каримов жамият тузилиши ва ҳаётини, маънавиятини қай даражада чуқур таҳлил қилишини кўрсатади.

Маросимларни ўтказишдаги исрофгарчилик, ортиқча харажатлар тўғрисида билдирилган танқидий фикрлар умуман маросимларга эмас, фақатгина ўша маросимлардаги исрофгарчилик, дабдабозлик ва ортиқча харажатларга тааллуқлидир. Бу танқидий фикрлар умуман маросимлар тўғрисида танқидий тасаввурлар туғилишига олиб келмаслиги лозим. Маросимлар халқ, миллат ва шахснинг ўзлигини намоён қиладиган муҳим воситадир. Шу маросимларда ҳар бир халқ, ва шахснинг маънавияти ақс этиши билан бирга, камтарона ва сермазмун ўтказилган маросимлар ўша халқ ва шахс маънавиятининг бойишига ва юксалишига олиб келади.

Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва маънавий юксалиши ўртасидаги боғланиш турли олимлар ва файласуфлар томонидан турлича изоҳланиб келган. Бу изоҳлар, кўпинча, бир-бирини мутлақо инкор қилувчи характерда бўлган. Маънавият ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар баъзан ялпи миқёсда таҳлил қилинса, баъзан маънавиятнинг у ёки бу таркибий қисмлари, хусусан, ахлоқ, мафкура, дин, руҳий кабиларнинг иқтисодиётга ўтказадиган таъсири тўғрисида гап юритилган. Масалан, XX асрдаги йирик файласуфлардан бири Макс Вебернинг энг катта хизматларидан бири унинг христиан динидаги протестантлик мазҳаби иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик ортиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсиқлик қилганлар. Бойликни худонинг неъмати, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири эди.

Вебер издошлари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташади. Биз эса Вебер хизматларини эътироф этиш билан бирга шуни ҳам таъкидламоқчимизки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб протестантликнинг ўтказган таъсирини тадқиқ қилди. У умуман диний тасаввурлар эмас, ҳаттоки, умумжаҳон динларидан бири бўлган христианликнинг ролини ҳам атрофлича таҳлил қилгани йўқ. У ўз олдига бундай вазифани қўйган ҳам эмасди. Холбуки дин ва иқтисоднинг ўзаро таъсири фақат протестантлик ва капитализм муносабатлари билан чекланмайди. Протестантликдан ташқари христиан динидаги кўпгина оқимлар, бошқа динлар ва улардаги оқимлар иқтисодий жараёнларга турли даврларда турлича таъсир ўтказиб келганлар. Ҳаттоки, айтиб бериш мумкин бўлган ҳолда, айни бир мазҳабнинг ўзи ҳам иқтисодий ҳаётга турли даврда ва турли минтақаларда турлича таъсир ўтказган.

Христиан дини ва ундаги протестантлик мазҳаби, асосан, Европада, қисман, Америка қитъасида ва баъзи Шарқ мамлакатларида иқтисод билан ўзаро таъси-

ротга киришган бўлса, Яқин Шарқ мамлакатлари, Ўрта Шарқнинг катта қисмида, шунингдек, бошқа қатор минтақаларда ислом дини иқтисодий жараёнлар тадрижида бевосита иштирок этди. Ушбу мақолада ислом динининг иқтисодий ривожланишга ўтказган ва ўтказётган таъсирини махсус таҳлил қилиш мақсади қўйилмаган. Бу ўринда маънавият ва иқтисод муносабатлари таҳлил қилинмоқда. Дин, жумладан, ислом дини маънавиятнинг асосий таянчларидан бўлгани сабабли у ҳақда ҳам, албатта, сўз юритилади.

Ўз асарларидан бирида Президент И. Каримов иқтисодий муносабатларни жамиятнинг танасига, маънавиятни эса жамиятнинг жонига ўхшатган эди. Бу қиёс бадийий шаклда баён қилинган бўлса ҳам, унда илмий теранлик ва реаллик мавжуд (7, 261).

Иқтисод ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлик даражаси, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳар бир йўналишидан кучи ва давомийлиги турли даврларда турлича бўлган. Тарихга лоақал умумий тарзда кўз югуртириб чиқилса, уларнинг парвози ҳам, қулаши ҳам, кўпинча, бир пайтда юз берганини кўриш мумкин.

Қадимги Юнонистон ва Римда маънавият юксак чўққиларга кўтарилганини ҳамма билади, лекин, айнан, шу даврда Қадимги Юнонистон ва Рим иқтисоди ўша давр жаҳон иқтисоди тараққиётининг энг юксак чўққилари бўлганини ҳамма ҳам билавермайди.

Мовароуннаҳр тарихида ҳам маънавият ва иқтисодий тараққиёт, уларнинг инқирози ҳам бақамти юз берганини кўриш мумкин. Жумладан, IX—XV асрларда бу минтақада ҳам маънавий, ҳам иқтисодий соҳада улкан кўтарилиш юз берди. Бу давр тўғрисида сўз юритилганда тарихчилар асосан ёки фақат маънавий юксалиш тўғрисида гапирадилар. Тўғри, Шарқ Уйғониш даври дунёвий ва диний илмлар, адабиёт ва санъатнинг мислсиз ривожини билан характерли. Шу даврда юзлаб ва минглаб улкан алломалар етишиб чиқдики, улар нафақат шу ҳудудда яшовчи халқлар, балки бутун инсоният фахрига айландилар. Шундайлар жумласига Аҳмад ал-Фаргоний, Юсуф Хос Хожиб, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Замахшарий, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Фихдувоний, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб олим-у фузалоларни киритиш мумкин. Уларнинг кўпчи-

лиги ҳақида илмий рисола ва бадий асарлар эндигина ёзила бошлаган бўлса-да, шу дастлабки намуналарнинг ўзидан ҳам маънавий кўтарилиш кўламини тасаввур қилса бўлади. Лекин бу даврдаги иқтисодий юксалиш тўғрисида жуда кам ёзилган. Холбуки иқтисодий ўсиш ҳам кишини ҳайратга соладиган даражада эди. Бунга ёзма манбаларга мурожаат этиб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Иқтисодий ривожланиш умуман савдонинг, хусусан ташқи савдонинг қай даражада ривожланганида ўз аксини топади. Уйғониш даврида Ўрта Осиёда ташқи савдо қай даражада ривожлангани тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун манбаларга мурожаат этиш мумкин. Мовароуннаҳрнинг ўзида савдо ва иқтисод ривожланишидан ташқари, бу ерлик савдогарлар дунёнинг узоқ мамлакатларида ҳам фаол савдо ишлари олиб борганлар. 1150 йилда Венгрияга борган араб сайёҳи Абу Ҳамид ал-Гарнатий у ердаги бозорлар ва савдогарлар тўғрисида шундай ёзган эди: «Унқурия деб аталувчи бу мамлакат 78 шаҳардан иборат. Бу шаҳарлардан ҳар бири кўплаб қалъа, қишлоқ, тоғ, ўрмон ва боғларга эга. Уларда минглаб мағрибликлар яшайди. Уларнинг сон-саногии йўқ. Уларда минглаб хоразмликлар ҳам яшайдилар. Уларнинг ҳам сон-саногии йўқ. Хоразмликлар савдо билан шуғулланадилар ва подшога хизмат қиладилар» (18, 38). Иқтибосдан кўринишича, Венгрия шаҳарларида XII аср ўрталарида сон-саноксиз хоразмликлар савдо ва ҳарбий ишлар билан шуғулланганлар. Китобдаги изоҳларда, ал-Гарнатий «Мағрибликлар» деб Турк ҳоқонлигининг ғарбида, яъни Ўрта Осиё худудида яшаган аҳолини назарда тутгани ҳисобга олинса, Венгрия шаҳарларида Ўрта осиеликлар қанча кўп бўлганини тўлароқ тасаввур қилиш мумкин. XII аср бошларидаёқ Европанинг марказида жойлашган Унқурияда минглаб хоразмлик савдогарларнинг бўлиши Европада савдо ривожланганини кўрсатиш билан бирга, Хоразмда иқтисод қанчалик ривожланганини ҳам кўрсатади. Чунки ўрта асрларда ҳунармандчилик, умуман, иқтисод ривожланган ўлкалардангина савдогарлар бошқа минтақаларга маҳсулот олиб бориб савдо қилишлари мумкин эди.

Иқтисод ва маънавиятнинг ўзаро узвийлигини фақат маънавият билан шуғулланувчи мутахассисларгина эмас, иқтисодчи олимларнинг кўпчилиги ҳам чуқур англаганлар. Масалан XX асрнинг кўзга кўринган иқти-

содчиларидан бири Жон Мейнард Кейнс бу алоқадорликни англабгина қолмай, ўзининг фандаги асосий хизмати асосий руҳият қонуни аталган қонунни кашф этишда, деб билганди. Унга кўра, даромадларнинг ўсиши, бойлик ортиши натижасида истеъмолга бўлган майл пасаяди. Одамларда ҳисоб-китоб билан истеъмол қилиш, эҳтиёткорлик, бахиллик каби хусусият ва мотивлар пайдо бўладики, улар энди талабнинг пасайишига ва шу орқали ишлаб чиқариш суръатларининг секинлашишига олиб келади. Кейнс жами саккизта шундай мотивни аниқлаган эди.

Кейнс аниқлаган мотивлар ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири алоҳида баҳс талаб қилади. Лекин иқтисодчи сифатида жаҳонга машҳур бўлган олимнинг руҳиятга алоқадор масалалар билан жиддий шуғулланиши эътиборга моликдир.

Иқтисол назариясида Кейнс олға сурган асосий қоидалардан бири иқтисоднинг давлат томонидан бошқарилиши зарурлиги тўғрисидаги хулосадир. Баъзи иқтисодчилар мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларга давлат бошчилик қилаётганини кўриб, Ўзбекистонда иқтисодни ривожлантиришда Кейнс модели қўлланыпти, демоқдалар. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, иқтисодни бошқаришга давлат аралашуви зарурлигини иқтисодчилар Кейнсдан анча илгари ҳам айтган эдилар. Ҳатто Маркснинг режали иқтисод тўғрисидаги назарияси ҳам иқтисоднинг тўлалигича давлат томонидан бошқарилишига асосланади. Ўзбекистонда эса на Кейнс, на Маркс модели қўлланилади. Аксинча, Кейнс моделидан кескин фарқ қилувчи, Маркс моделидан эса қутулишга асосланган модел қўлланилмоқда. У ўзига хос оригинал ишланма бўлиб, уни Ўзбекистон Президенти И. Каримов маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олиб, аҳоли анъаналари, хусусиятлари ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ қилди. Кейнс моделида иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг ҳуқуқий муруватлардан фойдаланиши ҳақидаги фикрлар баён қилинган, аммо иқтисодиётнинг маънавий билан алоқадорлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. И. Каримов эса иқтисодий ўзгартириш ва ислохотлар давлат томонидан бошқарилиши ва у маънавий пойдеворга таянишини асослаб берган. Президент ўзининг 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида, жумладан, шундай деган эди: «Сар-

чашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўсишларимизнинг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади» (4, 13). Бу парчадаги алоҳида эътиборга молик нарсаси шундаки, иқтисодий тараққиётнинг асоси, пойдевори, Маркс айтганидай, ишлаб чиқариш қуролларининг ривожланиши, ижтимоий базисда эмас ёки Кейнс айтганидай, ҳуқуқий соҳадаги муруватларда эмас, балки халқимизнинг маънавий қадриятларида экани кўрсатилмоқда. Бу жуда ўзига хос, оригинал ва теран ҳулоса бўлиб, унга фақатгина И. Каримов томонидан яратилган янги ижтимоий фалсафий тизим доирасида эришиш мумкин бўлди.

И. Каримов 1992 йил декабрида Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида эса: «...ҳаётиямизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир», — деб таъкидлаган эди (3, 106). Амалиёт бу модел нақадар ҳаётий эканини тасдиқлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг бош ислохотчиси давлат эканидан бу ерда иқтисодий ислохотларнинг Кейнсча модели қўлланилган, дейиш нотўғри бўлади. Бундай ҳулосага Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунмаслик натижасида ёки воқеликка менсимай муносабатда бўлиш оқибатида келиш мумкин. Тўла асос билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ислохотларни ўтказишда Кейнс моделидан эмас, Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзбек моделидан фойдаланилмоқда.

Иқтисодиётнинг ҳар қандай ҳодиса, жумладан, маънавий билан алоқадорлигини изоҳлашда марксизм учун ҳеч қандай муаммо йўқ эди. Чунки бу оқим ижтимоий ҳаётни тушунтиришда ижтимоий борлиқ, яъни иқтисодий муносабатлар бирламчи, бошқа ҳар қандай ҳодисаларни иккиламчи, ҳосила нарсалар, деб эълон қилганди. Маънавий ҳодисалар, яъни фан, санъат, адабиёт, дин, сиёсат кабиларни иқтисоддан устувор эмас, ҳатто у билан бир хил даражада рол ўйнайди, дейиш ортодоксал марксистлар томонидан шаккоклик сифатида баҳоланарди. Аммо амалда ижтимоий тараққиёт, кўпинча, иқтисодга эмас, маънавий ҳодисаларга боғлиқ бўлиб қолишини сезган марксизм назариётчилари бу қоидадан чекинган эдилар. Жумладан, Россиядаги энг йирик

марксистлардан бири Г. В. Плеханов: «Иқтисод ҳеч қачон ўз-ўзидан ғалаба қозона олмайди», — деб ёзган эди (19,216).

Марксизмнинг асосчиларидан бири бўлган В. Ульянов-Ленин эса керак бўлиб қолганда, иқтисоднинг бирламчилиги тўғрисидаги таълимотни фақат назарияда чеклаб ўтмасдан, амалиётда ҳам уни бир чеккага суриб қўярди. Жумладан, революцион вазият тўғрисидаги Маркс таълимотини амалга тадбиқ этишда у худди шундай йўл тутди.

Маркс таълимотига кўра революцион вазиятнинг иқтисодий мазмунини ишлаб чиқариш кучлари билан уларнинг кейинги тараққиётига тўсқинлик қила бошлаган ижтимоий муносабатлар ўртасидаги зиддият ташкил этарди. Яъни, капиталистик формацияга нисбатан қўллаганда капиталистик ишлаб чиқарувчи кучлар ўз тараққиётида шундай даражага етиши керак эдики, бу ларажада уларнинг янада тараққий этишига капиталистик муносабатлар тўсиқлик қила бошлаши керак эди. Россияда эса капиталистик ишлаб чиқарувчи кучлар энди ривожлана бошлаган бўлиб, уларнинг, марксизм нуқтаи назаридан қараганда ҳам, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига тўсиқлик қилишига кўп вақт бор эди. Уларнинг капиталистик муносабатлар билан зиддиятга киришувларига ҳали бир неча ўн йил бор эди. Лекин Ульянов-Ленин ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиб, ишлаб чиқариш муносабатлари воситалари билан улар ўртасида зиддият пайдо бўлишини кутиб ўтирмади. У Россияда революцион вазият етилганини эълон қилди ва давлат тўнтариши қилиш учун ҳаракатларни бошлаб юборди. Бу авантюра жуда улкан ҳудудда миллионлаб одамлар бошига қандай кулфатлар келтиргани ҳаммага маълум. Борди-ю, Ленин капиталистик ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида зиддият пайдо бўлиши ва кучайишини кутганда, унинг умри етмасди. Чунки у революцион-авантюристик фаолиятини XX аср бошида бошлаган бўлса, XX аср охирида ҳам бундай вазият етилмаганди. Чунки капиталистик муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига XX аср сўнгида ҳам тўсқинлик қилмаяптилар. Ҳар ҳолда, Ленин амалда, иқтисод бирламчи, бошқа ҳодисалар иккиламчи, деган қоида соддадил, лақма одамлар учун яратилган, қабилида иш тутди. Ўз асарларида ҳам бу қоидани турли йўсинда кўп марта такрорлашига қарамай, у ҳаётдаги жуда муҳим ҳолатларда унга амал қилмади.

Тоталитар иқтисоддан бозор иқтисодига ўтишда давлатнинг ислохотчилик ролини тан олмаслик тоталитар иқтисод ўз-ўзидан бозор иқтисодига айланади, деб хом-хаёл қилиш натижасидир. Ривожланган бозор иқтисоди ўз-ўзини бошқариши мумкин. Лекин бунинг учун иқтисодий тараққиётнинг юқори даражасидан ташқари, мустақкам ҳуқуқий пойдевор, маънавий-ахлоқий муносабатларнинг муайян даражаси бўлиши лозим. Буларсиз тоталитар иқтисод ўз-ўзидан бозор иқтисодига айланиб қолмайди. Мабодо айланган тақдирда ҳам бунга жуда узоқ муддат керак бўлади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган тоталитар иқтисод чириб, емирилиб бораверади. Бу жараён узоқ давом этиши мумкин.

Фалаж қилиб даволаш назарияси тарафдорлари тоталитар иқтисоддан бир сакраб бозор иқтисодига ўтмоқчи бўлсалар-да, бу сакраш, деярли, барча ҳолларда олдинга эмас, орқага сакраш бўлди. Даволашнинг «шок» усулидан фойдаланган баъзи Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодий ривожланиш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар эса, бу усулнинг афзаллиги туфайли эмас, балки уни давлатнинг ислохотчи сифатидаги ҳаракатлари билан қўшиб олиб борилгани натижасидир. Фақат фалаж усулига умид қилган МДХ мамлакатларида иқтисодий қулаш ва бухрон ҳанузгача давом этмоқда. У ерларда иқтисодий ўсиш у ёқда турсин, иқтисодий бухронни қандай қилиб тўхтатиш тўғрисида бош қотиришмоқда. Давлатнинг ислохотчилик функциясидан фойдаланган мамлакатларда эса бухрон тўхтатилиб иқтисодий ўсиш бошланди. Улар орасидан Ўзбекистон Республикасига келсак, бу ерда иқтисодий қулаш ва бухрон бошқаларга нисбатан анча эрта ва тез тўхтатилди. Бунга эса давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги роли тўғрисида иқтисодий назарияда мавжуд бўлган қоидадан фойдалангани сабабли эмас, ўша қоидани кучли ривожлантириб, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ислохотлар учун ҳуқуқий ва маънавий пойдеворни яратиш билан қўшиб олиб борилгани туфайли эришилди. Бу назария, аслида, иқтисод фанидаги мавжуд қоида эмас, балки том маънода янги назария эди. Бу назария Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилди.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланса ҳам, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда

юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин. У иқтисодий тушкунлик даврида ҳам ривожлана олса-да, унинг ҳақиқий юксакликка кўтарилиши иқтисодий ўсиш, ривожланиш даврида юз беради. Бунга Ғарб тарихи ҳам, Шарқ тарихи ҳам гувоҳлик беради. Қадимги Юнонистон ва Римда маънавиятнинг баланд чўққиларга кўтарилиши иқтисодиётнинг гуллаган даврига тўғри келган эди. Шарқдаги уйғониш даврида маънавиятнинг гуллаб-яшнаши иқтисодиётнинг барқ уриб ривожланиши билан бирга кечди. Кейинроқ Ғарб Уйғониш даврида ҳам маънавият ва иқтисодиёт биргаликда ривожланган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маънавиятнинг иқтисодиёт тушкунликка учраган ҳолларда ҳам ривожланавериши, нисбатан, қисқа даврда ва чекланган ҳудудларда юз берган.

Бундан ташқари, маънавият иқтисоддан узоқлашар ёки уни унутар экан, аста-секин инқирозга юз тутган. Бунини сабаби шундаки, жамият ҳасти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки қисм: иқтисодий ва маънавий ҳаётга бўлинади. Уларни бир-бирига қарши қўйиш, бир-биридан ажратиш воқеликка зид бўлиб, охири муваффақиятсизлик билан тугайдиган машғулотдир.

Совет даври адабиёти ва санъатида худди шундай ҳодиса юз берди. Бу даврда битилган шеърий ва насрий асарларнинг кўпчилигида қаҳрамонлар кундалик турмуш ташвишлари, пул тўғрисида мутлақо ўйламас, улар тун-у кун янги технологиялар яратиш, янги ерлар очиш, эскилик сарқитлари билан курашиш тўғрисида бош қотирардилар. Холбуки, ҳаётда бундай эмасди. Фақат ҳаётда эмас, XIX—XX аср адабиётининг юксак чўққилари ҳисобланган Бальзак, Эдгар По, Жек Лондон, Фолкнер сингари ёзувчилар яратган қаҳрамонлар ҳам пул ва бойлик тўплаш тўғрисида тун-у кун бош қотирадилар. Бойлик тўплаш учун улар қаҳратон Шимолга ёки жазирама Жанубга борадилар. Улар қилган қабоҳатлар ҳам, қаҳрамонликлар ҳам бойлик билан боғлиқ эди. Бу ёзувчилар ижобий қаҳрамонларнинг олижаноб ишларини таърифлашда бойлик ўйнаган ролни эътироф қилиш билан бирга, қабоҳатларнинг келиб чиқишига ҳам бойлик сабаб бўлганини ишонарли бўёқларда тасвирлаганлар. Совет адабиёти намуналарида эса ижобий қаҳрамонлар бойлик тўғрисида мутлақо гапирмаганлар, гапирганлари тақдирда эса бойликни фақат қоралганлар. Бу адабиёт намуналарида бойлик тўғрисида ижобий фикрни фақат салбий қаҳрамонлар гапиришар эди.

Биз Макс Вебер протестант мазҳаби жамиятнинг бойишига катта туртки берганини кашф қилгани ҳақида гапирдик. Савдо ходимлари, ҳисобчи-бухгалтерлар, омборчилар, даллоллар сингари иқтисодий ҳаётнинг зарур одамларини фақат қора бўёқларда тасвирлаган совет адабиёти, жумладан, ўзбек совет адабиёти жамиятнинг бойишига, иқтисодий жиҳатдан юксалишига ҳисса қўшиши мумкин эмас эди. Мана шу мисол ҳам адабиёт ва санъат, умуман, маънавият иқтисодга тескари қараб олганда инқирозга учраши ва иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлиб қолишини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов*. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли (1992 йил) // «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». — Т.: Ўзбекистон, 1-том, 1996 йил (36—85-бетлар).

2. *Ислом Каримов*. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. // «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». — Т.: Ўзбекистон, 1-том, 1996 йил (86—103-бетлар).

3. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида сўзланган нутқ, 1992 йил 8 декабр // «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». — Т.: Ўзбекистон, 1-том, 1996 йил (104—139-бетлар).

4. *Ислом Каримов*. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 7 майда сўзланган нутқ) // «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». — Т.: Ўзбекистон, 1-том, 1996 йил (200—218-бетлар).

5. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқ (1993 йил, 2 сентябр) // «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», 2-том, 1996 йил (3—28-бетлар).

6. *Ислом Каримов*. Иқтисодий ислоҳот масъулиятли босқич. Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг сессиясида сўзланган нутқ (1994 йил, 18 март) // «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», 2-том, 1996 йил. (175—201-бетлар).

7. *Ислом Каримов*. Илм-у фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзланган нутқ (1994 йил, 7 июл) // «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». — Т.: Ўзбекистон, 2-том, 1996 йил (249—264-бетлар).

8. *Ислом Каримов*. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида сўзланган нутқ (1995 йил, 23 феврал) // «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-том, 1996 йил (3—54-бетлар).

9. *Ислом Каримов*. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ (1995 йил, 3 октябр) // «Бунёдкорлик йўлидан». — Т.: Ўзбекистон, 4-том, 1996 йил (39—55-бетлар).

10. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари (1997

йил) // «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида». — Т.: Ўзбекистон, 6-том, 1998 йил (31—261-бетлар).

11. *Ислоҳ Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзланган нутқ (1999 йил, 14 апрел) // «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз». — Т.: Ўзбекистон, 7-том, 1999 йил (370—404-бетлар).

12. *А. Эркаев*. Маънавият — миллат нишони. — Т.: «Маънавият», 1999 йил.

13. *А. Миграян*. Россия в поисках идентичности. — Москва: «Международные отношения», 1997 г.

14. Комил инсон тўғрисида тўрт рисола. — Тошкент: «Маънавият», 1997 йил.

15. *Насафий А.* Зубдат ул-ҳақойиқ. — Т., 1994 йил.

16. *Маҳмудхўжа Бехбудий*. Танланган асарлар. — Тошкент, «Маънавият», 1997 йил.

17. *З. Бобур*. «Бобурнома», — Тошкент, 1990 йил.

18. Путешествие Абу Хамида ал-Гарнати. — Москва: Наука, 1971г.

19. *Т. В. Плеханов*. Избранные философские произведения. Т. 2. — М., 1956 г.

МУНДАРИЖА

Маънавият фалсафаси	3
Маънавият: мазмун ва моҳият	12
Маънавият ва ижтимоий адолат	25
Демократиянинг янги талқини	39
Инсон ва маънавият	49
Маънавият ва маросимлар	69
Маънавият ва иқтисод	83
Фойдаланилган адабиётлар	94

АБДУЛЛАЖОН БЕГМАТОВ

МАЪНАВИЯТ ФАЛСАФАСИ ЁХУД
ИСЛОМ ҚАРИМОВ АСАРЛАРИДА ЯНГИ
ФАЛСАФИЙ ТИЗИМНИНГ ЯРАТИЛИШИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000
«Академия»

Муҳаррир *Аъзам Ўктам*
Бадий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Мусахҳиҳ *Ж. Тоирова*

Теришга 24.07.2000 берилди. Босишга 7.08.2000 рухсат этилди.
Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 5,04. Нашриёт ҳисоб табоғи 4,9. Адади 5000 нусха. Буюртма
№ 838. Баҳоси келишилган нарҳда,

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41**